**М. ХОЛИҚОВА**

# “ҲАЁТ ДАВОМИДА ТАЪЛИМ” ПАРАДИГМАСИ

**Монография**




**ТОШКЕНТ – 2022**

**УЎК:330.101**
**КБК 65.012**
**Х 86**

**М. Холиқова. Ҳаёт давомида таълим парадигмаси. Монография. – Т.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» 2022, 212 бет.**

**ISBN 978–9943–8619-9-2**

Монографияда ахборот жамиятининг глобал дефиницициялари, замонавий иқтисодий-ижтимоий формация контекстида “Ҳаёт давомида таълим” Lifelong Learning парадигмасининг генезиси, фанда парадигмализм ҳодисаси ҳамда шахсда XXI аср компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик-андрагогик имкониятлари илмий ва форсайт-таҳлил қилинади.

Монография социология, ижтимоий педагогика, андрагогика, таълим менежменти соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар, тадқиқотчилар, илмий изланувчилар, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими ходимлари учун мўлжалланган.

**УЎК:330.101**
**КБК 65.012**

Монография Тошкент шаҳар педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази Илмий-методик Кенгашининг 2022 йил 22 сентябрдаги 8-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

**Тақризчилар:**
**А.Холбеков** – социология фанлари доктори, профессор;
**Ж.Мусаев** – педагогика фанлари доктори, профессор

**ISBN 978–9943–8619-9-2**

**© «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi» – 2022.**

# КИРИШ

XXI асрда инсоният трансформацион жараёнларни бошидан кечирмоқда. Рақамли технологиялар дунёнинг концептуал семантикасини, шахснинг хатти-ҳаракат стратегиясини, тафаккур тарзини ўзгартириб, янги сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий воқеликни шакллантирди. Тараққиётнинг ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш, ижтимоий воқеликнинг асосий тенденцияларини баҳолаш, ушбу контекстда шахс ва жамият эҳтиёжларини англаш, ижтимоий институтлар фаолиятини ташкил қилиш, хусусан, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш социология, ижтимоий педагогика, андрагогика соҳасидаги тадқиқотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

XXI аср таълими гуманистик идеаллар, қадриятлар ва методик анъаналарини давом эттирган ҳолда ахборот даврининг воқелигига мос янги назарий концепция, инновацион ёндашувлар, методологияларни талаб қилади. Замонавий постиндустриал билимлар жамиятида интеллектуал капитал жамиятнинг моҳияти ва ички тузилишининг асосига айланади ва унинг стратегик ривожланиш тенденцияларини белгилайди. Иқтисодий тараққиёт, интеллектуал капитални шакллантириш шахс ва жамиятдан экспоненциал тарзда кўпайиб борувчи билим ва компетенцияларни талаб қилади, бу аввало, аҳолининг тобора кенг қатламларини қамраб олган таълим тизимини шакллантириш билан боғлиқ. Рақамли иқтисодиёт турли хил янги билимлар ва кўникмалар, таълимнинг концептуал янги парадигмасини қабул қилишни ва ривожлантиришни тақозо этади.

Ушбу контекстда “Ҳаёт давомида таълим” Lifelong Learning парадигмаси XXI аср муаммоларини ҳал қилишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Таълим ўзгарувчан дунё шароитида барқарор ривожланиш, таҳдидларга тайёрлик, хавфларни бошқариш, локал ва глобал манфаатлар, ижтимоий ҳамкорлик ва кооперация, жамиятнинг демократлашуви, фуқароларнинг

ижтимоий ҳаётда фаол иштироки, билимга асосланган жамиятда таълим, инсон ресурсларини ривожлантириш, меҳнатни ташкил этишнинг янгича шароитлари, шахснинг ижодий ва касбий салоҳиятини намоён этиш, низоларни бошқариш, гендер тенглиги, биргаликда яшашни ўрганиш, инсоният тараққиёти йўлида самарали ҳамкорлик каби муаммоларни ҳал этиши зарур. Шу сабабларга кўра, Lifelong Learning парадигмаси мавжуд детерминантларнинг квинтэссенцияси, вақт ва маконда эгилувчанлиги, хилма-хиллиги билан жамият ва шахснинг концептуал муаммоларининг ечимига хизмат қилади.

# АХБОРОТ ВА БИЛИМЛАР ЖАМИЯТИ

**Бизнинг билимларимиз**
**сон-саноқсиз ақл эгаларининг**
**тўплаган тафаккур ва тажрибасидир.**
Ральф Эмерсон

XXI асрда бутун дунёдаги иқтисодиёт ва кундалик ҳаёт кўламини ўзгартирган йирик ижтимоий феноменлар – технологик тамаддун, глобал иқтисодиёт ва экспоненциал тараққиёт юз берди ҳамда жаҳон ҳамжамияти тарихий ривожланишининг қатор модернистик тенденциялари пайдо бўлди.

Глобал иқтисодиётнинг илмий манзарасини ***Digital technology, рақамли экотизимлар, блокчейн, нейроинтерфейслар, нанотехнологиялар, когнитив технологиялар, 3D-технологиялар, ген инженерияси*** каби омиллар ташкил этди, форсайт-таҳлиллар[1] орқали келажакда қуввати силикон компьютерлардан миллиард марта ошиб кетадиган квант компьютерлари; пўлатдан 100 баравар кучли бўлган нано-углеродли материаллар, симсиз ахборот тармоғининг ҳамда вақт ўтиши билан ёки атроф-муҳит ўзгаришига қараб ўз шаклини ёки функциясини ўзгартирадиган объектларни лойиҳалашга имкон берадиган технологияларнинг яратилиши башорат қилинмоқда.

Британиялик социолог, педагог, Лидс университети (University of Leeds) профессори Зигмунт Бауман (Zygmunt Bauman) сўнгги йилларда инсоният улкан трансформацияни бошдан кечирганини, замонавий жамиятнинг янгича кўриниши инсоният мавжудлигининг барча олдинги шаклларидан тубдан фарқ қилишини қуйидагича тавсифлайди: “*Бугунги дунёда мобиллик тобора глобал*

[1] Форсайт-таҳлил (ингл. Foresight — олдиндан кўра билиш) – технологик, ижтимоий, иқтисодий тенденцияларни ўрганиш, экстраполяция орқали мумкин бўлган келажакни илмий прогнозлашга бағишланган фанлараро билим соҳаси усули.

*тус олаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий иерархиялар учун ҳар куни қуриладиган ва қайта тикланадиган материал, табақаланишнинг энг кучли ва керакли омилига айланди.*”[2]. Зигмунт Бауман замонавий жамиятнинг концептуал асослари инсоният мавжудлигининг барча олдинги шаклларидан тубдан фарқ қилишини таъкидлайди ҳамда замонавий босқичда биз илгари ҳеч қачон одамлар яшамаган ҳудудга – ўтмишда маданият яшаш учун яроқсиз деб ҳисобланган ҳудудга кирдик, дея хулоса қилади. Замонавий жамият жамоатчилик ва шахслар ўртасидаги мулоқот зарурлигини тан олмайди. Мазкур индивидуаллашув, биринчи навбатда, ўтмишда маълум бўлган ижтимоийлашув шаклларини инкор этиш, шу билан бирга ижтимоий воқеликнинг ҳам, ҳар бир алоҳида шахс ҳаётининг сабаб ва оқибати вазифасини бажарадиган омил сифатида тавсифланади. Тадқиқотчининг фикрича, индивидуаллашган жамият бугунги куннинг ҳақиқатидир. Бауман индивидуаллашган жамиятнинг қусурлари ва хавф-хатарларини кўрсатиб беради, унинг олдида турган муаммоларни очиб беради ва келгуси асрдаги ижтимоий тараққиётнинг дилеммаларини тузатади.

Ушбу ўзгаришлар ижтимоий ҳаётга, хусусан таълим тизимига қандай таъсир қилади? Ҳозирги вақтда педагоглар, андрагоглар, социологлар, психологлар, файласуфлар, иқтисодчилар, маданиятшунослар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда илгари сурилаётган замонавий объектив воқелик, унинг ижтимоий-маданий ҳолатини тушунтиришга қаратилган кўплаб назариялар мавжуд. Мазкур параграфда турли билим соҳалари призмаси орқали замонавий жамиятнинг энг муҳим назарияларини таҳлил қилиш, умумий асосларини аниқлаш ҳамда муаммога оид фикрлар эволюциясини кузатишга уриниб кўрамиз. Замонавий жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш инсоният тамаддунининг глобал

---

[2] Zygmunt Bauman. The Individualized Society, 2001. Зигмунт Бауман: Индивидуализированное общество. Перевод на русский язык под редакцией В. Л. Иноземцева. — М., 2005. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 16.05.2012. URL: https://gtmarket.ru/library/basis/4993/5009.

ўзгаришларини ўрганишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу маълумотлар тўплами асосида, инсониятга янги таҳдидларнинг, масалан, технологик тараққиётни ўз ичига оладиган ижтимоий ўзгаришларнинг йўналишларини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Билимнинг ўзгарувчан кучи ҳақидаги ғоя антик даврдан буён ижтимоий-фалсафий тафаккурда (**Платон, Аристотель, Демокрит, Зенон, Тит Лукреций Кар, Евклид, Птоломей, Пифагор, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Ибн-Халдун, Форобий, Рене Декарт, Филипп Меланхтон, Иммануил Кант, Фрэнсис Бэкон**) муҳим ўрин эгаллайди. Зенон дихотомияси, Демокритнинг атомистик концепцияси, Суқротнинг ахлоқий рационализми, Форобийнинг материализми, Меланхтоннинг гуманистик ғояларида билим ва тафаккурнинг жамият ривожидаги ўрни ва аҳамияти муаммолари таҳлил қилинади.

Замонавий жамиятнинг ўзига хослигини аниқлашга қаратилган назарияларда билимнинг детерминант ролига алоҳида эътибор берилган. Иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида ушбу назариялар ва илмий дастурларнинг пайдо бўлиши шартидаги аниқ фарқларга қарамай, билимнинг ижтимоий роли ҳақида гап кетганда, баъзи ўхшашликларни топиш мумкин. Тадқиқотчи **Ю.М.Резник** ижтимоий назарияларнинг имманент моҳиятига тўхталиб, уни ижтимоий воқелик тўғрисида ўз тушунчаларига эга бўлган ижтимоий гуруҳни (файласуфлар, социологлар, назариётчилар) ўз ичига олган илмий амалиётнинг бир тури эмас, балки ижтимоий онгга таъсир кўрсатишга қодир бўлган ва ижтимоий аҳамиятга эга илмий, когнитив, амалий, таълимий ва мафкуравий функцияларни бажаришга қодир бўлган ижтимоий институт сифатида тавсифлайди. Унинг тарбиявий роли ижтимоий трендлар ва қадриятларни шакллантириш бўлиб, ижтимоий назария одамларнинг улар яшаётган жамият қандай эканлиги ҳақидаги саволларига жавоб сифатида юзага келади. Ижтимоий

назария замонавий жамиятнинг янги моделлари ва тузилмаларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда унинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларининг илмий рефлексияси сифатида пайдо бўлади[3]. Мазкур ўринда америкалик олим, файласуф, социолог, Калифорния университети профессори **Пол Карл Фейерабенд** (нем. Paul Karl Feyerabend) томонидан илгари сурилган илмий тафаккур жараёнида универсал методологик қоидаларни ишлаб чиқиш мумкинлиги инкор этилган фаразларни эслаб ўтиш мумкин[4].

XX асрда замонавий дунёда илмий-техникавий тараққиётнинг ижтимоий ролини акс эттирувчи назариялар кенг ривожлана бошлади. Мазкур назарияларда фан ва техника ютуқлари ҳаётнинг иқтисодий-ижтимоий шароитларидан қатъий назар жамиятда туб ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омиллар сифатида қабул қилинади. Бу назариянинг дастлабки постулатлари америкалик сиёсатшунос, социолог, Массачусетс технологик институти профессори **Уолт Уитмен Ростоу** (Walt Whitman Rostow) томонидан асосланган иқтисодий тараққиёт босқичлари ҳақидаги ғояларга таянади: "*Техник тараққиёт яқинлашгани сари инсонлар индустриал жамият хизмат қилиши мумкин бўлган якуний мақсадлар ҳақидаги саволларга жавоб излай бошлайдилар*[5]. Француз социологи, постиндустриал жамият назарияси асосчиларидан бири **Реймонд Фердинанд Арон** (Raymond Ferdinand Aron) илм-фаннинг ижтимоий функциясига алоҳида урғу беради: *"Меҳнатни ташкил этишда илм-фанни қўллаш туфайли инсоният ўз имкониятларини улкан даражада ривожлантиради"*[6].

---

[3] Ю.М. Резник. Социальная теория и общество: гражданская миссия и ответственность интеллектуалов/ Вопросы социальной теории. - Москва. 2007. Том I. Вып. 1. Под ред. Ю.М. Резника. - 340 с. ISBN 5-901493-11-7.

[4] Фейерабенд, Пол. Против метода. Очерк анархистской теории познания / Пер. с англ. А. Л. Никифорова. — М.: АСТ; Хранитель, 2007. — 413 с. ISBN 978-5-17-041128-3.

[5] У.Ростоу. Стадии экономического роста/Пер. с англ. В.П.Марченко. Нью Йорк: Издательство Фредерик А.Прегер, 1961. — 242 с. - 111 бет.

[6] Р.Арон. Этапы развития социологической мысли/Общ, ред. и предисл. П.С. Гуревича. — М.: Издательская группа «Прогресс» — «Политика», 1992. — 608 с.

Баъзи тадқиқотчилар инсоният ахборот, билим, маълумот ва илмий тараққиёт етакчи роль ўйнайдиган янги даврга кирди, деб ҳисобласа (**Ф. Махлуп**[7], **Д. Белл**[8], **Ф. Уэбстер**[9], **Й. Масуда**[10]), тадқиқотчиларнинг бошқа гуруҳи ижтимоий фаолиятнинг ҳозирги босқичини олдингилари билан тадрижий ва узвий боғлиқ шаклда ўрганишни таклиф этади (**Э. Гидденс**[11], **Г. Маклюэн**[12]). Экспоненциал тараққиёт, рақамли иқтисод, мисли кўрилмаган даражада маълумотлар ҳажмининг кўпайиши ва ахборот алмашинувининг фаоллашуви бутунлай янги, феноменал ҳодиса ва вазиятларнинг туркумини вужудга келтирди. Замонавий жамият илм-фан соҳаси ҳамда шахсий қарашлар ва позициялар контекстида *постмодернистик, постиндустриал, посткапиталистик, пост-иқтисодий, билимлар, ахборот, онлайн жамияти* деб номланмоқда. Постиндустриал ахборот жамиятининг назариётчилари ҳар бир инсон учун шахсий ривожланиш имкониятларининг кўпайишини ушбу турдаги жамият фаолиятининг асосий хусусияти деб атайди.

Инглиз социологи, Кембриж университети профессори, жамиятлар тузилиши назарияси асосчиларидан бири **Энтони Гидденс** (Anthony Giddens) социология, фалсафа, психология, ҳуқуқшунослик каби фанларнинг тадқиқот объекти бўлган ижтимоий назарияларининг чуқур метадисциплинар таҳлилини амалга оширар экан, замонавий жамият тузилишини ўрганишнинг яхлит концепциясини қуришга интилади. Энтони Гидденс жамият ҳар доим информацион ибтидога эга бўлганлигини эътироф этиб, ахборот асрини ажратиш иррационал эканини таъкидлайди. Гидденс “рефлексив модернизация” ғоясини илгари сурар экан,

---

[7] Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США.- М.: Прогресс, 1966. -462 с.

[8] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. Пер. с англ. / Иноземцев В.Л. М.: Academia, 1999. -956 с.

[9] Уэбстер Ф. Теории информационного общества. М.: Аспект Пресс, 2004. 400 с.

[10] Masuda, Yoneji. The information society as post-industrial society. Editorial Fundesco, 1984. C 327.

[11] Гидденс Э. Ускользающий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. -М.: Весь мир, 2004.

[12] Маклюэн Г. М. Галактика Гутенберга. Сотворение человека печатной культуры. — Перевод с английского и примечания: А. Юдин. — М., 2003.

ижтимоий ривожланиш жараёнини шахснинг табиий омиллардан мустақиллигининг ўсишига детерминант тарзда боғлиқлигини, замонавий жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ахборотлашуви юз бераётганини қайд этади.

Канадалик социолог, лингвист, маданиятшунос **Герберт Маршалл Маклюэн** (Herbert Marshall McLuhan) томонидан илгари сурилган жамият ривожига оид қарашлар эътиборга лойиқ. Ўзининг ижтимоий тараққиёт, парадигмалар алмашинуви, медиа социологияси мейнстрими, технологик детерминизмга оид қарашларида Маклюэн инсоният эволюцияси давомида мавжуд доминант алоқа шаклларининг ижтимоий ўзгаришларига таянган. У шартли равишда ривожланишнинг қуйидаги даврларини ажратиб кўрсатди: биринчи даврда асосий алоқа воситаси оғзаки нутқ бўлгани сабабли “тингловчи одам” ҳукмронлик қилди, иккинчи даврда босмахона ихтироси ва ёзувнинг кашф этилиши ҳамда тарқалиши билан боғлиқ равишда дунёни визуал, рационал идрок этувчи “кўрувчи одам” ҳукмронлиги юз берди. Аввалги икки даврнинг симбиозидан иборат бўлган учинчи даврда жамият “Global village” (глобал қишлоқ)га айланади ҳамда унга боғлиқ равишда тўпланган маълумотларнинг барча жамият аъзолари орасида тез тарқалиши билан кечадиган ахборот маданияти даври бошланади[13].

Билимга асосланган жамият классик маънодаги жамиятлар-нинг тарихий-эволюцион ривожланиш тенденцияларини ўзида акс эттиради. Масалан, Юнон тамаддунини ўз ичига оладиган антик жамиятда ижтимоий фаолиятнинг турларини фарқлаш мақсадида **otium** ва **negotium** тушунчалари қўлланилган. Negotium муайян моддий неъматларни ишлаб чиқаришга қаратилган иқтисодий-ижтимоий фаолият тури бўлса, otium астрология, фалсафа, мантиқ, риторика, шеърият, эстетика, арифметика каби шахснинг руҳий-маънавий камолотини белгилаб берадиган жараён ҳисобланган.

[13] Маклюэн Г. М., Фиоре К. Война и мир в глобальной деревне — Перевод с английского. — М., 2012.

Дарҳақиқат, ушбу фанлар семантикасининг муҳим қисмини инсон камолоти, жамиятнинг ахлоқий муаммолари, ҳаёт моҳияти, ижтимоий ва сиёсий ҳаётни бошқаришнинг фундаментал усуллари каби прагматик муаммолар ташкил этди. Шунинг учун, бу жамиятларни билимга асосланган жамиятларнинг классик кўриниши дейиш мумкин.

Ўрта асрларда шаклланган **modus vivendi** (турмуш тарзи) асосида жамиятнинг юқори табақа вакиллари **trivium** ҳамда **quadrivium** (гуманитар ҳамда аниқ фанлар тизимининг умумий номлари) туркумига мансуб еттита билим соҳасини ўзлаштиришлари лозим эди (грамматика, логика, риторика, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа). Ушбу "санъатлар" интеллектуал коннотацияга эга бўлиб, улар моддий маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олган механик санъатдан ажралиб турган. Ўшандан бери ушбу икки соҳани эркин фуқаро учун ўрганилиши муҳим деб ҳисобланган. Ўрта асрларнинг охиридан бошлаб билимга асосланган, интеллектуал тайёргарликни талаб қиладиган касблар сони сезиларли даражада ошди, вақт ўтиши билан шифокорлар, меъморлар, судьялар, нотариуслар, интернунуслар (медиаторлар), руҳонийлар ҳам юқори синфга кира бошладилар. Шу сабабли, ўша давр иқтисодий формациясини билимга асосланган иқтисодиётнинг ўзига хос шакли деб айтишимиз мумкин.

Ғарб дунёсида "билимлар индустрияси", "ахборот жамияти" атамалари биринчи марта америкалик иқтисодчи **Фриц Махлуп** (нем. Fritz Machlup)[14] томонидан "АҚШда билимларни ишлаб чиқариш ва қўллаш" асарида қўлланилган. Мазкур асар билимлар саноати (**knowledge industry**) деб аталган соҳага доир биринчи кенг қамровли тадқиқотдир. Худди шу даврда аналогик қарашлар ва тушунчалар ахборотни ижтимоий феноменон сифатида ўсиб борувчи ролига оид назария муаллифи, янги жамият контурлари

[14] Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США. М.: Прогресс, 1966. 462 с. - 77 стр.

ахборот индустрияси атрофида юзага келишини таъкидлаган япон тадқиқотчиси, Киото университети профессори **Тадао Умесао** (Tadao Umesao) асарларида учрайди[15]. Ахборотнинг жамият ҳаётидаги ролига тадқиқотчилар эътиборининг кучайиши саноатда, ишлаб чиқаришда билимларнинг тарқалиши ва бу жараёнга боғлиқ тарзда ахборот иқтисодиётининг шаклланиши билан боғлиқ. Постиндустриал жамият назариясининг асосчиси, америкалик социолог, публицист, Гарвард университети профессори **Дениэл Белл** (Daniel Bell) индустриал саноат даври инқирозга юз тутгани оқибатида **knowledge society** – билимга асосланган жамият шаклланиши ҳақидаги ғояни илгари сурди[16]. Белл постиндустриал жамиятнинг муҳим белгилари сифатида хизматлар соҳасининг ривожланиши, интеллектуал технологияларнинг тараққиёти, назарий билимлар кодификацияси, тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилишда ахборот технологияларининг ҳал қилувчи роли, жамият ҳаётида ахборотнинг аҳамияти ошиши ҳамда ахборот ташувчилари сонининг кўпайишини санаб ўтади. Беллнинг ижтимоий назариясида ахборот иқтисодий қонунларга бўйсунмайдиган специфик хусусиятларга эга ўзига хос товар эди. Беллнинг постиндустриал жамияти функционал (илмий, технологик, маъмурий, маданий) ва институционал (корхоналар, давлат идоралари, университетлар, тадқиқот марказлари, ижтимоий институтлар, ҳарбий соҳалар) тузилмаларнинг рақобати ва курашидан иборат ҳамда интеллектуал билим даражаси ва касбий малака ва компетенциялар асосида шаклланадиган синфсиз жамиятдир. Белл постиндустриал ривожланишининг қуйидаги узоқ муддатли тенденцияларини шакллантирди: жамиятнинг асосий институционал эҳтиёжлари сифатида фан ва когнитив қадриятларнинг ролини кучайтириш; олимларга қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида

---

[15] Социологическая энциклопедия: В 2 т. Национальный общественно-научный фонд / Руководитель научного проекта Г. Ю. Семигин; Главный редактор В. Н. Иванов. - М.: Мысль, 2003. — 863 с. 4. С. ISBN 5-244-01015-8, ISBN 5-244-01017-4.

[16] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. Пер. с англ. / Иноземцев В.Л. - М.: Academia, 1999. -956 с.

бевосита иштирок этиш имкониятини бериш; ақлий-интеллектуал меҳнатнинг тизимланиши; анъанавий интеллектуал қадриятларнинг деформацияси; илмий-техникавий соҳа вакилларининг ижтимоий вазнининг ошиши; гуманитар соҳа билан боғлиқ зиддиятларнинг келиб чиқиши; ахлоқий маданиятнинг фаннинг ахлоқий меъёрларига, истеъмолчи индивидуализмининг ўсишига коррелляцияси ва б. Саноат ва постиндустриал жамиятларнинг турларини солиштирар экан, Белл бу ижтимоий тизимларни таърифлашни мақсад қилмади, балки уларнинг таркибида содир бўлаётган сифат ўзгаришларини кўрсатишга интилди. Беллнинг постиндустриал жамият концепциясида ижтимоий қадрият ва кўрсатмаларни қайта кўриб чиқиш ҳаётнинг барча соҳаларини илмийлаштиришга, билим ва ахборот замонавий жамиятнинг маркази эканлигини тан олишга асосланди. Белл постиндустриал жамиятнинг ўзига хос хусусиятини тавсифлаш сифатида "билимлар жамияти" атамасидан фойдаланади, хусусан, "Таркиб топаётган постиндустриал жамият" номли китобида билимлар жамияти иборасини экспликация қилади[17]. Америкалик социолог, сиёсатшунос ва давлат арбоби **Збигнев Казимир Бжезинский** ўзининг "технотрон жамият" концепциясида Беллнинг ғояларига таянади. "Икки аср орасида. Технотрон эрада Американинг роли" номли китобида Бжезинский технологиялар асосида шаклланган жамият ҳақида фикр юритиб, техниканинг инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориши туфайли анъанавий қадриятлар, оилавий муносабатлар, миллий мафкураларнинг инқирозига олиб келадиган ижтимоий ҳаётнинг парчаланишини таҳлил қилади[18]. Худди шу даврда америкалик иқтисодчи, социолог, футуролог, постиндустриал жамият концепциясининг апологетларидан бири **Элвин Тоффлер** (ингл. Alvin Toffler) томонидан ижтимоий эволюция контекстида ахборот жамияти мақомини аниқлашга ҳамда унинг концептуал

[17] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: Опыт социального прогнозирования. Пер. с англ. / Иноземцев В.Л. - М.: Academia, 1999. -956 с.
[18] Brzezinski Zb. Between Two Ages. America's Role in the Technetronic Era. N.Y., 1970. – 15 б.

хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар нашр этилди. Ахборот жамиятининг имманент хусусиятларини Тоффлер ўзининг “Учинчи тўлқин” номли асарида очиб беради. Тоффлернинг сўзларига кўра, тамаддун ривожланишидаги “биринчи тўлқин” қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан боғлиқ, “иккинчи тўлқин” саноат инқилоби билан белгиланади, “учинчи тўлқин” жамият ҳаётининг асосларини тубдан ўзгартиради ва қуйидагиларда намоён бўлади: муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда янги усуллар ва технологиялар, таълим тизимидаги инновациялар, оиладаги муносабатлар трансформацияси, демократик ҳукуматларнинг тузилиши[19]. Француз социологи **Ален Турен** (Alain Touraine) томонидан илгари сурилган дастурлаштириладиган жамият ва ижтимоий стратификация концепцияси классик йўналишдаги назариялардан тубдан фарқ қилади. У иқтисодий детерминизмни қайта кўриб чиқади, асосий эътиборни билим ва маданият соҳасига қаратади. Турен назариясида замонавий дастурлаштириладиган жамият олдинги жамиятларга хос бўлган автономия ва марказий ўрнини йўқотган иқтисодий ихтилофлардан узоқлашиши билан ажралиб туради. Турен янги омиллар ва ижтимоий жараёнлар таъсирида жамиятнинг ижтимоий табақаланиши тизимида ва унинг асосий ижтимоий зиддиятининг табиатида юз берган муҳим ўзгаришларни қайд этади. Унга кўра, аграр жамиятда фаолиятнинг асосий тури савдо-сотиқ, саноат даврида ишлаб чиқариш, постиндустриал жамиятда фаол коммуникациялардан иборат. Постиндустриал жамиятда қарорлар қабул қилиш ўз-ўзини ташкил этувчи ва ўзгарувчан тизим кўринишига эга. Асосий тўқнашув ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги синфий қарама-қаршилик шаклида намоён бўладиган саноат жамиятидан фарқли ўлароқ, дастурлаштирилган жамиятда асосий ижтимоий тўқнашув ишлаб чиқариш тизими ва истеъмолчи ўртасида юз беради. Ишлаб

[19] Тоффлер Э. Третья волна / The Third Wave, 1980. М.: АСТ, 2010.

чиқаришнинг фундаментал асосини илм-фан, инновацияларга сармоялар ажратиш ташкил этади[20].

Ушбу таҳлиллар ахборот жамиятининг дастлабки назарияларининг кўпчилигининг технократик ёки иқтисодий детерминизмга мойиллигини кўрсатади. Жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборотнинг аҳамияти ошиши унинг муайян соҳаларнинг таркибига таъсирига бағишланган назариялар пайдо бўлишига олиб келди. Кейинги тадқиқотлар глобал ахборот тармоғи Интернетнинг тарқалиши билан янада долзарблик касб этган муаммонинг ахлоқий-фалсафий жиҳатлари билан боғлиқ.

Интернет глобал тармоғи контекстида ахборот жамиятининг назарияларидан бири япон социологи ва футурологи, “ахборот жамиятининг отаси” **Йонежи Масуда** (Yoneji Masuda) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу назария фалсафий-эволюцион моҳияти билан ажралиб туради. Ўзининг “Ахборот жамияти постиндустриал жамият сифатида” номли китобида Масуда технологияларни келажак иқтисодий базис ва ижтимоий тузилмаларининг асоси, “ахборот ишлаб чиқариш ва тизимлаштириш билан шуғулланадиган янги бозорнинг мезони” деб билди, глобаллашув, жамият ва табиатнинг симбиози ҳамда интеллектуал меҳнатга асосланган жамиятда ахборотнинг стратегик аҳамияти ҳамда устувор ролини таъкидлади[21].

Ахборот жамияти назариясининг издошларидан бири, испан социологи, Калифорния университети профессори **Мануэль Кастельс** (Manuel Castells) бўлиб, у биринчилардан ахборот жамияти ҳақида глобал тармоқ контекстида фикр юритди. Кастельснинг фикрига кўра, ахборот ва маълумотлар алмашинуви инсоният тарихи давомида тамаддун ривожланишига ҳамроҳ бўлди ва барча жамиятларда жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Кастельс янги даврнинг асосий хусусиятини ахборот яратишда

---

[20] Турен А. Возвращение человека действующего: очерк социологии. М.: Научный мир, 1998. С. 85-95.

[21] Masuda, Yoneji. The information society as post-industrial society. Editorial Fundesco, 1984. Г p.  327.

эмас, балки шахслараро мулоқотда ва моддий эҳтиёжларни таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган ахборотнинг тармоқ тизимларидан фойдаланиш деб ҳисоблайди. Ахборот ижтимоий ҳаётни ўзгартиради, инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб боради, ахборот тармоғига сингиб кетиши орқали шахснинг хатти-ҳаракатларини модификациялайди ҳамда ахборот жамиятида фаолият кўрсатадиган иқтисодий шахснинг моделини шакллантиришга имкон беради. 1996 йилда нашр этилган "Ахборот асри: иқтисодиёт, жамият ва маданият" номли китобининг якунида Кастельс ахборот асрининг бошланиш сабабларини қуйидагича тавсифлайди: "Жараёнларнинг ўзаро таъсири ва улар қўзғатадиган реакциялар янги доминант ижтимоий тузилмани, тармоқли жамиятни - янги глобал ахборот иқтисодиёт ҳамда янги виртуал маданиятни яратди"[22]. Мануэль Кастельс урбанизация муаммолари билан аввалдан қизиққан ва ҳозиргача унинг "The Urban Question" ва "The Informational City" асарлари урбанизациянинг муаммоларни тушунишга хизмат қилади. Бироқ, "The Information Age" унинг олдинги ишларининг симбиози сифатида моҳиятан ахборот-коммуникация технологиялари туфайли юзага келадиган ва ахборот тармоқлари устувор бўлган "янги жамият"нинг пайдо бўлишидан хабар беради. Тадқиқотчининг асосий аргументи шундан иборатки, ахборот "маҳсулдорликнинг асосий манбаи" сифатида билимга таъсир кўрсатади ҳамда "янги жамият"га ўтишни англатади. Инглиз тадқиқотчиси **Жеймс Мартин** (James Martin) қуйидаги дискрет мезонларга мувофиқ ахборот жамиятининг асосий хусусиятларини аниқлаб беришга ҳаракат қилди: *технологик:* ишлаб чиқаришда, муассасаларда, таълим тизимида ва кундалик ҳаётда кенг қўлланиладиган ахборот технологиялари; *ижтимоий:* ахборот ижтимоий ўзгаришларнинг сифат кўрсаткичи ва муҳим стимулятори вазифасини бажаради;

[22] Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. 1996 / Пер. с англ. под науч. ред. О. И. Шкаратана. М.: ГУ ВШЭ, 2000. – 609 с. С. 425.

*иқтисодий:* ахборот иқтисодиётда манба, хизмат, товар, қўшилган қиймат ва бандлик сифатида асосий омил ҳисобланади; *сиёсий:* сиёсий жараёнлардаги ахборот эркинлиги, аҳолининг турли табақалари ва ижтимоий қатламлари ўртасида мулоқот ва консенсус билан тавсифланади; *маданий:* шахс ва умуман жамият ривожланиши учун ахборот қадриятларини тасдиқлашга кўмаклашиш орқали ахборотнинг маданий қийматини тан олиш[23].

Ижтимоий парадигмалар ҳамда жамиятлар трансформациясига оид назарияларнинг ривожига постмодернизм мафкураси катта ҳисса қўшди. Постмодернизм мафкура, этика, таълим, фалсафа, маданиятнинг симбиози сифатида ахборот воситалари орқали оммани манипуляция қилиш, истеъмолчилар жамиятининг шаклланиши билан боғлиқ умидсизлик натижасида шаклланди. Постмодернистлар замонавий дунёни қуйидаги концептлар ва нарративлар билан таърифлайдилар: *беқарорлик, ноаниқлик, симулякрлар, консумеризация, ҳаддан ташқари истеъмол маданияти (consumer society), гиперреаллик, ночизиқ тараққиёт, дунёни матн деб билиш ва б.* Француз социологи, постмодернизм вакилларидан бири **Жан Бодрийяр** (фран. Jean Baudrillard) замонавий воқеликни “белгилар, рамзлар маданияти” деб билади. Урбанистик муҳитда шахс кўпинча онгсиз равишда талқин қиладиган маънолар дунёсига шўнғийди. Рамзлар, белгилар оммавий ахборот воситалари, реклама ва телефон орқали, шаҳар инфратузилмаси орқали узатилади. Замонавий одам Интернет ва электрон қурилмалар воситасида рамзлар, белгилар тармоғига уланган, бу эса ахборот оқимини янада оширади. Тадқиқотчи маълумот кескин ортишини, маънонинг камайганини таъкидлайди. Ахборот асрининг ўзига хос хусусиятлари қаторига ривожланишнинг кўп қиррали, мураккаб, ночизиқлиги, ички динамиканинг ўзгарувчанлиги ва мураккаблиги, белгилар

[23] Мартин У. Дж. Информационное общество (Реферат) // Теория и практика общественно-научной информации. Ежеквартальник / АН. ИНИОН; Редкол.: Виноградов В. А. (гл. ред.) и др. — М., 1990. — № 3. — С. 115—123.

сонининг экспонент кўпайиши киради. Ҳозирги кунда ахборот оқими одамни ва унинг феъл-атворини, қадриятлар дунёсини шакллантиради. Дарҳақиқат, бу маълумотга эга бўлган одам эмас, балки маълумот эгаси. Парадоксал равишда, ахборот оқимининг чексизлиги, очиқлиги ва иерархик бўлмаганлиги замонавий тамаддуннинг катта ютуғи ҳисобланади. Аммо, аслида, “техноген” хавфлар ҳақида гапириш жоиз, гарчи улар “билимлар жамияти” олдида турган муаммолар рўйхатини тугатмаса ҳам. Рефлектив онгнинг вазифаси хавфларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг усулларини таклиф қилишдан иборат[24]. Жан Бодрийяр замонавий ижтимоий дунёнинг нарративлари ҳақида фикр юритиб, унинг генезисидаги консумерлашув табиатига эътиборни қаратади. Замонавий жамият – истеъмол қилишнинг ижтимоий феъл-атвор мотивини белгилайдиган ва ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи омили бўлган консумерлашган жамият. Истеъмол жамияти - истеъмол қилишни, истеъмол маданиятини ижтимоий жиҳатдан ўргатиш жамияти, яъни янги ишлаб чиқарувчи кучларнинг пайдо бўлиши ва иқтисодий тизимнинг монополистик қайта ташкил этилиши муносабати билан пайдо бўлган ижтимоийлашувнинг янги ва ўзига хос усулидир[25]. Замонавий жамиятнинг ўзига хос концепцияси ҳақида гапирганда, истеъмол барча жамиятларда мавжудлигини қайд этиш зарур. Гап социологик аҳамиятга эга бўлган ва бизнинг давримизни истеъмол белгиси билан белгилайдиган турли товар ва нарсаларни муомалага чиқариш, сотиб олиш, сотиш, ўзлаштириш бугунги кунда бутун жамият мулоқот қиладиган ва сўзлашадиган тилни ташкил этади.

Глобаллашган дунёнинг ижтимоий ҳолатини тавсифлашда америкалик тадқиқотчилар, Жанубий Калифорния университети профессорлари **Уоррен Беннис** (Warren Bennis) ҳамда **Бертон**

[24] Бодрийяр Ж. Симулякры и симуляция / Simulacres et simulation. пер. А. Качалова. М.: Рипол-классик, 2015. С 13.

[25] Бодрийяр, Жан. Общество потребления. Его мифы и структуры. Перевод на русский язык: Е. А. Самарская. — М., 2006. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 26.10.2008. URL: https://gtmarket.ru/library/basis/3464/3468

**Нанус** (Burton Nanus) томонидан пешқадамлик назариялари дискурсида илгари сурилган **VUCA-дунё** концепцияси алоҳида эътиборга молик[26]. Унга кўра, XX асрнинг сўнгги йилларигача инсоният steady (барқарор) predistable (олдиндан тахмин қилиш мумкин), ordinary (оддий), definite (аниқ) каби нарративлар шароитида яшади ва фаолият олиб борди. Унинг ўрнига келган VUCA-дунё ўзининг ночизиқли таксономияси, тотал беқарорлиги, мавҳумлиги, ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Ушбу атама "volatility" (беқарорлик), "uncertainty" (ноаниқлик), "complekhity" (мураккаблик), "ambiguity" (иккиланиш) каби инглизча сўзларнинг акронимидир. Ушбу тенденцияга жавоб бериш учун VUCA-дунё қандай билимлардан воз кечиш ва қандай кўникмаларга эга бўлиш кераклигини билиш зарур. Маълумотларга кўра, дунёдаги мавжуд ахборотнинг 90%и охирги 2-3 йилда пайдо бўлган. VUCA-дунёнинг қуйидаги мейнстрим хусусиятларини қайд этиш мумкин:

- сунъий интеллект;
- онлайн маконда жисмоний ва виртуал воқеликнинг конвергенцияси;
- априори прогностик таҳлил қилишнинг имкони йўқлиги;
- жараёнлар экспонентаси;
- маълумотларнинг тез эскириш хусусияти;
- қарорлар қабул қилишда касбий бэкграундга (тажриба) асосланишнинг имкони йўқлиги ва б.

Немис социологи, Мюнхен университети профессори **Ульрих Бек** (нем. Ulrich Beck) томонидан шакллантирилган "хатарлар жамияти" номини олган концепцияга кўра тараққиётнинг асосий кафолати ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган илм-фан ва техника янги хавф-хатарлар, ноаниқликни келтириб чиқарди[27].

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва тамаддуннинг тараққиёт тенденцияларини таҳлил қилиш

---

[26] Уоррен Беннис, Берт Нанус. Лидеры. - СПб.: Сильван, 2001 г. 5-88147-006-0. - 186 с.

[27] Бек У. Общество риска. На пути к другому модерну / Пер. с нем. В. Седельника и Н. Федоровой. – М.: Прогресс-Традиция, 2000. – 384 с.

дискурсида “ахборот жамияти” иборасининг интерпретациясида муайян эҳтиёткорлик ҳам кузатилади. Хусусан, британиялик социолог, педагог **Фрэнк Уэбстер** (Frank Webster) ўзининг “Ахборот жамияти назариялари” номли китобида постиндустриализм оқими вакилларининг ахборот ва билимлар жамияти, ахборотни жамиятга таъсири ҳамда ахборот асрининг дефиницияларига оид назарияларини таҳлил қилади ҳамда муаммонинг концептуал фреймларини яратишга интилади. Мазкур китобда муаллиф Дениел Беллнинг постиндустриал жамият концепцияси, кибержамият, пост-фордизм жамияти, Мануэль Кастельснинг ахборот тармоқлари жамияти, Нико Штернинг билимлар жамияти, Герберт Шиллернинг ахборот манипуляцияси, Юрген Хабермаснинг ахборот валидлиги таназзули, Энтони Гидденснинг рефлектив модернизацияга оид қарашлари ҳамда Жан Бодрийяр ва Зигмунт Бауманнинг постмодернизм давридаги рамзлар назариясига батафсил тўхталади. Уэбстер мавжуд назариялар ўртасида ахборот жамиятининг янги босқич сифатида шаклланишини кўрсатадиган имманент ва иммерсив умумийликни кўрмайди. Ф. Уэбстер ўз таҳлилида ахборот жамияти соҳасидаги позицияларни икки тоифага стратификация қилади: ахборот асрини инсоният ривожланишининг тубдан янги босқичи деб қараш ва ахборотлаштиришнинг тез суръатларини ижтимоий тузум белгилари билан боғлаш. Уэбстернинг хулосасига кўра, муаммонинг ечими муайян назариянинг мустаҳкам эмпирик асосга таянганлигини аниқлаш орқали топилади ва доимийлик туб ўзгаришлардан устун туради. Уэбстер постмодернизмнинг элитар таълимга оид қарашларини танқидий ўрганар экан, таълимнинг умуминсоний қадриятларни тарғиб қилишдаги ўрнини кўрсатиб ўтади[28].

Кейинги йилларда ахборот жамиятининг узвий ҳосиласи ва детерминанти сифатида **“билимлар жамияти”**, “**билимга асосланган жамият**” ибораси турли хил контекстда замонавий

[28] Уэбстер Ф. Теории информационного общества.- М.: Аспект Пресс, 2004. - 400 с. С.327.

дунёга хос реал воқеликнинг ўзига хос хусусиятларини талқин этишда ҳамда ҳозирги даврнинг кўплаб фундаментал муаммоларининг ечими сифатида қўлланилмоқда. Аммо шуни таъкидлаш керакки, тадқиқотларда ушбу иборанинг категориал семантик майдони аниқ чегарага эга эмас, аксарият ҳолларда унинг қўлланилиши муайян билим соҳасига боғлиқ эмаслиги англашилади. Замонавий ижтимоий-иқтисодий трансформация шароитида жамият ривожланишининг янги босқичининг ўзига хос хусусияти шундаки, маълумот ва билим ўзгаришлар моҳиятини белгилайдиган тизимли қадриятлар ролини ўйнайди. Билим асосий роль ўйнайдиган жараёнлар тобора жадаллашиб, интеллектуал технологиялар ва хизматлар бозорида устунлик содир бўлмоқда, илм-фан соҳаларини ташкил этиш шакллари такомиллаштирилмоқда, таълим тизими янгиланмоқда. Европа давлатлари раҳбарлари томонидан **2000 йил 22 июлда қабул қилинган Глобал ахборот жамияти Окинава Хартиясида** таъкидланганидек, “Ахборот алмашиш жараёнларини ривожлантиришда янги босқич бошланди. Замонавий компьютер, телевизор, радио, телефония технологиялари ва алоқа хизматлари, локал ва глобал алоқа тармоқларининг тез тарқалиши трансчегаравий маълумотлар алмашинишининг тубдан янги шаклини яратди, оммавий онгга таъсир қилиш воситаларининг кўпайиши глобаллашувнинг ижтимоий-психологик ва маданий жиҳатларини кучайтирди”[29].

Бугунги кунда ахборот жамиятидан билимлар жамиятига ўтиш, замонавий жамиятда билимларни бошқариш, миллий ва глобал миқёсда янги ижтимоий ҳодисалар ҳамда улар келтириб чиқараётган прагматик муаммоларни акс эттириш, мавжуд билимларни тизимлаштириш, фан ва жамият ўртасидаги интерфейсни амалга ошириш, дунёда, маданиятда, фан ва техникада содир бўлаётган ҳодисалар, келажакда инсониятни кутаётган техноген ва

[29] Окинавская Хартия глобального информационного общества, 2000 г. http://www.kremlin.ru /supplement/3170.

табиий офатлар, интенсив технологияларни жорий этишнинг салбий ва ижобий оқибатларини тезроқ ва тўлиқ ўрганиш муаммолари кўп тилга олинмоқда. Билимлар жамияти ахборот жамиятининг ҳосиласи сифатида қаралади, бунда янги пайдо бўлган имкониятларга эътибор қаратилади. Бошқа томондан, билимлар жамияти хавф-хатарлар контекстида кўриб чиқилиши керак, бу эса муаммонинг ижтимоий оқибатларини муҳокама қилишга кўпроқ эътибор беришни талаб қилади. Билимлар жамиятида виртуал макон билан боғлиқ ҳодисаларнинг ўрни сезиларли даражада ошиб бораётганини эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Билимлар жамияти ғояси XX асрнинг ўрталаридан бошлаб **Дениэл Белл, Питер Друкер, Фриц Маклуп, Йонежи Масуда, Элвин Тоффлер, Освальд Шпенглер** ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида тилга олина бошласада, у келажак жамиятига дахлдор ғоя сифатида *de facto* XX асрнинг сўнгги йилларида кенг жамоатчиликни қизиқтирган долзарб мавзуга айланди.

“Билимлар жамияти” атамасининг илмий муомалага киритилиши баъзи тадқиқотчилар томонидан америкалик социолог, сиёсатшунос **Робин Лэйн** (Robin Lane) номи билан боғланади. Лэйн замонавий жамиятдаги фан ва таълимнинг жадал суръатларда ривожланиши шароитида сиёсат ва мафкуранинг аҳамиятини пасайишининг гипотетик моделларини кўриб чиқар экан, “билимдон жамият” (knowledgeable society), “билувчи жамият”, “интеллектуал жамият” атамаларидан фойдаланади[30]. Америкалик педагог, иқтисодчи, менежмент асосчиларидан бири **Питер Фердинанд Друкер** (Peter Ferdinand Drucker) билимлар жамияти назариясини яратишда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Айнан Друкер томонидан ёзилган “Узилиш даври: тез ўзгарувчан жамият учун кўрсатмалар” номли китобда “**билимлар жамияти**” (knowledge society) ва “**билимлар иқтисодиёти**” (knowledge

[30] Lane R. The Decline of Politics and Ideology in a Knowledgeable Society // American Sociological Reviiew. 1966. V. 31. № 5. C 8.

economy) атамалари илмий муомалага киритилган[31]. Друкер тараққиётнинг янги даврида таълимга янгича ёндашувни татбиқ этиш лозимлиги, бу ёндашув универсал билимларни шакллантиришга хизмат қилмоғи, тизимли равишда самарадорликка эришиш учун узлуксиз таълим олиш зарурияти масалаларини ўртага ташлайди. Хусусан, билимларнинг эскириш хусусияти инженерия соҳаси мутахассисларини олий таълим муассасаларини тугатгандан сўнг 10-15 йил давр ичида яна ўз касбий малакасини ошириш учун қайта тайёрлаш курсларида таълим олиши заруратини пайдо қилади. Ўзининг "Постиқтисодий жамият" номли тадқиқотида (*асарнинг биринчи боби "Капитализмдан билимлар жамиятига" (From Capitalism to Knowledge Society) деб номланган*) Друкер кўп йиллик изланишларининг ўзига хос натижаларини тақдим этар экан, билимнинг ижтимоий жараёнларни ривожлантирувчи ва ҳаракатга келтирувчи ролини таъкидлаб, уни нафақат ресурс, балки янги жамиятни яратишга қодир куч сифатида тавсифлайди: "*Эҳтимол, бугунги жамиятни «билимлар жамияти» деб ҳисоблаш эрта, биз фақат билимга асосланган иқтисодий тизимни яратиш ҳақида гапиришимиз мумкин. Аммо, биз яшаётган жамият, албатта, посткапиталистик жамият сифатида тавсифланиши керак*"[32]. Янги даврда таълимнинг аҳамиятини таъкидлаш учун Друкер "Educated Society" иборасини қўллайди, жараён иштирокчиларининг тавсифи сифатида "knowledgeable man" (билимлар эгаси ва улардан зарур мақсадлардан фойдаланувчи инсон) тушунчасини муомалага киритади. Друкер "билимлар жамияти" концепциясидан фойдаланган ҳолда, билимнинг ижтимоий тараққиётдаги роли ҳамда жамиятдаги билимга бўлган муносабатдаги туб ўзгаришларга эътибор қаратди: "*Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам билим ҳар доим экзистенциал борлиқ, мавжудлик соҳаси билан боғлиқ бўлган. Ва тўсатдан, деярли бир зумда, билим*

[31] Друкер П. Эпоха разрыва: Ориентиры для меняющегося общества. М.: Изд. дом "Вильямс", 2007. - 336 с.
[32] Drucker P.F. Post-Capitalist Society. N.Y.: Harper-Collins Publ., 1995.

*фаолият доираси сифатида қаралди. У ресурс, истеъмол хизматларидан бирига айланди. Барча даврларда билим хусусий маҳсулот бўлиб келган. Энди эса деярли бир зумда у оммавий товарга айланди”*[33]. Друкер инсоният келажагини инновацион ривожланиш билан боғлайди. Инновациялар даврида таълимнинг моҳияти ва бош вазифаси шахсни ҳали мавжуд бўлмаган соҳаларга тайёрламоғи, олдиндан зарур кўникмаларни шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозимлигини уқтиради[34].

Француз социологи, файласуфи **Андре Горц** (фр. Andre Gorz) ижтимоий тараққиётнинг замонавий босқичини тавсифлаб, уни “когнитив капитализм” деб атайди ва билимлар жамиятида қадриятлар императиви кескин ўзгаришлар ва трансформацияни бошдан кечиришини ҳамда билим ва интеллектуал ютуқларни иқтисодий ресурсларга айланиши кучайишини таъкидлайди[35]. Мазкур ўринда “индустриал жамият” назариясининг апологетларидан бири, америкалик социолог **Уолт Ростоу** (Walt Rostow)[36] томонидан илгари сурилган “иқтисодий ривожланиш босқичлари” концепциясини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ростоу мазкур босқични хизматлар соҳаси ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш мейнстрим соҳага айланган оммавий истеъмол даври сифатида тавсифлайди.

Тадқиқотчи Е.О. Соломатина бугунги кунда илмий жамоатчиликда жамият ва иқтисодиётда рўй бераётган корреляцион ўзгаришлар тўғрисида ягона нуқтаи назар шаклланмагани, шу билан бирга, ижтимоий ривожланишнинг янги моделларини фаол излаш жараёнининг давом этаётганини таъкидлайди[37]. Муаллифнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда ривожланган

[33] Drucker P.F. Post-Capitalist Society. N.Y.: Harper-Collins Publ., 1995. C 153.
[34] Drucker P.F. The Future of Industrial Man. Piscataway: Transaction Publishers, Rutgers The State University, 2009. C 298.
[35] Горц А. Нематериальное. Знание, стоимость и капитал / Пер. М. М. Сокольской; научный ред. М. А. Маяцкий. - М.: Изд. дом ГУ-ВШЭ, 2010. — 208 с. ISBN 978-5-7598-0713-1.
[36] Rostow, W.W. (1990) The Stages of Economic Growth: A Non-Communist Manifesto. Cambridge University Press, Cambridge. https://doi.org/10.1017/CBO9780511625824
[37] Соломатина Е.О. Общество знания: новые стратегии в образовании (социально-философский анализ). Дисс. … канд. филос. наук. М., 2011.

мамлакатларнинг иқтисодиётида билим талаб қилувчи тармоқлар ҳал қилувчи роль ўйнаши, юқори технологияларнинг йил сайин ўсиб бораётгани ва илм-фаннинг иштирокини талаб қиладиган маҳсулотлар ҳажмининг ортиб бораётгани, саноат соҳасида ишчилар сонининг нисбий қисқариши, шу билан бирга, билимларни ишлаб чиқарувчи ва жорий этувчи, шу асосда инновацион хизматлар кўрсатувчи тармоқлар улушининг нисбатан ортиши кузатилмоқда. Интеллектуал меҳнат, махсус билимлар, коммуникациялар ва янги технологиялар ишлаб чиқаришни ривожлантириш инновацион ўсиш ва рақобатбардошликни оширишнинг ички омилларига айланди.

Постиндустриал билимлар жамиятнинг квинтэссенцияси ҳамда муҳим хусусияти инсон омилининг роли ва аҳамиятининг кучайишида, меҳнат ресурслари таркибининг ўзгаришида (жисмоний меҳнатнинг улуши камайиб, интеллектуал-ижодий меҳнатнинг улушининг ортиши) намоён бўлади. Постиндустриал билимлар жамиятида касбий малака ва компетенциялар муҳим ресурс сифатида қадрланиб, ишлаб чиқарувчи корхона ва компания учун ходимларнинг қиймати кескин ошади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, постиндустриал жамият ривожланиб пост-иқтисодий босқичга ўтади, тарихда илк марта моддий неъматларни ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиёт шаклининг интеллектуал неъматларни ишлаб чиқарувчи иқтисодиётдан устунлигига барҳам берилади[38].

Глобал ахборот жамиятининг шаклланиши жараёнида чегаралар, мамлакатлар, жаҳон иқтисодиётининг тузилиши тубдан ўзгариб, ишлаб чиқариш ва саноатнинг динамикаси ҳамда рақобатбардошлиги сезиларли даражада ривожланмоқда. Билимлар жамияти постиндустриал жамиятнинг янги шаклига ўтишни тавсифловчи ижтимоий ривожланишнинг замонавий

[38] Иноземцев В.Л. Постиндустриальный мир Д. Белла // Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М.: Academia, 2004. С. 15.

босқичининг концепцияси бўлиб, у ерда “билим” устувор қиймат, “драйвер” соҳа, иқтисодий генерация ва маънавий ресурсга айланади.

Соҳага оид тадқиқотларда билимлар жамиятининг қуйидаги умумий тавсифларини учратиш мумкин:

-ҳар қандай фаолият соҳасида ижтимоий муваффақиятга эришишнинг шарти сифатида билимларнинг коррелятив ролини кенг англаш;

-жамиятда янги муаммоларни ҳал қилиш, янги турдаги маҳсулотлар ва хизматларни яратиш учун зарур бўлган янги билимларга доимий эҳтиёж борлиги;

- билимларни ва моддий бойликларни яратувчи тизимларнинг фаол коллаборацияси.

2005 йилда **ЮНЕСКО**нинг “Towards knowledge societies” (Билим жамиятлари томон) номли ҳисоботи нашр этилди. Унда “learning society” (ўрганувчи жамият), ахборот жамиятидан билимлар жамиятига ўтишнинг шарт-шароитлари, билимлар жамияти тараққиётнинг манбаи сифатида, билимга асосланган жамиятнинг асосий тамойил ва хусусиятлари, шу жумладан, билимга асосланган иқтисодиёт, билим тармоқлари, билим олиш эркинлиги, билим олиш имкониятлари, очиқ жамиятни ривожлантириш, инновацион тафаккурни шакллантириш, таълим билимлар жамиятининг устувор қадрияти сифатида; ҳаёт давомида таълим олиш имкониятлари, илмий натижалардан жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг фойдаланиш, тил ва маданий хилма-хилликни сақлаш, билимлар жамиятига оид ижтимоий хавфлар каби омиллар санаб ўтилган[39]. Ахборот жамиятининг моҳияти шундан иборатки, инсоният тамаддуни тараққиётнинг аграр ва саноат босқичидан сўнг янгисига – ахборот босқичига қадам қўйди, бу даврда ахборот энг қимматли ресурсга айланади

---

[39] К обществам знания. Всемирный доклад ЮНЕСКО. Париж: Издательство ЮНЕСКО, 2005. - 240 с. С. 13. ISBN 92-3-404000-7 SHS-2005/WS/44.

ва ундан фойдаланиш имкониятининг кенг тараққий этгани ушбу давр мафкурасининг  муҳим хусусияти ҳисобланади. Бироқ, ахборот фақат билим воситаси, у билимнинг айнан ўзи эмас. Ахборотнинг кўплиги, унинг ҳажмининг кенглиги билимларнинг ошишига олиб келмайди. Ахборот миқдорий-квантитатив характеристикадир, у амалий характерга, ҳақиқатга, фойдалилик ва бошқа турдаги хусусиятларга даъвогарлик қилмайди. Буларнинг барчаси билимнинг дефинициясидир, у ижтимоий категория сифатида фойдалилик, валидлик, ишончлилик хусусиятларига эга. Ахборотнинг мавжудлиги билимларнинг мавжудлигини англат-маса-да, аммо уни яратиш учун зарур омил ва мезон ҳисобланади. “Билимлар жамияти ахборот жамияти билан синоним эмас. Бу ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичи. Ахборот босқичидан кейин инновацион жамият давом этади ва ундан кейингина билим иқтисодиётига асосланган, маълумотларнинг миқдорига эмас, балки сифатига эътибор берадиган билимлар жамияти ривожланади”[40].

Канадалик тадқиқотчи, Альберта университети профессори **Нико Штер** (Niko Stehr) билимлар дунёси - бу рақамлар ва ижтимоий статистика дунёси эмаслигини уқтиради[41]. Штер билимлар жамиятларининг пайдо бўлишига олиб келадиган ўзгаришларнинг ноаниқлиги ва ижтимоий муаммоли табиатини тан олади ҳамда шундай таъкидлайди: “Таълимнинг моҳиятини ташкил қилувчи замонавий жамиятлар, биринчи навбатда, ўз тузилмаларини ишлаб чиқариши, ўз келажагини белгилаши, ўзини ўзи бошқариши ҳамда ўзини вайрон қилиш қобилиятига эга бўлиши билан ажралиб туради”[42].

Ушбу ўринда 2000 йил март ойида **Лиссабонда** бўлиб ўтган **Европа Кенгашининг** тарихий йиғилишига ишора қилиш тўғри

---

[40] Drucker P.F. The New Society. The Anatomy of Industriial Order. N.Y.: Harper, 2010. C. 16.
[41] Штер Н. Социальный и политический контроль за знанием в современных обществах // Международный журнал социальных наук. 2005. № 48. - С. 129-144.
[42] Штер Н. Мир из знания // Социологический журнал. – М., 2002. – № 2. – С. 33.

бўлар эди. Мазкур учрашувда Европа Иттифоқи раҳбарлари қитъа иқтисодиёти чуқур модернизацияга муҳтожлигини тан олди ҳамда ўз олдига дунёдаги энг рақобатбардош, барқарор ва динамик ўсиш суръатларига эга иқтисодиёт ҳамда ижтимоий бирдамлик муҳити ҳукм сурган жамиятни барпо этиш каби улкан мақсадни қўйди. Саммит томонидан қабул қилинган декларацияда барқарор ривожланиш, муносиб иш ўринлари, ижтимоий бирдамлик каби умумий ижтимоий мақсадларни кўзда тутган "*билимларга асосланган иқтисодиёт*"ни барпо этишнинг асосий тамойиллари акс этди. Аъзо давлатлар томонидан Европа ижтимоий модели, ўзининг ривожланган ижтимоий хавфсизлик тармоқлари билан "билимлар иқтисодиёти"га ўтишда асос бўлиши зарурлиги эътироф этилди. Ушбу кенг кўламли мақсадларга эришиш стратегияси илмий-тадқиқотларни амалга ошириш, таълимни ривожлантириш, рақамли технологиялар ва рақамли бизнес тизимини такомиллаштириш, касбий тайёрлаш масалаларини қамраб олади. Бугунги кунда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар тадқиқот ва инновацияларга кўпроқ сармоя киритишга, молиявий бозорлар ва ижтимоий таъминот тизимларини либераллаштиришни кенгайтиришга эътибор қаратмоқдалар. Таъкидлаш лозимки, мазкур тадбирларнинг барчаси моҳиятан иқтисодий характерга эга, тадқиқотлар ва инновацияларга иқтисодиётни рағбатлантирувчи омил сифатида қаралади[43].

Америка Давлатлари Ташкилоти (Organization of American States) аъзо давлатларининг Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йилда қабул қилинган ва "**Билимлар жамиятининг самарали бошқаруви ва ривожланиши**" деб ном олган **Санто-Доминго декларацияси** ривожланиш модели кўринишига эга бўлиб, у "*билимлар жамиятини ривожлантиришни Америка қитъаси учун умумий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мақсадларга эришиш*

[43] Лиссабон декларацияси. 2000 й. -7 б. https://www.europarl.europa.eu/summits/nice2_en.htm.

*имконияти” сифатида баҳолайди*[44]. Декларацияда билимга асосланган жамиятнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида барқарор ривожланишга эришишда ахборот, технологиялар ва коммуникациянинг аҳамияти; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; билимга асосланган жамиятда самарали менежментни амалга ошириш учун зарур бўлган давлат сектори ходимларини тайёрлаш; демократия муҳити, шаффофлик, ҳисобдорлик, фуқаролар иштирокини таъминлаш мақсадида хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш; давлат хизматларини кўрсатишни яхшилаш мақсадида электрон ҳукумат стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ахборотни бутун аҳолига, хусусан, энг муҳтож гуруҳларга етказиш; ҳар бир инсоннинг сўз эркинлигини кафолатлаш, очиқ сиёсий мунозаралар ва ОАВининг барча шакллари, шу жумладан Интернет орқали эркин фикр алмашиш; турли тилларда Интернет интерфейси ва контентини яратиш муаммолари эътироф этилди.

“**Билимга асосланган жамиятлар: барқарор ривожланиш йўлида ахборот технологиялари**» номли нашрда Шарқий Осиё тажрибасини таҳлил қилиш орқали, хусусан, Япония, Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань каби мамлакатларнинг феноменал иқтисодий тараққиёти, технологик таълим тизими, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш натижасида эришилган ривожланиш даражаси, саноатни автоматлаштиришни билимга асосланган жамиятнинг иқтисодий муаммоларини энг самарали ҳал қилиш шакли сифатида талқин этилади[45]. Билимлар жамияти назариясида Питер Друкер қўл меҳнати ишчиси (моддий маҳсулот ишлаб чиқарадиган) ва билим соҳаси ходими (номоддий маҳсулот ишлаб чиқарадиган) ўртасидаги фарқни келтириб,

[44] Санто-Доминго декларацияси. 2006 й. -23 б. https://www.oas.org/docs/declarations/AG-DEC-46-Declaration-of-Santo-Domingo-ENG.pdf.

[45] Mansell P.R., When U. Knowledge Societies: InformationTechnology for Sustainable Development. Oxford: Oxford University Press, 1998. - 33-34б.

жисмоний меҳнат тана, моддийлик билан боғлиқлигини, интеллектуал  меҳнат эса онг, ақл, маънавият билан боғлиқлигини, шунинг учун жуда юқори қадр-қимматга эгалигини эътироф этади[46].

Айтиш керакки, “жисмоний меҳнат” ва “ақлий меҳнат” каби иерархик бўлиниш, ижтимоий стратификация ҳамда стереотиплар бугунги кунгача турли жамиятлар ва маданиятларда сақланиб қолган. Саноат инқилоби ва ижтимоий адолат ғоясининг ривожланиши ушбу тушунчаларнинг инверсиясига олиб келди. Ўз вақтида Платон, Аристотель, Гераклит, Аристофан, Суқрот каби юнон мутафаккирлари билимни пулга сотиб олиш ғоясига қарши бўлганлар. Аммо ўша даврларда билимлилик жамиятда юқори ижтимоий мақомни белгилаганлиги туфайли инсонни интеллектуал ва маънавий камолотини таъминловчи билимларни бериш тараққий этди. Таълим ижтимоий институтга айланиб, таълим муассасалари, университетлар ташкил этила бошлагандан сўнг, билимни яратиш, етказиш, тарғиб қилиш билан машғул инсонлар тоифаси (коучлар, ўқитувчилар, педагоглар) шакллана бошлаган. Таълимни институционаллаштириш билимлар иқтисоди, яъни билимлар билан қўллаб-кувватланувчи иқтисод турининг шаклланишига олиб келди. Глобаллашган иқтисодиётда шунчаки мавжуд бўлиш учун жамият таълимга - тадқиқотлар, илмий лойиҳалар, мақсадли дастурларга сармоя киритиши керак. Индустриал саноатдан фарқли равишда постиндустриал саноат даврида ишчи кучидан жисмоний ҳаракатларни амалга оширишда қўл кучи талаб этилмайди, балки ахборот технологияларини ўзлаштириши, маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, алгоритмларни яратиш ва улардан фойдаланиш кўникмаларга эга бўлиши тақозо этилади.

XXI асрда ривожланган давлатлар ахборот жамиятини ривожлантириш стратегияларини қабул қила бошладилар. Уларга

[46] Drucker P.F. The Future of Industrial Man. Piscataway: Transaction Publishers, Rutgers The State University, 2009.

кўра жамият ҳаётининг қуйидаги жиҳатлари ахборот жамиятининг ўзига хос дефинициялари сифатида тан олинади: илм-фан, шу жумладан ахборот, технологиялар, интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулотларини яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт тармоқлари улушининг экспонент даражада ошиши; ахборотлаштириш, таълим, алоқа соҳасидаги хизматлар, шунингдек, маълумотларни қидириш, узатиш, қабул қилиш ва тарқатиш; илмий-технологик тараққиётни тезлаштириш ва интеллектуал билимларни ишлаб чиқариш омилига айлантириш, инсон ва жамият ҳаёт сифатини яхшилаш; меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми ахборот технологиялари, ахборот ва билимларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиши; фуқаролар учун маълумот ва билимларни излаш, олиш, узатиш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириш; ҳар қандай фаолият тури бўйича замонавий мутахассисни тайёрлаш ахборот ва телекоммуникация тармоқлари соҳасида ўқитишни, киберсатҳларда касбий фаолият билан шуғулланишга тайёрликни шакллантиришни ўз ичига олиши; интернет барча имкониятлар, айни пайтда, хавф-хатарларга эга ҳудуд сифатида қаралиши; жамиятни рақамлаштиришни тадрижий ривожлантириш; шахс ахборот истеъмолчисидан билим яратувчисига айланиб боришида ижтимоий ролларининг ўзгариши; тармоқли жамият пайдо бўлишининг ижтимоий шарт-шароитлари[47], виртуал мулоқотнинг фаол кўникмаларини ривожлантириш (интерактивлик, гиперматн, глобаллик ва ижодкорлик); глобаллашув шароитида анъанавий қадриятлар инқирози фонида янги мафкуравий ёндашувлар; ахборот жамиятининг социологик муаммолари[48]; ахборот жамияти концепцияларининг генезиси; ахборот жамияти концепциясига оид релятивистик ва постмодернистик ёндашувлар ва б.

---

[47] Кастельс М. Информационная эпоха. Экономика, общество, культура. М.: Изд-во ГУВШЭ, 2000. – 608 с.
[48] Иноземцев В.Л. Современное постиндустриальное общество: природа, противоречия, перспективы. – М.: Логос, 2000.

Шундай қилиб, янги давр жамиятлари генезисининг экспликациясида "ахборот жамияти", "постиндустриал жамият", "истеъмол жамияти", "консумерлашган жамият", "ўрганувчи жамият", "интеллектуал жамият", "билимлар жамияти", "компетентли жамият", "техноген жамият", "билимга асосланган жамият" каби иборалар қўлланилади. Замонавий жамиятлар назарияларининг таҳлили замонавий жамият ҳолатини тушунтириб берадиган позициялар ва қарашларнинг аксарияти иқтисодий детерминизмга, технократик ибтидога ёки ахборотнинг тармоқ тизимлари сифатида ривожланишига эътибор қаратишини кўрсатади.

Замонавий жамиятнинг концептуал манзараси ҳамда имманент моҳияти тадқиқотчилар томонидан турли ғоя ва назариялар контекстида ёритилади. Назариялар эволюцияси постиндустриал жамият босқичи сифатида "ахборот жамияти" (Э. Гидденс, П.Друкер, Ф. Махлуп, Г.Маклюэн, Д.Белл, Й.Масуда), "суперпостиндустриал жамият" (Э.Тоффлер), "дастурлаштирилган жамият" (А.Турен), иқтисодиёт ва технократия призмаси орқали ахборот жамияти, технотрон жамият (Д.Белл, Э.Тоффлер, З.Бжезински, А. Горц); ахборот тармоқлари назариялари (Т. Умесао, Ж.Масуда, М.Кастельс); "билимлар жамияти" шароитида ижтимоий ривожланиш (П. Друкер, В. Иноземцев, Е. Соломатина), маданий-ахлоқий контекстда билимлар жамияти (Р. Мэнселл, Ю. Уэн, К. Делокаров, Г.В. Осипов, С.Г. Кара-Мурза), "постмодерн жамият" (Д. Белл, Ж. Лиотар, Ж. Бодрийяр), "истеъмол жамияти", консумерлашган жамият (У.Ростоу, Э. Фромм, З.Бауман, Ж. Бодрияр), "когнитив капитализм" (А. Горц), хавф-хатарлар жамияти, инновацион жамият (У.Бек, Н. Штер) сифатида талқин этилади.

Ижтимоий тузилмаларнинг моҳиятини англашга қаратилган социологик назариялар[49], илмий талқинларнинг ҳар бири

[49] Социология / Под ред. Лавриненко В.Н. — 4-е. — Проспект, 2013. — 471 с. — ISBN 9785392015771.

замонавий жамият ҳолати ва унда юз бераётган ўзгаришларни ўз призмаси орқали кўриб чиқади, шу билан бирга, экспоненциал ривожланиш, ахборот оқимининг кескин тезлашуви, янги коммуникация турларининг пайдо бўлиши, ахборотга билимлар жамиятининг асосий капитали сифатида қараш, постглобаллашув, оммавий жамият, симулякрлар, консумеризация, дастурлаштирилган жамият, ночизиқли тафаккур, шахс ижтимоийлашуви масалаларида якдилликни намоён этади. Ушбу концепцияларнинг ҳар бири ижтимоий ривожланишнинг муайян аспектларини ажратиб кўрсатиб, масалага иқтисодий, маданий омиллар, технологиялар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий таҳдидлар контекстида ёндашади. Концепция ва тезислар доирасида "билимлар жамияти" тушунчаси тамаддуннинг имкониятларини кенгайтириш, жамиятнинг эгрегориал салоҳиятини ривожлантириш, билимлар капитализацияси манбаи ҳамда иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг шарти сифатида талқин этилади.

Ахборот ва билимлар жамиятининг эътирофи сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 2006 йил 27 мартда резолюция (№A/RES/60/252) қабул қилди, унга кўра **17 май Халқаро ахборот жамияти куни** (Information Society Day) деб эълон қилинди.

Ахборот ва билимлар жамиятида ривожланишнинг асосини моддий унсурлар эмас, балки ахборот маҳсулотини ишлаб чиқариш ташкил этади. Моддий маҳсулот ахборот жиҳатидан кенг бўлиши туфайли, бу унинг қийматида инновациялар, технологиялар, янги усуллар, дизайн ва маркетинг улуши ва нисбатини оширади. Ахборот жамиятида ҳаёт тарзи, қадриятлар тизими ўзгаради, маданий унсурнинг моддий қадриятларга нисбатан аҳамияти ошади. Ҳамма нарса товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга қаратилган саноат жамиятига қараганда, ахборот жамиятида ақл ва билим ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади, бу ақлий меҳнат улушининг ошишига олиб

келади. Билимга бўлган талаб одамнинг ижодий салоҳиятини ва ижтимоий компетенцияларини ривожлантиришни талаб қилади. Мазкур контекстда инсон фаолиятида ахборотнинг афзаллиги жамият томонидан эътироф этилади ҳамда инсон фаолиятининг барча соҳаларида (иқтисод, ишлаб чиқариш, сиёсий, таълим, илм-фан) ахборот асосий компонент ҳисобланади ҳамда аҳолининг барча қатламлари ахборот олиш имкониятига эга бўлади. Ижобий мезонлардан ташқари, ахборот жамиятининг салбий томонларини ҳам ажратиб кўрсатиш зарур: ОАВнинг ижтимоий онг ва ижтимоий маданиятнинг шаклланишига таъсири; ахборот технологияларнинг шахсий ҳаётга таъсири; юқори сифатли ва ҳақиқий маълумотни танлаш муаммоси; одамларнинг ахборот жамияти муҳитига қийин мослашуви; барқарор ривожланиш, ахборот хавфсизлиги, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш муаммоси ва б.

Немис тадқиқотчиси, социология профессори **Питер Вейнгарт** (Peter Weingart) билимлар жамияти генезисини ўрганишда идентик таҳлиллар қилади. Хусусан, у ўз билимлар жамияти ҳақидаги концепциясини қуйидагиларга асослайди: билимларни ишлаб чиқариш ва амалий қўллашга йўналтириш; ижтимоий ўзгаришларга олиб келадиган ижтимоий таълим жараёни; фундаментал тадқиқотларнинг секин-аста университетлардан саноат лабораторияларига ўтиши ва уларни амалга оширишнинг асосий рағбатлари сифатида иқтисодий манфаатлар; билимлар жамиятида илм-фан табиатни билиш ва унинг қонунларини кашф этишга қаратилган эмас, балки уни амалий қўллаш соҳаларида ривожланади; илмий-тадқиқотлар ва назариялар фанлараро ва соҳалараро ракурсда амалга оширилади[50].

Билимлар жамияти маънавий-ахлоқий ва интеллектуал тараққиёт, демократик қадриятлар ва шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришини мотивациялашга эътибор қаратади. Билим

[50] Weingart P. Die Stunde der Wahrheit. Vom Verhältnis der Wissenschaft zu Politik, Wirtschaft und Medien in der Wissensgesellschaft. Weilerswist, 2001.

жамиятларига оид илмий мулоҳазалар тараққиёт концепциясини инсон капиталининг қиймати ва билим тизимларининг хилма-хиллиги, шу жумладан, билимларни қайта кўриб чиқиш имконини беради. Билимлар жамияти ғоясини ўз ичига олган постиндустриал тараққиёт квинтессенцияси сифатида ўсиш ва ривожланиш парадигмаси, шунингдек, ушбу ижтимоий тузилиш формациясининг шаклланиши жараёни билан боғлиқ истиқболлар, якуний мақсадлари, қийинчиликлари ва хавфларини аниқлаштиришни талаб қилади. Агар ахборот жамиятининг салоҳияти технология ютуқларига асосланган бўлса, у ҳолда билимлар жамиятининг ривожланиши ижтимоий-ахлоқий мезонларни назарда тутади. Билимлар нафақат иқтисодий тараққиётнинг асосий омили, балки онгли эҳтиёж ва инсониятнинг ривожланиши учун зарур бўлган билимларни олиш, қўллаш, яратиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ўзгартириш ва тарқатишнинг ҳақиқий имкониятига асосланган.

Билимлар жамияти концепцияси “энг кенг тарқалган ва қайта тикланадиган манба - бу яратиш, ижод қилиш қобилияти: уни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш зарур” деган постулатни шакллантиради. Мазкур шароитда ижтимоий институт сифатида таълимнинг вазифаси ижтимоий интеграция, маданий коллаборация, жамият ҳаётида иштирок этиш муҳитида амалга ошириладиган шахснинг имкониятларини кенгайтириш, танқидий тафаккур, ижтимоий компетенцияларни ривожлантиришдан иборат. Билимлар жамияти ахборот жамияти тўлиқ эриша олмаган нарсани - маданиятлараро мулоқотга ва демократик ҳамкорликнинг янги шаклларига эришишга имкон яратади. Билимлар жамияти концепцияси, бундай жамиятларнинг ташкил этилиши, глобаллашув жараёнларини инсонпарварлаштиришга йўл очади, деган тезисга таянади. Ахборот жамиятининг моҳиятини белгилайдиган ахборотнинг технологик имкониятидан кўра, билим олиш муаммосини адекватроқ ҳал этиш ғояси билимлар жамиятлари концепцияси билан боғлиқ. Билимлар жамиятини

яратиш учун фақат ахборот узатиш эркинлиги билан чегараланиб қолишнинг иложи йўқ, ҳар бир қизиқувчи ишлаб чиқариши учун унинг илмий ва фалсафий таҳлилига асосланиб маълумот яратиш, маълумот алмашиш, маълумотларни солиштириш, танқидий баҳолаш ва тушуниш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Ахборот ва билим ўртасидаги тафовутнинг кучайиши, дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган тармоқлари орасидаги тафовут инсониятнинг барқарор ривожланиш истиқболини билимлар жамиятини шакллантириш йўлида эришган ютуқларининг синтези сифатида кўришга ундайди. Бу ерда маълумотларнинг очиқлиги ва эркинлигини рағбатлантириш ҳамда унинг шахсий соҳага ноқонуний кириб бориш соҳасида қадриятлар тўқнашуви, билимлар жамиятини умумий кўнгилочар жамиятга айлантириш тенденцияси муросасиз деб тан олинади. Олий таълим соҳасида экспертлар уни тижоратлаштиришдан, университетларнинг даромад олиш истагидан, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларга олий таълим бозорида истеъмолчилар ролини беришидан хавотир билдиради. Билимлар жамиятининг ўзига хос хусусияти - бу илм-фаннинг айрим соҳалари - кибернетика, геномика, сунъий интеллект, молекуляр генетика, биология, нанотехнологияларнинг устун мавқеи, уларнинг юксалиши кучли фанлараро интеграция ва экспертлар жамоаси таъсирининг кучайиши билан бирга тараққий этади. Билимлар жамиятининг гуманитар компоненти ҳақида фикр юритганда унинг пайдо бўлиши билан боғлиқ асосий шахслар: назариётчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқотчилари, журналистлар, нодавлат ташкилотлар вакиллари, илмий-тадқиқотлар, янги технологияларни ишлаб чиқиш, хавфлар ва инқирозларни бошқариш, ноаниқлик шароитида фаолият юритиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларининг ролини қайд этиш жоиз. Гуманитар жамиятнинг бу

йўналишдаги ютуқлари муқаррар равишда билимлар жамиятини форсайт жамиятга айлантиради.

Моҳиятига кўра, билимлар жамияти - бу инсоният томонидан тўпланган назарий-ижтимоий билимлар ва содир бўлаётган воқеаларни танқидий акс эттириш асосида ўз-ўзини ривожлантириш йўлларини излаётган таълим олувчи, ўрганувчи интеллектуал жамиятдир. Билимлар жамияти юзага келишини замонавий дунёнинг ўзгарувчан иқтисодий ва сиёсий ривожланиш суръатлари жараёнида рақобатбардош бўлиш ва муваффақият қозониш зарурияти тақозо этади. Билимлар жамияти инновация, тадбиркорлик ва иқтисодиётнинг ўсишини рағбатлантириш учун ўз фуқароларининг билимларига таянади. Шу маънода, билимлар жамияти ижтимоий муносабатлар, ижтимоий институтларнинг трансформациясига асосланади.

Ижтимоий тараққиётга глобал ижтимоий технологиялар призмаси орқали қараш билимлар жамиятининг асосий кўрсаткичларини (билимлар трансформацияси, жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ва унинг капитализацияси, инсон капиталига инвестициялар, жамиятнинг ахборотлаштириш даражаси, инновацион фаолият, билимга асосланган иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, жамиятни ташкил этишнинг ижтимоий соҳалари ва улардаги ўзаро муносабатларнинг янги шакллари, маданий хилма-хилликни таъминлаш, шахснинг маданиятлараро компетенцияларини шакллантириш, ҳаёт давомида таълим олиш тизимини яратиш) аниқлашга имкон беради.

Дунё миқёсида “билимлар жамияти”нинг шаклланиши нотекис бўлиб, муайян давлатларнинг ривожланиш даражасига релевант тарзда боғлиқ. Айрим давлатлар “билимлар жамияти” даражасига эртароқ етиши мумкин, бошқаларида эса фақат унинг ижтимоий шарт-шароитлари яратилади. Бу иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос имманент хусусиятлари, ишлаб чиқариш даражаси, мамлакатларнинг геосиёсий жойлашуви,

маданий анъаналар каби бир қатор омиллар билан белгиланади. ЮНЕСКО томонидан илгари сурилган “Билимлар жамияти” илмий доктринаси янги турдаги жамиятнинг ривожланиш истиқболлари учун таҳлилий восита бўлиб хизмат қилиши мумкин, бунда янги билимларни ишлаб чиқариш асосий фаолиятга айланади ва релевант равишда таълим ва илм-фан ижтимоий тараққиётнинг драйвер омиллари ҳисобланади.

Муаллифнинг шахсий позициясига кўра, *постиндустриал ривожланиш контекстида билимлар жамияти иқтисодиётда билим, ахборот ва инновацион ўзгаришларнинг иштироки юқори бўлган, билимлар ва илмий ишланмалар иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, генератори ва драйверига айланган, касбий компетенция ва маҳорат, ўрганиш, яратиш ҳамда ижодий қобилият энг қиммат ресурс ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий формациядир.* Билимлар жамияти концепциясини таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ҳозирги тарихий тараққиёти дискурсида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллий инновацион экотизимни шакллантириш, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт трендлари ҳамда футурологик тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозори ва жамият эҳтиёжларини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш зарур.

Замонавий тамаддун моҳиятини англашга қаратилган назарияларнинг таҳлили муаммога оид илмий қарашлар эволюциясини ва замонавий жамият ҳақидаги асосий дефиниция ва концептларни аниқлаш ҳамда форсайт таҳлилларни амалга оширишга имкон беради:

1. Илмий адабиётларда акс этган замонавий жамият тасвирлари ва экспликацияси тамаддуннинг асосий рамзларини акс эттирувчи метафорик макромоделлар кўринишига эга.

2. Ижтимоий назариялар замонавий жамият ҳолати ва унда юз бераётган имманент ўзгаришларни ўз призмаси орқали кўриб чиқади.

3. Назариялар экспоненциаллик, ахборот ва коммуникация турларининг пайдо бўлиши, ахборотга билимлар жамиятининг асосий капитали сифатида қараш, консумеризация, дастурлаштирилган жамият, ночизиқли тафаккур, шахс ижтимоийлашуви масалаларида якдилликни намоён этади.

4. Постиндустриал жамиятда интеллектуал технологияларнинг ўрни индустриал жамиятдаги машина технологияларининг ўрни каби муҳим аҳамият касб этади.

5. Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш иқтисодий фаолиятнинг доминант соҳасига айланади.

6. Постиндустриал ахборот жамиятида маълумотларнинг экспоненциал кўпайиши натижасида илмий тараққиётнинг экспонентаси юз беради.

7. Билимлар жамиятига оид концепциялар замонавий дунёдаги ижтимоий ўзгаришлар ахборот, билим ва таълимнинг янги роли билан узвий боғлиқ, деган постулатга асосланган назарий тузилмалардир.

8. Аксарият илмий-социологик назариялар, биринчи навбатда, технологияларни ривожлантиришни, технологик тараққиётни назарда тутади.

9. Постиндустриал жамиятда ижтимоий табақаланишнинг асосини иқтисодий-сиёсий мавқе эмас, балки компетенция ва маълумот ташкил этади. Ижтимоий тизимда “knowledge-class” (интеллектуал салоҳият эгалари) ижтимоий қатлами шаклланади.

10. Билимлар жамияти янги муаммоларни ҳал қилиш, янги турдаги маҳсулотлар ва хизматларни яратиш учун зарур бўлган янги билимларга доимий эҳтиёжнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

11. Билимлар жамиятида ҳар қандай фаолият соҳасида муваффақиятнинг шарти сифатида билимнинг ролини кенг англаш устуворлик касб этади.

12. Ахборот оқимларини тезлаштирадиган технологиялар ва коммуникация тармоқлари, тезкор ахборот алмашинуви ночизиқли тафаккур ва ночизиқли ривожланишни шакллантиради.

13. Ахборотдан чексиз фойдаланиш имконияти сиёсий чегаралар ва ижтимоий страталарнинг мавҳумлашишига олиб келади.

14. Ахборот узатиш бўйича тармоқ тизимларининг ривожланиши, жамиятни глобал тармоқ ҳамжамияти режимига ўтказиш ахборот ишлаб чиқариш ва алмашишни барча ижтимоий соҳаларга тарқаладиган асосий жараёнларга айланишига олиб келади.

15. Ахборот тизимларининг очиқлиги жамиятни демократлаштириш даражасининг ошишига, демократик-гуманитар тамойиллар асосида ахборот жамиятидан янги турдаги ижтимоий тузилмага ўтиш истиқболларини белгилайди.

16. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан хизматлар ишлаб чиқаришга ўтиш жамият фаровонлигининг муттасил ўсишига олиб келади.

17. XXI асрда билим ва ахборот тўпланишининг ўсиши экспонент бўлиб, технологик сингулярлик замирида сунъий интеллектга асосланган технологияларнинг яратилишига олиб келади.

18. Технологик жамиятда моддий фаровонлик муаммосининг умуман ҳал қилиниши туфайли инсонларнинг манфаатини маънавий муаммолар ташкил этади.

19. Техноген жамият ахборот тизимларида, кибермаконда ижтимоий фаолият олиб боришнинг янги ахлоқий-трансцендентал муаммоларини юзага чиқаради.

20. Янги эҳтиёжларнинг ривожланишини рағбатлантириш, қўшимча ресурслардан фойдаланиш барқарор ривожланишнинг аҳамиятини янада оширади.

Бугунги кунда содир бўлаётган туб ижтимоий-маданий феноменал ўзгаришлар умуминсоний-гуманитар қадриятларни одамлар ҳаётига реал татбиқ этиш билан релевант бўлиши керак. Техноген жамият контекстида уларни оммавий онг даражасида ривожлантиришнинг аниқ механизмларини излаш, турли кўринишдаги ижтимоий-сиёсий таҳдидларнинг олдини олиш, халқаро ҳаётда тинчлик, маданий коллаборация, илмий-техникавий ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлаш ниҳоятда долзарбдир.

Тадқиқотчининг фикрича, замонавий ижтимоий жараёнларда ахборот тармоқларининг экспонент тараққиёти, технологияларнинг ижтимоий ва индивидуал ҳаётга таъсирининг инқилобий табиатини ҳисобга олган ҳолда, шартли равишда **ахборот ва билимлар жамияти** деб аташ мумкин бўлган янги глобал тамаддун ҳақида фикр юритиш зарур. Замонавий дунёда техноген тамаддуннинг имманент қадриятлар тизимини ўзгартириш зарурияти глобал инқирозларни бартараф этиш, инсоният фаолиятининг мақсадлари ва унинг ахлоқий қоидаларини ўзгартириш талабидан келиб чиқади. Шу асосда, айнан янги ахборот-билимлар жамиятининг шаклланиши тамаддуннинг гуманитар-ахлоқий компонентининг устуворлиги, саноатнинг кенг кўламли моддий-технологик ютуқлари билан бирга маънавий-ахлоқий жиҳатдан сезиларли даражада критик нуқтага келди. Ахборот ва билимлар жамиятининг шаклланиши “специфик парадигма”ни яратишни назарда тутади, унда устувор асослар сифатида ахлоқий тамойиллар, хулқ-атвор қоидалари, ижтимоий тартиб яхлит намоён бўлади. Шубҳасиз, янги тамаддуннинг асосий имманент хусусияти умуминсоний гуманитар дунёқараш, барқарор ривожланиш, инновацион тафаккур ҳамда интеллектуал капитални ривожлантириш, илм-фан ва таълимни жамиятнинг драйверига айлантиришдан иборат бўлади. Шунингдек, ижодий-интеллектуал фаолият аксиологик ёндашув асосида ахлоқий қадриятлар – инсон ҳуқуқлари, шахсий масъулият, ижтимоий адолат тамойилларига

изчил ва барқарор боғланиши керак. Мазкур дискурсда дунё маданияти ва локал-миллий маданиятларнинг маънавий салоҳиятини сақлаб қолиш, рўёбга чиқариш, шахс ижтимоийлашуви учун кенг имкониятлар очилади. Ушбу жараёнда этнослар, халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда юксалишга хизмат қилувчи маданиятлараро мулоқот, билим ва қадриятларнинг фаол конвергенцияси алоҳида аҳамиятга эга. Инсоният мавжудлигининг ушбу маънавий-ахлоқий "***Декарт координатаси***" нафақат дунё миқёсидаги ахборотлаштириш ва модернизация жараёнлари билан боғлиқ, балки тамаддуннинг яшаб қолиш заруратидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, ижтимоий ривожланишнинг форсайт истиқболларини назарий тушуниш ахборот ва билимлар жамиятининг генезиси ҳамда постиндустриал жамият тараққиётида маданий-ахлоқий омилнинг замонавий жамиятни сифат жиҳатидан ўзгартиришдаги устувор ва ҳал қилувчи ролини кўрсатишдан иборат. Билимлар жамияти назарияси мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан етарлича ўрганилмаган соҳа ҳисобланади. Шу жиҳатдан ушбу изланишни билимлар жамиятини ижтимоий-педагогик нуқтаи назаридан англаш ва талқин қилишга қаратилган дастлабки уринишлардан деб қабул қилиш мумкин. Фикримизча, "билимлар жамияти" концепцияси полиcontextual тушунча бўлгани боис, билимлар жамиятини шакллантиришнинг назарий-прагматик муаммоларини соҳалараро ва фанлараро дискурсда (социология, ижтимоий педагогика, андрагогика, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, тарих, фалсафа, иқтисод, таълим менежменти) ўрганиш ва тадқиқ этиш яхши самара беради.

Билимлар генезиси, "билимлар жамияти" феномени, билимлар жамиятини шакллантиришнинг имманент ва когнитив жиҳатлари, билимларнинг институционал шакллари, архетиплари, замонавий илм-фандаги трансформацион жараёнлар, замонавий жамият дискурсида билим соҳалари ва тармоқларини шакллантиришнинг

метадисциплинар механизмлари, билимга асосланган иқтисодиёт-да интеллектуал капиталнинг репрезентацияси, тамаддун истиқболини белгилайдиган глобал ижтимоий-технологик омиллар таъсири (технологик сингулярлик жараёни тезлашувининг улкан эҳтимоли), шунингдек, ушбу жамиятда шахснинг интеллектуал-ахлоқий камолоти ва релевант ижтимоийлашуви, билимлар жамиятининг субъекти сифатида шахснинг билим ва компетенцияларини муттасил ривожлантиришнинг категоризацияси ҳали ўз ечимини кутаётган илмий муаммолардир.

# VUCA - ДУНЁ

**Инсонларнинг тугалланмаган феъл-атвори ва воқеликнинг ўзгарувчан хусусияти таълимнинг доимий фаолият бўлишини тақозо этади.**
Паулу Фрейре

**Homo sapiens** ҳаёти билан боғлиқ антропоценоз[51], экотизимлар шакллана бошлагандан бери ўтган даврда чексиз дивергенция, аҳолининг кўпайиши, миграция, локал миллий маданиятларнинг таркиб топиши, фан-техниканинг экспоненциал тараққиёти натижасида инсон фаолияти умумпланетар масштабда ҳал қилувчи омил, биосферанинг кейинги эволюциясининг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Техноген катаклизмлар, экологик вазиятнинг кескин муаммолари илмий-техник тадқиқотларнинг барқарор ривожланиш, атроф-муҳит ва техносфера хавфсизлиги каби йўналишларини келтириб чиқарди. Академик **В.И.Вернадский** томонидан яратилган илмий таълимотга кўра, умумпланетар миқёсда алоқа тизимларининг ривожи, инсоният учун ягона бўлган ахборот экотизимининг шаклланиши, илмий тафаккур ва инсон меҳнатининг таъсири биосферанинг янги ҳолатга - ноосферага[52] ўтишига олиб келди[53]. “Ноосфера” тушунчаси француз олими, Сорбонна университети математика профессори **Эдуар Луи Эммануэль Ле Руа** (фр. Edouard Louis Emmanuel Le Roy) томонидан фанга киритилган. Тадқиқотчи эволюциянинг кейинги ривожи инсон онги ва тафаккури билан боғлиқ деган назарияни илгари суради ва ноосферани инсон онги томонидан шаклланадиган “фикрлаш қобиғи” сифатида талқин қилади.

---

[51] Антропоценоз (юнонча anthropos - одам, koinos - умумийлик) – организмлар жамоалари, уларнинг ичида инсон доминант тур ҳисобланади ва унинг фаолияти бутун тизимнинг ҳолатини белгилайди.
[52] Ноосфера (юнонча νοῦς “ақл” + σφαῖρα “сфера”, ақл соҳаси) – биосфера эволюциясининг олий босқичи, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир доирасида инсоннинг оқилона фаолияти ривожланишнинг ҳал қилувчи омилига айланади.
[53] Вернадский В. И. Биосфера и ноосфера. — М.: Айрис-пресс, 2012. — 576 с. ISBN 978-5-8112-4512-3.

Тадқиқотчилар томонидан замонавий воқеликнинг кўп ўлчовли табиатини ўрганиш, идрок этиш ва таҳлил қилишда “мавҳумлик даври”, “имкониятлар даври”, “хилма-хиллик даври” каби нисбатлар берилмоқда. Мавҳумлик, ноаниқлик (indefinite), ўзгаришларни прогностик аниқлаш имкониятининг йўқлиги жамият ва шахс олдида янги муаммоларни пайдо қилди. Тизимли тадқиқотларда атроф-муҳит, борлиқни тавсиялашда “ноаниқлик” тушунчасидан фойдаланиш одатий ҳолга айланди. Француз социологи, Европа социологик тадқиқотлар марказининг асосчиси **Пьер Бурдье** (фр. Pierre Bourdieu) ижтимоий макон генезиси ва структуризациясини тадқиқ қилар экан, “*Ноаниқлик бугун ҳамма жойда мавжуд бўлиб, инсон онги ва онг остини таъқиб қилмоқда*”, дея таъкидлайди[54]. Ушбу ҳодиса назариётчилар томонидан инглизча *insecurity* (ҳимоясизлик), французча *o precarite* (хавф жамияти), немисча *Unsicherheit* (ноаниқлик), итальянча *incertezza* (мавҳумлик) иборалари билан ифодаланади. Тадқиқотчилар англашга интилаётган ушбу дефиницияларнинг барчаси юқори даражада тараққий этган постмодернистик жамиятда инсон ҳаётининг ва экзистенциал мавжудлигининг келажакка нисбатан ноаниқлик, беқарорлик, мавҳумлиги билан тавсифланади. Британиялик тадқиқотчи, социология назариётчиси **Зигмунт Бауман** (Zygmunt Bauman) замонавий жамиятнинг янгича кўриниши инсоният мавжудлигининг барча олдинги шаклларидан тубдан фарқ қилишини, объектив ижтимоий жараёнлар инсонларнинг феъл-атвори, дунёқараши, менталитетини шакллантиришини таъкидлаган. З.Бауман изланишларида тавсифланган индивидуаллашган жамиятнинг асосий дискрет хусусиятлари қуйидагилардир: инсоннинг энг муҳим ижтимоий жараёнлар устидан назоратининг йўқотиши; ноаниқликнинг кучайиши ва шахснинг бошқариб бўлмайдиган ўзгаришларга нисбатан заифлигининг

---

[54] Бурдье Пьер, Социология социального пространства. / Пер. с фр., общ. ред. Н.А. Шматко. - СПб.: Алетейя; М.: Институт экспериментальной социологии: Алетейя, 2005. - 288 с. (Gallicinium). ISBN 5893297628.

прогрессив тарзда ошиши; ниҳоят, бундай шароитда пайдо бўладиган тезкор натижаларга эришиш учун истиқболли мақсадлардан воз кечиш; ҳаёт нималарни тақдим этса, *hic et nunc* – ҳозир ва шу ерда тақдим этиши. Натижада, XXI аср бошидаги ижтимоий ҳаёт ҳамда иқтисодий жараёнларнинг тезкор мураккаблашуви ўртасидаги зиддият замонавий жамиятнинг асосий муаммосини ташкил этади. Муаллиф энг муҳим ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар устидан назоратни йўқотиш, нормал фаолият юритишни таъминлашнинг имконсизлиги ҳақида шундай ёзади: "*Бир вақтлар ўзларининг дунёсини шаффоф, хавф-хатарга дучор қилинмайдиган ва кутилмаган ҳодисалардан холи қилиш учун курашган жамиятлар, энди бутунлай ўзгарувчан ва олдиндан айтиб бўлмайдиган сирли кучларга боғлиқлигини аниқлайдилар*". Бауман замонавий жамият ҳаётининг яна бир имманент сифатини инсоннинг ўз фаолиятини бошқариш қобилиятининг пасайишида, шу билан бирга, глобаллашувнинг муқаррар кучлари ушбу ноаниқликни мавжудликнинг энг оптимал шакли сифатида таклиф қилишини таъкидлайди. БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро конференциясида (1992 йил) БМТ Бош котиби ўринбосари **Морис Фредерик Стронг** (Maurice Frederick Strong) томонидан "*Мавҳумлик, ноаниқлик ҳаётнинг узвий кўриниши эканлиги, ноаниқлик шароитида ҳаракат қилишни ўрганиш*" лозимлиги эътироф этилди[55]. Мавҳумлик, ноаниқликни ижтимоий фаолиятнинг ажралмас хусусияти сифатида муқаррарлигини тан олиш глобал хатарлар муаммоларини таҳлил қилишда қўл келади. Илмий-технологик тараққиёт суръати, табиий, ижтимоий, аксиологик, маданий тизимлардаги ўзгаришлар, тафаккур трансформацияси, хатарлар, таҳдидлар, ноаниқлик доимий модернизацияга йўналтирилган ижтимоий фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

[55] Доклад Конференции Организации Объединенных Наций по окружающей среде и развитию, Рио, 1992.

Ахборотнинг чексиз ортиши ва кенгайиши, мураккаблик, ноаниқлик ва хилма-хиллик муаммоларини енгиш билан боғлиқ равишда инсониятнинг ижтимоий тажрибасини қайта кўриб чиқишга интилиш, келажак билан боғлиқ ноаниқликнинг кучайиб бориши, муаммоларнинг поликонтекстуал табиати илмий тадқиқотларда соҳалараро трансдисциплинарлик ёндашуви заруриятини тақозо этади. Немис социологи, Мюнхен университети профессори **Ульрих Бек** (нем. Ulrich Beck) томонидан шакллантирилган "хатарлар жамияти" номини олган замонавий ижтимоий-гуманитар билимларнинг фанлараро, соҳалараро парадигмасининг асосий ғояси шундан иборат эдики, илгари тараққиётнинг асосий кафолати ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган илм-фан ва техника янги хавф-хатарлар, ноаниқликни келтириб чиқарди. Парадокс шундан иборатки, илм-фан ва технология хатарларнинг олдини олиш ва хавфни камайтириш усулларини излаши, хавфсизлик, валидлик, прогностик таҳлил, аниқликни таъминлашнинг илмий асосланган стратегиясини таклиф этиши лозим[56].

Инглиз социологи Энтони Гидденс ҳам, ўз навбатида, глобал жамият шароитида фавқулодда ўзгаришлар, оилавий муносабатлар, коммуникациялар каби ижтимоий жараёнларни тадқиқ этишда метадисциплинар ёндашувни ёқлаб, муаммога социология, антропология, археология, психология, фалсафа, тарих, лингвистика, иқтисод, сиёсатшунослик фанларининг призмаси орқали қарашни ёқлайди[57]. Гидденс замонавий жамиятни тавсифлашда муаммонинг хавфсизлик аспектларига эътиборни қаратиб, постмодернистик жамиятда ижтимоий институтларнинг ривожланиши премодерн тизимга қараганда ҳаёт хавфсизлиги каби фойдали имкониятлар яратганини эътироф этади, шу билан бирга,

---

[56] Бек У. Общество риска. На пути к другому модерну / Пер. с нем. В. Седельника и Н. Федоровой. – М.: Прогресс-Традиция, 2000. – 384 с.

[57] Гидденс Э. Устроение общества: Очерк теории структурации. — 2-е изд. — М.: Академический Проект, 2005. — 528 с. С. 457. ISBN 5-8291-0629-9.

саноатнинг муттасил ривожланишининг атроф-муҳитга колоссал негатив таъсирларини ҳамда экологик хавфларини қайд этади.

Жаҳон иқтисодий форуми асосчиси ва ижрочи раиси **Клаус Мартин Шваб** (нем. Klaus Martin Schwab) ўзининг “Тўртинчи саноат инқилоби” номли китобида киберфизик тизимларнинг ишлаб чиқаришга оммавий жорий этилиши, иқтисодий мақсадлар ва ҳаёт сифатининг жозибадорлиги билан тавсифланадиган Тўртинчи саноат инқилобининг (The Fourth Industrial Revolution) асосий имманент тенденцияларини тавсифлайди (физик, рақамли ва биологик). Экспоненциал суръатларда ривожланадиган технологик инқилоб шароитида рақамли воқелик қуйидагиларни ўз ичига олади:

- булутли технологиялар (cloud technology);
- буюмлар интернети;
- сунъий интеллект;
- катта маълумотлар (*big data)*;
- виртуал ва кенгайтирилган ҳақиқат;
- квант технологиялари;
- блокчейн ва унинг энг муҳим дастури - криптовалюта;
- рақамли иқтисодни яратадиган рақамли платформаларнинг ҳар хил турлари ва б.

Хусусан, технологик блок тўртта технологиялар билан тавсифланади: 1) дронлар (учувчисиз транспорт воситалари); 2) 3D технологиялар; 3) робототехника; 4) наноматериаллар. ДНКнинг генетик секвенирлаш, сунъий интеллект имкониятлари тўртинчи саноат инқилобига доир мегатрендларни аниқлашга имкон яратади. Ген инженериясининг суръати, бу тараққиёт йўлида техник эмас, балки ҳуқуқий, тартибга солувчи ва ахлоқий чекловларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Биоинженериянинг потенциал дастурлари рўйхати (ҳайвонларни уларни маҳаллий шароитга мослашган, янада тежамкорроқ парҳезда ўстириш, ўта

ҳарорат ёки қурғоқчиликка чидамли озиқ-овқат экинларини яратиш ва ҳ.к) деярли чексиздир[58].

Шахс, жамият, давлат ва умуман тамаддун ҳаётида юз бераётган глобал ўзгаришлар ўта жиддий ҳамда бу ижтимоий тафаккурнинг ҳамда формациянинг ўзгариши ҳақида гапиришга асос бўлади. Ҳозирги вақтда кенгайтирилган воқелик, виртуаллик, гиперматн, глобаллик, ижодкорлик, симулякр (Бодрийар) каби хусусиятлар билан тавсифланадиган жамиятнинг постиндустриал форматига ўтиши замонавий мулоқотдаги ўзгаришларнинг йўналишини белгилаб, шахслараро оммавий ижтимоий мулоқотнинг аввалги табиатини ва имманент хусусиятларини ўзгартирмоқда. Глобал ижтимоий жараёнларнинг суръати шахсни ижтимоийлашувига хизмат қиладиган таълим тизимида трансформацион жараёнларни юзага чиқармоқда. Юқорида санаб ўтилган дунёнинг глобал семантик манзараси билан боғлиқ равишда таълим-тарбия тизими олдида рақамли реаллик, авлодлар ихтилофи, универсал фаолиятдан метапредмет компетенцияларга ўтиш зарурияти каби бир қатор муаммоларнинг пайдо бўлганини қайд этиш мумкин. Ижтимоий воқелик илм-фан ҳамда таълим тизими олдига хавфларни таҳлил қилиш, хатарларни тахмин қилиш, олдини олиш, мавҳумлик ва ноаниқликни камайтириш, шахсни ўзгаришларга тайёрлаш каби янги вазифаларни қўйди. Замонавий олий таълим муассасалари ўқитиш, илмий-тадқиқот ва жамият билан ўзаро алоқаларни (ҳудудий, технологик, ижтимоий-маданий) амалга оширадиган кўп ўлчамли макон сифатида институционал тузилмаларини ўзгартиришини, стратегик қарорлар қабул қилиш, мобилликни таъминлашда самарали ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу билан бирга билимларнинг эскириши билан кечадиган мазкур феномен янги билимларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради.

---

[58] Клаус Шваб. Четвертая промышленная революция, М.: Эксмо-Пресс, 2018 г. С.22.

Тобора йўқолиб кетиши кутилаётган касблар (***кутубхоначи, кассир, ҳайдовчи, юрист, радист, штурман, бухгалтер, нотариус, провизор, терапевт, журналист, риэлтор, логист, диспетчер***) ҳамда янги шаклланаётган касблар (***Product Owner, биоэтик, экоаналитик, IT-шифокор, виртуал архитектор, онлайн-PR, таргетолог, блогер, инфлюенсер, космогеолог, техномедиатор, дрон-оператор, контент-менежер, нейроинтерфейс-лойиҳачи, UX/UI Designer, Data Scientist, 3D Engineer, биоинформатик, нейролингвист, биофармаколог, нейропсихолог, генетик консультант***) трансформацияси билан кечадиган бундай шароитда шахснинг ўзгаришларга очиқлик, янги парадигмани қабул қилиш, **self-motivation** (ўз-ўзини мотивациялаш), полимотивация, танқидий тафаккур, масъулият, толерантлик, ноаниқликка чидамлилик, **risk-management** (хатарларни бошқариш, таваккал қилишга тайёрлик, кутилмаган натижа эҳтимолини камайтиришга ва мумкин бўлган йўқотишларни минималлаштиришга қаратилган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни) каби кўникмаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Инсониятнинг энг янги тарихидаги макроэволюцион жараёнларни тадқиқ этган америкалик футуролог, дастурчи, ихтирочи **Рэймонд Курцвейл** (Raymond Kurzweil)нинг сунъий интеллектга асосланган феноменал илмий-техникавий тараққиётнинг ўзига хос шакли – "технологик сингулярлик" назарияси қанчалик реал ва аниқлигини айтиш мураккаб, аммо рақамли технологиялар ҳамда постмодерннинг беқиёс ривожланиб бораётгани ва инсоният бугун ақл бовар қилмайдиган мислсиз тараққиётни бошидан кечираётгани аниқ: "*Катта ўзгаришлар келади. Бизнинг онгимиз томонидан яратилган технологиялар муқаррар тарзда дунёни ўзгартиради. Ўтмишдаги энг жасур подшоҳлар психоделик тушларида ҳам тасаввур қила олмаганлар. Бугун ҳамон бу бизга, бизнинг*

*ҳаракатларимизга ва қарорларимизга боғлиқ*”[59]. Инглиз математиги, адиби **Льюис Кэроллнинг** машҳур романида Алисанинг “Бизда иложи борича тезроқ югурганингизда, ўзингизни бошқа жойда топасиз”, деган фикрига жавоби қироличанинг “Қандай секин мамлакат! Бизда эса худди шу жойда қолиш учун тезроқ югуриш керак! Агар бошқа жойга боришни истасангиз, унда камида икки баравар тезроқ югуришингиз зарур!” деган сўзлари XXI - ўзгаришлар, технологиялар асрининг концептуал моҳиятини ўзида акс эттиради[60].

XXI аср таълими гуманистик идеаллар анъаналарини давом эттирган ҳолда ахборот даврининг воқелигига (рақамли иқтисодиёт, тўртинчи саноат инқилоби, knowledge society, semantic web technologies (семантик виртуал тармоқлар), network community, marketplace, cryptocurrency, blockchain technology, indigo-болалар, green value (эко-тафаккур), 3D-технологиялар, энвайронментализм, сунъий интеллект, инсон геномининг ўзгариши, нанотехнологиялар, дигиталлаштириш) мос ҳолатда релевант назарий концепция, инновацион ёндашувлар, методологияларни талаб қилади. Замонавий постиндустриал билимлар жамиятида интеллектуал капитал жамиятнинг моҳияти ва ички тузилишининг асосига айланади ва унинг стратегик ривожланиш тенденцияларини белгилайди.

Жамият ривожланишининг асосий манбаи ҳисобланган интеллектуал капиталга қўйилган сармоялар узоқ муддатли ва барқарор иқтисодий-ижтимоий самара беради. Бундай шароитда таълимнинг сифати шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, маданиятнинг умумий даражаси, саноатда, ишлаб чиқаришда янги усул ва йўналишларни топа оладиган ностандарт, креатив тафаккур, янги соҳаларнинг вужудга келиши билан боғлиқ малака ва кўникмаларни ривожлантириш даражаси билан ўлчанади.

---

[59] Ray Kurzweil. The Singularity Is Near. 2006. M.: Penguin Books. - 672 c.

[60] https://www.livelib.ru/quote/3805-alisa-v-zazerkale-through-the-lookingglass-and-what-alice-found-there-lyuis-k.

Интеллектуал капитал шахснинг XXI асрнинг глобал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган мулоқот, ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик, масъулият, ўзгарувчан шароитларга тез мослашиш, ахборотни танқидий идрок этиш каби кўникмаларига бевосита боғлиқ. Ижтимоий жараёнларнинг жадаллашуви, антропологик муаммолар тамаддун келажаги учун масъулият юкини ўз зиммасига оладиган мутахассислар тайёрлаш вазифасини амалга оширишни тақозо этади.

Когнитив ва ижодий жараёнларда рационаллик илмий-техникавий ривожланиш ва инновациялар даврида скептик хусусиятга эга. "Қанчалик кўп билсангиз, шунча кўп нарсани билмаслигингизни англайсиз" деган машҳур фалсафий тамойил (*билимнинг кўпайиши "номаълумлик" билан тўқнашув чегараларининг кенгайишига олиб келади*) ўрнига "ҳамма нарса ҳамма нарса билан боғлиқ" тамойили устуворлик касб этмоқда. Глобал иқтисодиёт шароитида таълим мақсадларини амалга оширишда кўп ўлчамли тафаккур (ночизиқли-экспоненциал, ижодий, креатив, танқидий, экологик, рационал, иррационал, мантиқий, лингвокреатив), маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга имкон берувчи дискурс (трансдисциплинарлик, метадисциплинарлик, мультидисциплинарлик), соҳалар конвергенцияси долзарблик касб этмоқда.

Аслида, фикримизча, "билимлар иқтисодиёти"ни "билим ва компетенциялар иқтисодиёти" деб аташ мақсадга мувофиқ, негаки технологик этос ҳамда технологик императив шароитида ОТМ битирувчиси, таълим олувчи, мутахассислардан турли хил назарий-амалий билим ҳамда универсал ва касбий компетенциялар талаб қилинади. Шунингдек, техноген тамаддун ва глобал коммуникациялар контекстида юқори технологияларни яратувчи мутахассислар, нафақат, соҳага оид назарий билимлар, балки фаол коммуникация, маданиятлараро мулоқот кўникмалари, технологик инновациялардан фойдаланишнинг ахлоқий аспектларини,

барқарор ривожланувчи барқарор жамият (Resilient Society, Sustainable Society) тамойилларини англаши зарур. Глобал жараёнлар шахснинг ижтимоийлашувига хизмат қиладиган **таълим тизимида** трасформацион жараёнларни юзага чиқармоқда. Ўзгарувчанлик, беқарорлик, ноаниқлик, мураккаблик динамикаси каби кўплаб омиллар қарор қабул қилиш ва режалаштириш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради. Мазкур контекстда шахс ўз ўрнини топиш учун шахсий ва профессионал соҳаларга оид қандай билим ва кўникмаларни ривожлантириш зарурлигини англаш лозим. Соҳа экспертлари инсон руҳияти кескин ўзгаришларга тайёр эмаслигини, норезистентлигини[61] уқтиради.

Иқтисодий тараққиёт, интеллектуал капитални шакллантириш шахс ва жамиятдан экспоненциал тарзда кўпайиб борувчи билим ва компетенцияларни талаб қилади, бу аввало, аҳолининг тобора кенг қатламларини қамраб олган таълим тизимини шакллантириш, шахснинг ҳаёт давомида таълим олиши (lifelong learning) учун шароит яратиш билан боғлиқ. Гарвард бизнес мактаби профессори **Билл Джордж (**Bill George) янги авлоднинг самарали ҳаёти ва фаолияти учун VUCA 2.0 моделини яратиш лозимлигини таъкидлайди: vision (олдиндан кўра билиш), understanding (англаш, мослашувчанлик, soft skills), clarity (аниқлик, приоритетларни аниқлаш), agility (тезлик, тез қарорларни қабул қилиш). Атрофда содир бўлаётган воқеаларни англаш, таҳлил қилиш, мослашиш, ўз - ўзини ривожлантириш, барқарорлик иллюзиясидан воз кечиш, ўзгаришларни тан олиш ва қабул қилиш, янги кўникмаларни ривожлантириш VUCA-дунё матрицасида яшаш ва фаолият олиб боришнинг асосий омилларидир.

Хусусан, **Walmart, Apple, Amazon, Google, Microsoft, Paypal, Meta, Virgin Group, Epic Games** каби гигант компаниялар ва

[61] Резистентлик (лот. resistentia — қаршилик кўрсатиш) — организмнинг турли ташқи таъсир ва омилларга қаршилик кўрсатиш хусусияти.

конгломератлар кескин трансформация шароитида қаттиқ иерархияга асосланган анъанавий ёндашувдан кўра корпоратив маданиятни турли даражада ходимларнинг самарали коллаборацияси, узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, нетворкинг, тезкор муаммоларни ҳал қилиш, тимбилдинг, истеъмолчининг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулотни доимий равишда такомиллаштириш, стратегик менежмент, самарали тайм-менежментга риоя қиладилар. Ўзгаришларга сенситивликни ошириш, янги имкониятларни аниқлаш учун раҳбарнинг ўз компетенциялари  чегараларидан чиқиб кета олиш, вазиятларга мослашувчанлик, юмшоқ кўникмалар, хусусан, самарали мулоқот қилиш, тез қарор қабул қилиш ва ижро этиш, эмпатия (ҳамдардлик) муҳим роль ўйнайди. Ходимлар, ўз навбатида, ўзгаришларга мослашиши ва янги кўникмаларга эга бўлиши керак. Катталар учун меҳнат бозоридаги ўзгаришларга ва технологик янгиликларга мослашиш қийинроқ, шунинг учун умрбод ўқитиш алоҳида аҳамиятга эга.

Постиндустриал билимлар жамияти, 4 – саноат инқилоби, VUCA-дунё контекстида ишлаб чиқариш, корхона ва компанияларда, корпоратив ташкилотларда фаолият олиб бориш, турбулентлик, рақобат ва инқирозлар каби таҳдидларга жавоб бериш учун қуйидаги **VUCA-маданият тамойилларини илгари суриш мумкин:**

- стратегик менежмент;
- инновацион тафаккур;
- риск-менежмент (таваккал қилишни бошқариш);
- ўзгаришларга очиқлик;
- корпоратив таълим;
- университет 4.0.;
- тез қарор қабул қилиш;
- самарали мулоқот;
- коллаборация;

- нетворкинг.

VUCA-дунёда яшаш ва самарали фаолият олиб бориш, ҳаёт шиддати, динамикаси, суръатига мос бўлиш учун шахсда ўзгаришларни бошқариш; низоларни бошқариш; эмоционал интеллект; танқидий тафаккур; soft skills; ахборотни излаш, қайта ишлаш, яратиш, етказиш, узатиш, амалда қўллаш кўникмалари; lifelong learning, кросс-маданий сенситивлик; гендер сенситивлик; мослашувчанлик; креативлик; эмпатия; коммуникатив кўникмалар; билимлар генерацияси, ўз компетенциялари доирасидан чиқиш каби VUCA-кўникмаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги англашилади. VUCA-дунё муҳитида хаотик жараёнлар, инқирозли вазиятлардан тезроқ чиқиш учун қайси стратегик йўналишларга эътибор қаратиш кераклигини аниқлаш керак. Кўриниб турибдики, юмшоқ кўникмалар VUCA-дунёда муҳим роль ўйнайди. Масалан, LinkedIn томонидан ўтказилган сўровларда респондентларнинг 92%и юмшоқ кўникмаларнинг (soft skills) муҳимлигини эътироф этган.

Анъанавий таълим билимларнинг мунтазам эскириши ва амалий кўникмаларнинг ривожланмаганлиги боис битирувчига муваффақиятли ва самарали касбий фаолият олиб бориш учун кафолат бермайди. “Билимга асосланган жамият” ни шакллантириш истиқболлари ҳақида фикр юритганда, доимий равишда ошиб бораётган “хавфлар”ни (Manufactured Risks) ҳам ёдда тутиш зарур[62]. Хусусан, Г. Маклюэн огоҳлантирган ахборот оқимини тўлиқ назорат қилиш хавфи, новалид ахборот яратиш, ахборотни фильтрлаш, ўзгартириш ва ҳ.

Дунёнинг янги талаблари анъанавий таълим моделининг билим беришга йўналтирилган парадигмасидан компетенциявий таълим контекстида **Lifelong learning**-“ҳаёт давомида таълим” парадигмасига ўтишни тақозо этади. LLL барча ёшдаги инсонлар учун самарали, хусусан, янги авлод ўзгаришларга катта авлоддан

---

[62] Гидденс А. Хавф ва масъулият // Замонавий қонун рев. - Оксфорд, 1999. - Вол. 62, № 1. - С. 4.

кўра кўпроқ очиқликни ва тайёрликни намоён этишини эътироф этиш лозим. Меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мослашиш, технологияларни ўзлаштириш, янги кўникмаларга эга бўлиш учун LLLнинг формал, норасмий ва информал шаклларидан (таълим муассасалари, стажировка, тренинг, академик мобиллик, корпоратив таълим, тимбилдинг, онлайн-курслар) самарали фойдаланиш зарур. Ҳаёт давомида таълим марказларини ташкил этиш, халқаро ҳамкорлик, ўқитувчиларнинг касбий малакасини ошириш, технологияларни ўзлаштиришга эътибор қаратиш лозим. McKinsey тадқиқотларига кўра, 2030 йилга бориб технологияларнинг мислсиз тараққиёти туфайли дунёдаги ишчи кучининг қарийб 15%и ўз иш ўринларини йўқотиши эҳтимоли бор. Сколково стратегик ташаббуслар агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, кейинги 20-30 йилда 60 та касб тури (менежер, логист, администратор, юрист, ҳайдовчи, диспетчер, оператор, иқтисодчи, кассир ва ҳ.к) йўқолиш арафасида турибди. Замонавий шахс ҳаёти давомида ўртача 5-7 турдаги фаолиятни ўзгартиради, бир соҳадан бошқасига ўтади, ўзи учун мутлақо янги касбларни ва кўникмаларни эгаллайди. Бу уларга VUCA-дунёда мослашишга, самарали фаолият олиб боришга имкон беради. Хусусан, яқин-яқингача блокчейн-технологиялар ҳақида иқтисод, банк-молия соҳасидаги олий таълим муассасаларининг талабалари ҳам билмаган, негаки амалдаги ўқув дастурларида бу мавзу акс этмаган. Бугунги кунда *блокчейн-технологиялар, криптовалюта, инфлюенсер, биткоин, майнинг, Ethereum, Smart Contrast* ижтимоий воқеликнинг реал ҳодисасига айланди.

Таълимнинг шахс ва жамиятни ривожлантиришдаги муҳим ролини эътироф этиб, уни дунёдаги глобал муаммолар, инсоният ривожланишининг тамаддун учун самарали шаклларини ўрнатишнинг асосий воситаларидан эканини таъкидлаб ўтиш зарур. XXI асрда юз бераётган ижтимоий жараёнлар, бартараф этиш зарур бўлган глобал ва локал зиддиятлар (анъаналар ва

замонавийлик, билимларнинг чексиз кенгайиши ва уларни ўзлаштириш учун чекланган ижтимоий имкониятлар, маънавий ва моддий зиддиятлар, маданий тизимларнинг хилма-хиллиги) шароитида ҳамкорлик ва демократик идеалларни қайта яратиш умумбашарий муаммо бўлиб қолмоқда.

Бундай шароитда ҳаёт давомида таълим XXI аср муаммоларини ҳал қилишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Таълим ўзгарувчан дунё шароитида барқарор ривожланиш, таҳдидларга тайёрлик, локал ва глобал манфаатлар, ижтимоий ҳамкорлик ва кооперация, жамиятнинг демократлашуви, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштироки, билимга асосланган жамиятда таълим, инсон ресурсларини ривожлантириш, меҳнатни ташкил этишнинг янгича шароитлари, шахснинг ижодий ва касбий салоҳиятини намоён этиш, гендер тенглиги, биргаликда яшашни ўрганиш, инсоният тараққиёти йўлида самарали ҳамкорлик каби муаммоларни ҳал этиши зарур. Шу сабабларга кўра ҳаёт давомида таълим концепцияси ўзининг вақт ва маконда эгилувчанлиги, хилма-хиллиги ва қулайлиги билан шахснинг билим ва кўникмаларининг доимий ривожланиши, жамиятдаги ижтимоий ролини бажаришга имкон беради.

Европа Комиссиясининг собиқ Президенти, сиёсат арбоби **Жак Люсьен Жан Делор** (фр. Jacques Lucien Jean Delors) бошчилигидаги XXI аср учун Халқаро таълим бўйича комиссиянинг “**Learning: the Treasure Within**” (таълим: яширин хазина) номли ҳисоботида XXI аср таълими тўртта базавий тамойиллар – *биргаликда яшашни ўрганиш, билишни ўрганиш, бажаришни ўрганиш ва ўрганишга* асосланиши лозимлиги таъкидланади. Бу келажакда инсоният олдида турган хатар ва муаммоларни биргаликда таҳлил қилиш бўйича ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, низоларни оқилона ва тинч йўл билан ҳал қилиш, миллий-маданий тарих, урф-одатлар ва менталитетни ўрганиш орқали биргаликда яшашни ўрганиш;

ижтимоий тараққиёт, иқтисодий фаолиятнинг янги шакллари билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касбини такомиллаштириш ва кенг компетенцияни эгаллаш учун билим олишни ўрганиш кабилардир. Ҳар бир инсонда яширинган ҳар қандай истеъдодни талабсиз қолдирмаслик, хотира, фикрлаш қобилияти, тасаввур қобилияти, жисмоний қобилият, эстетик туйғу, бошқалар билан мулоқот қилиш қобилияти, билимларни яратиш ва улардан фойдаланиш асосида таълим жамиятини яратиш кабилар келажак жамиятларининг тараққиётини белгилайди.

Ахборот ва билимлар жамияти дискурсида ўқув жараёнида ҳар ким маълумотдан фойдаланиш, уни тўплаш, танлаш, тартибга солиш, бошқариш ва ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Таълимнинг диверсификациясини амалга ошириб, жамият ва иқтисодиётнинг имманент эҳтиёжларига мос келадиган таълим контентини ишлаб чиқиш, меҳнат бозори ва иш ўринлари орасида мувофиқликни таъминлаш, интеллектуал салоҳиятни ошириш, универсал қадриятлар ва маданий меросни сақлаб қолишнинг гаранти сифатида метадисциплинаризм, хусусий компетенция-ларни ривожлантириш, халқаро ҳамжамият, маҳаллий ижтимоий институтлар, таълим муассасалари, ота-оналар, педагоглар коллаборациясига асосланган конструктив ижтимоий муҳитни яратиш зарур.

Технологик тараққиёт контекстида умуминсоний тамаддун-нинг ҳаётийлиги, ижтимоий тизимларнинг ташқи ва ички бар-қарорлиги (External Sustainability, Internal Sustainability), ижтимоий институтларнинг (таълим, маданият, оила) яшовчанлиги, жамият ва шахс фаолиятига оид паттернлар (мулоқот акти, хатти-ҳаракат, маданий регулятор) ҳамда барча шаклдаги таълим дастурларининг самарадорлигини таъминлашда ахборот ва билимлар жамиятининг ушбу концептуал хусусиятларидан келиб чиқиш зарур.

# АХБОРОТ ВА БИЛИМЛАР ЖАМИЯТИДА ШАХС ИЖТИМОИЙЛАШУВИ

***O tempora, o mores!***
Лотин афоризми

XXI асрда жамият ва шахс экзистенциал-трансформацион жараёнларни бошидан кечирмоқда. Рақамли технологиялар дунёнинг концептуал хусусиятини, шахснинг хатти-ҳаракат стратегиясини, тафаккур тарзини ўзгартириб, янги сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий воқеликни шакллантирмоқда. Ахборот оқими ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисмига айланди. Антик даврнинг улуғ донишманди **Конфуцийнинг** "Яратувчи сизларга ўтиш-ўзгаришлар даврида яшашни кўрсатмасин" деган сўзлари бугунги кунга мутаносиб жаранглайди. Бугун IT-технологияларнинг жамият ҳаётига таъсирини барча соҳаларда кузатиш мумкин. Виртуал кибермакон реал воқелик мақомини олди. Виртуал-рақамли дунё ва умуминсоний турмуш тарзи, экзистенциал (лот. existentia – мавжудлик), яъни инсоният мавжудлигининг мутлақ ўзига хослигини биринчи ўринга олиб чиқувчи қадриятлар тизими ўртасида коллизия (ихтилоф) вужудга келди. Махсус тафаккур йўналиши сифатида экзистенциализмнинг келиб чиқиши даниялик мутафаккир **Сёрен Кьеркегор** (Soren Kierkegaard) таълимотида акс этган. Кьеркегор "борлиқ-тизим" дуализми, антитезаси назариясини яратар экан, инсон мавжудлиги ва ташқи борлиқ ўртасидаги муносабатда абстракциялар мавжудлиги, шахсни ўзини ўзи англаши жараёнини илмий методлар билан тадқиқ этиб бўлмаслиги ҳақидаги тезисни илгари сурган[63].

Шахс XXI асрда шаклан ва мазмунан янги глобал ҳамжамият иштирокчисига айланди. Замонавий дунё вакили беқарор

[63] Кьеркегор С. Заключительное ненаучное послесловие к «Философским крохам» // Логос. – 1997. – № 10. – С. 139–147.

тизимларда, олдиндан айтиб бўлмайдиган ўзгаришлар (ахборот оқими, даврнинг шиддати, ўзгаришлар суръати, жараёнлар динамикаси) шароитида фаолият олиб бормоқда. Давомийлиги мавҳум, оқибатларини олдиндан прогностик таҳлил қилиш ва керакли ҳаракатларни режалаштириш учун маълумот етишмаслиги кўринишидаги ўзгарувчан бозор шароитларда корхона ва компаниялар ҳам фаолият юритмоқда. Экспоненциаллик, кўплаб ўзаро боғлиқ тизимлар, тармоқлар, элементлар конвергенцияси, ахборот ҳажмининг чексиз катта миқдори каби кўплаб омиллар қарор қабул қилиш ва режалаштириш жараёнини кескин даражада мураккаблаштиради.

Ўзгарувчанлик, беқарорлик, ноаниқлик, мураккаблик дунёсида шахс ижтимоийлашуви муаммолари алоҳида аҳамият касб этади.

**Шахс** (лот. “persona”) ижтимоий фанларнинг базавий категорияси бўлиб, барқарор индивидуал аҳамиятга эга хусусиятлар мажмуи сифатида индивиднинг ижтимоий табиатини акс эттиради. Ижтимоий фаолият субъекти сифатида шахснинг хусусиятлари жамият ҳаётининг ўзига хос маданий-тарихий шароитлари билан белгиланади. Шахсни фарқловчи муҳим атрибутлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: *эркинлик, автономлик, онглилик, ирода, темперамент, эмоция, феъл-атвор, туйғулар, уникаллик (шахснинг ўзига хослиги), ахлоқий қадриятлар тизими* ва б. Шахс муаммоси мураккаб поликонтекстуал характерга эгалиги туфайли унинг ягона таърифи мавжуд эмас. Мазкур дефиниция фалсафа, социология, психология, акмеология, педагогика каби соҳаларнинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Биргина социологияда шахс тушунчасига нисбатан қатор ёндашувлар мавжуд (М.Вебер, Ж.Г.Мид, Э.Фромм, М.Коул). Социолог, педагог, антрополог **Игорь Кон** ўзининг “Шахс социологияси” номли тадқиқотида шахсни индивидуал фаолият ва

ижтимоий роллар мажмуи, меҳнат, билим ва мулоқот субъекти сифатида қарашни таклиф этади[64].

Тадқиқот муаллифи мазкур тушунчанинг семантик майдонини аниқлашда қуйидаги дефиницияларга таянади: “*Шахс-бу индивиднинг биологик, шахсий, субъектив ва ижтимоий табиатини (онг, билим, кўникма, тажриба, қадриятлар тизими, дунёқараш ва б.) акс эттирадиган, уни ижтимоий-маданий ҳаётнинг субъекти сифатида тавсифлайдиган, муайян жамият аъзоси сифатида ижтимоий муносабатлар, мулоқот ва объектив фаолият контекстида ўзини намоён қиладиган барқарор ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятлар тизими*”.

Замонавий дунёнинг ривожланиш хусусиятларига детерминант тарзда шахснинг дунёқараши, оламни англаш, ҳис этиш, идрок қилиш, фикрлаш каби когнитив қобилиятлари ўзгариб бормоқда. Замонавий авлодга таъриф берилганда *alpha-generation, милленниаллар (millennials), центениаллар, Z-авлод, Y-авлод, homelanders, homeland generation, zoomers, new silent generation, next-авлод, виртуал авлод, милленитлар, эхо-бумерлар* каби тушунчалардан фойдаланилмоқда. Тадқиқотчилар **Нэйл Хоу** (Neil Howe) ва **Уильям Штраусс** (William Strauss) томонидан тавсифланган авлодлар назариясига кўра, авлодлар ҳар 20-25 йилда бир-бирини алмаштиради ҳамда ижтимоий авлод қуйидаги умумий мезонга эга бўлган индивидларнинг маълум гуруҳидан иборатдир: ёши, тахминан бир хил тарихий воқеаларни тахминан бир хил ёшда бошдан кечириши, ягона эътиқодлар, умумий хулқ-атвор намуналари ва мазкур авлодга мансублик ҳисси[65]. Тадқиқотчиларнинг тезисига кўра, милленниаллар ҳар қандай вазиятда жуда тез қарор қабул қиладилар, чунки улар бошқа имконият пайдо бўлмаслигидан қўрқадилар. Ушбу усул ўзгаришларга чидамлиликни, кутилмаган қийинчиликларга жавоб

---

[64] И. С. Кон. Шахс социологияси. Политиздат. 1997. - 383. - 41 б.

[65] Howe, Neil; Strauss, William (1991). Generations: The History of America’s Future, 1584 to 2069. New York: William Morrow & Company. ISBN 978-0-688-11912-6.

бериш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради, аммо бошқа томондан, қарор қабул қилишнинг юқори тезлиги кўпинча вазиятни тўлиқ баҳолашга имкон бермайди ва қарорларнинг сифатига салбий таъсир қилади.

Таъкидлаш жоизки, тез ўзгарувчан **VUCA-дунё** контекстида Интернет ва виртуал воқелик таъсирида улғайган мазкур авлоднинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

-*ахборот технологияларисиз ҳаётини тасаввур қила олмаслик;*

-*жуда тез қарор қабул қилиш;*

-*истеъмол (консумеризация) культи;*

-*тез юқори натижаларга эришиш истаги;*

-*социопатия (ижтимоий мулоқотдан қўрқиш);*

-*ўзини ташқи муҳитдан ҳимоя қилиш, виртуал воқеликда паноҳ топишга мойиллик;*

-*ўйинлар форматида ўрганиш;*

-*мураккаб жумлалар қуриш қобилиятининг пастлиги;*

-*омма олдида гапиришга қодир эмаслик.*

Эндигина шакллана бошлаган Z-авлоднинг хусусиятлари ва хулқ-атвор стереотиплари ҳақида гапириш мураккаб, негаки бу авлод вакилларининг қадриятлар тизими шаклланиш босқичида турибди. Айтиш керакки, авлодлар назарияси, авлодларнинг хулқ-атвор паттернларини ўрганиш замонавий педагогика, социология, психология, таълим менежменти учун жуда долзарб йўналиш бўлиб қолмоқда. Унинг асосида жамият тараққиёти тенденцияларини кузатиш, келажакда ижтимоий-иқтисодий муҳитда содир бўладиган эҳтимолли жараёнларни форсайт-таҳлил қилиш мумкин.

Ижтимоий-тадрижий, чизиқли тамаддун контекстида авлодларнинг ижтимоийлашуви катта авлод тажрибасини ўзлаштиришига узвий боғлиқ ҳисобланган. Замонавий рақамли дунё

дискурси, дигитализация ва виртуаллашув, технологияларнинг экспоненциал ривожи дунёқараш, ҳаётий позиция, эстетик дид ва қадриятлар тизими билан боғлиқ “авлодлараро узилиш”ни вужудга келтирди. Тадқиқотчилар томонидан авлодлар ўртасида нуқтаи назарлар, ҳаётий қарашлар, қизиқишлар борасида кескин фарқлар қайд этилмоқда. Полинезия оролларида истиқомат қилувчи болаларнинг ижтимоийлашувини ўрганган америкалик антрополог, социолог, этнопсихолог **Маргарет Мид** (Margaret Mead) қуйидагича таъкидлайди: “*Асрлар давомида болалар ўз ота-оналаридан ўрганганлар ва бу ижтимоийлашувнинг табиий йўли эди, агар сиз яхши бола бўлсангиз, ота-боболарингиз тажрибасидан ўрганишингиз керак эди*”[66]. Немис социологи, билимлар социологияси назарияси асосчиси **Карл Маннгейм** (Karl Mannheim) шахснинг ижтимоийлашуви катта авлод ва ижтимоий институтлар таъсирида юз беришини таъкидлайди[67]. Рус социологи **Владимир Пашинский** авлодларнинг ижтимоийлашув жараёни ҳақида сўз юритар экан, қуйидаги тезисни илгари суради: “*Ижтимоийлашув жараёни икки авлоднинг ўзаро таъсирини ўз ичига олади - доминант ва шаклланаётган авлод. Авлодлараро муносабатларда икки авлод вакиллари мақсадлар ва қадриятлар тизимига мос келадиган икки турдаги рационал хатти-ҳаракатларни намойиш этади. Бу фарқ авлодлар ўртасидаги ихтилофнинг сабаби бўлиб, инсоният маданияти ривожи учун кенг турдаги таъсирга эга*”[68].

Замонавий жамият ҳаётининг кейинги хусусияти - бу аномия[69], яқин вақтгача деярли ўзгармас бўлиб туюлган қадриятлар

---

[66] Мид М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями// Мид М. Культура и мир детства. М.: Наука, 1988. С 322-357.

[67] Мангейм К. Проблема поколений // Мангейм К. Очерки социологии знания: Проблема поколений — состязательность — экономические амбиции / Пер. с нем. Е.Я. Додина; Отв. ред. Л.В. Скворцов. М.: ИНИОН РАН, 2000. С. 8–63.

[68] Пашинский В.М. Модель регулярной поколенческой динамики // Ученые записки Российского государственного социального университета. М.: МГСУ, 2009. № 2. С. 41–47.

[69] Аномия (франц. anomie – меъёрсизлик, деморализация) - жамиятнинг ҳолатини ифодаловчи фалсафий-социологик тушунча бўлиб, ижтимоий-ахлоқий императивлар ва шахслараро муносабатларни тартибга

тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга интилиш, бунинг оқибатида миллий маданиятларнинг парчаланиши, авлодлар давомийлигининг бузилиши, оилавий урф-одатлар ва қадриятлар аҳамиятининг пасайишидир. Британиялик социолог, Лидс университети (University of Leeds) профессори, социология соҳасида Амальфи мукофоти соҳиби **Зигмунт Бауман** (Zygmunt Bauman) "Индивидуаллашган жамият" асарида техноген тамаддун дискурсида шахс ижтимоийлигини йўқотганлиги, инсонлар ўртасидаги анъанавий алоқалар унутилиб кетаётгани ҳақида муайян скептицизм билан ёзади[70]. Бауманнинг уқтиришича, ахлоқ меъёрий императив сифатида қадриятларни қайта кўриб чиқиш жараёнида биринчи қурбонлардан биридир. Ахлоқий кўрсатмаларнинг йўқолиши яқин вақтгача, шубҳасиз, юксак деб тан олинган мақсадларнинг ҳаётий маъно ва аҳамиятининг заифлашиши ва йўқолишига олиб келади. Истеъмол жамиятида, масалан, ҳар доим меҳнат ва қунт натижасида эришиладиган шуҳрат таниқлилик билан алмаштирилади, истеъмол муносабатлари шаклланади.

Замонавийликни ўзлаштиришдаги шахсий ва когнитив тафовут шундаки, замонавий шахс муқаррар равишда унинг кундалик ҳаёти суръатига мос келмайдиган воқеликка рўпара бўлади. Замонавий тамаддуннинг эҳтимолий полифуркацияси, синергетика муаммоларини тадқиқ қилган россиялик олим, профессор **Акоп Назаретян** технологик салоҳиятнинг ўсиши жамиятни табиий ва геосиёсий муҳитнинг ўз-ўзидан тебранишларига нисбатан заифроқ қилади, раҳбарларнинг импульсив қарорларига – агар технологиянинг кучи маданий регуляторлар билан қопланмаган тақдирда – кўпроқ заифроқ қилади, деган тезисни илгари суради. Янги технологиялар эски маданий чекловларга мос келмаслиги туфайли ҳамма нарсага қодирлик

---

солувчи қоидаларнинг беқарорлиги, ижтимоий институтларнинг тартибсизлиги, инсон фаолияти шартларининг ноаниқлиги, ижтимоий меъёрлар ва маданий тизимларнинг бузилиши билан тавсифланади.

[70] Бауман З. Индивидуализированное общество / Пер. с англ. под ред. В. Л. Иноземцева; Центр исследований постиндустриального общества, журнал «Свободная мысль». — М.: Логос, 2002.

ҳисси кучаяди, эҳтиёжлар ва амбициялар ўсади[71]. "Замонавий шахс синдроми" - вақт билан диссонанслик синдроми, ҳозирги замоннинг ноаниқлиги ва чексизлиги синдроми – "ночизиқли ривожланиш" қўрқувидан қолишмайдиган таъсирларни келтириб чиқаради"[72].

Ушбу ўринда рақамли технологияларнинг ижтимоий оқибатлари хусусида ҳам сўз юритиш ўринли. Бир томондан, улар инсоният тамаддуни учун улкан имкониятлар очса, иккинчи томондан, ижтимоий муносабатлар шароитида юзага келаётган салбий оқибатлардан кўз юмиб бўлмайди. Замонавий жамиятга хос бўлган тенденция сифатида ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган янги технологиялардан фойдаланиш ва рақобат шароитида юзага келадиган технострессдир. Рақамли иқтисоднинг мифологемаси сифатида **техностресс** атамасини амалиётга киритган тадқиқотчи **Крейг Брод** (Craig Broad) уни янги технологияларига дош бера олмаслик натижасида келиб чиқадиган шахснинг мослашиш синдроми, технологиядан фойдаланиш билан боғлиқ салбий психологик ҳолат сифатида таърифлайди. Бундан ташқари, техностресс кўпинча иш жойидаги технология талаблари ва ресурслари ўртасидаги диссонанс (номувофиқлик) туфайли юзага келади. Бу жараён технологик жараёнларнинг суръати, технологиялар доирасида стандартларнинг йўқлиги, ташвиш ҳисси, ақлий чарчоқ, технологияга шубҳа билан қараш каби салбий психологик тажрибалар билан боғлиқ[73].

---

71 Назаретян А. П. Нелинейное будущее: сингулярность XXI века как элемент мегаистории. / Век глобализации. 2015 г. №6. с. 18–34. – 24 б.

72 Назаретян, Акоп. Нелинейное будущее. Мегаистория, синергетика, культурная антропология и психология в глобальном прогнозировании. 4-е изд. М.: Аргамак—Медиа, 2017.

73 Wang, K. Technostress under different organizational environments: an empirical investigation / K. Wang, Q. Shu, Q. Tu // Computers in Human Behavior, 2008. – Vol. 24. № 6. – P.3002-3013.

## АХБОРОТ ВА БИЛИМЛАР ЖАМИЯТИ КОНТЕКСТИДА ТАЪЛИМНИНГ МУҲИМ ИМПЕРАТИВЛАРИ

**Цивилизациянинг буюк вазифаси**
**инсонни фикрлашга ўргатишдан иборат.**
Томас Эдисон

**Барча манфаатлар ичида энг гўзали**
**яхши тарбия олган инсондир.**
Эпиктет

Таълим тизими эволюцион-кумулятив моҳиятга эга бўлиб, инсоният мавжудлигининг ибтидосида авлодларнинг анъанавий тажрибаси ҳамда минг йиллар давомида тўпланган билим ва кашфиётлардан амалий фойдаланиш мақсадида маълумотни тизимлаштириш ва сақлашга эҳтиёж сифатида пайдо бўлди. Таълим ижтимоий институт сифатида ҳозирги кунгача инсониятнинг когнитив тафаккури ва амалий тажрибаси воситасида барча замонларда тўпланган билимларни умумлаштириш билан машғул бўлган ҳамда олам (макрокосм ва микрокосм) яралиши, инсоннинг моҳияти, идеал жамиятни барпо этишга оид фундаментал саволларга жавоб топишга интилган. Таълим узлуксиз жараён бўлиб, унинг асосида нафақат тўпланган билимларни ўрганиш, балки тафаккурни кенгайтириш вазифаси ҳам ётади. Жамият ҳаётининг ўзгариб бориши таълим-тарбияни ҳаракатлантирувчи кучдир, муваффақиятли таълимнинг энг муҳим белгиси эса жамият ва инсоният тараққиёти талабларига жавоб бера олишдир.

Постмодернистик ахборот жамиятига хос бўлган ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши, глобаллашув, экспоненциал ривожланиш, юқори суръатларда ахборот алмашинуви, интеллектуал технологиялар, ахлоқий қадриятларни қайта кўриб чиқишга интилиш, сиёсий ва экологик хатарлар, маънавий таҳдидлар –

учинчи мингйилликнинг ушбу концептуал воқелиги жамият ҳамда таълим олдига янги илмий-назарий вазифаларни қўйди, хусусан, таълим-тарбия методологиясини қайта кўриб чиқишни, таълим парадигмасини ўзгартиришни, барқарор ривожланиш тамойилларига релевант эстетик дунёқарашни шакллантиришни тақозо этди.

Тараққиётнинг ҳозирги даврида инсониятнинг когнитив эгрегорида технократик ёндашув приоритет аҳамият касб этмоқда. Урбанизация, табиатга антропоморф таъсирлар оқибатида Ерда йирик сиёсий, иқтисодий, экологик муаммолар юзага чиқди. Шу билан бирга маънавий хатарлар - альтруизм, гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллектнинг дивергенцияси тилга олинмоқда. XXI аср технологиялари инсон онгини тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлди. Рақамлаштириш ижтимоий реалликнинг универсал демиурги сифатида тавсифланиб, *технологик сингулярлик, рақамли иқтисод, тўртинчи саноат инқилоби, knowledge society, semantic web technologies, network society (тармоқ жамияти), онлайн-жамият, криптовалюта, блокчейн технологиялар, зумерлар, индиго-болалар, виртуал тафаккур, smart home, green values (эко-тафаккур), FinTech, NFT, E-commerce, hackathon, бизнес-акселератор, энвайронментализм, инфлюенсер, CEO, сунъий интеллект* каби тренд ва тушунчалар пайдо бўлмоқда.

Жамият тафаккуридаги ва ижтимоий ҳаётдаги ушбу тенденцияларнинг барчаси таълим-тарбияда устувор этиб гуманистик ғояларни ҳимоя этиш, эзгулик, инсонпарварликка таяниб яшаш, ижтимоий интеллект, экологик маданият, ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш, ўз ҳатти-ҳаракати ва қарорлари учун жавобгарлик ҳиссини шакллантириш вазифасини қўйди. Шу муносабат билан В.Вернадский, В.Бехтерев, А.Маслоу, К.Робинсон, З.Бауман, Н.Хомский каби назариётчиларнинг умумпланетар аҳамиятга молик муаммоларга эътибор, барқарор ривожланиш, антропоцентризм, инсон экологияси, мутахассисларнинг ўз профессионал фаолияти учун ахлоқий жавобгарлик

ҳиссини кучайтириш ҳақидаги гуманистик қарашлари долзарб жаранглайди.

XXI асрнинг глобал ижтимоий хусусиятларига жавоб бера олиши учун таълимнинг концептуал манзараси қандай бўлиши керак? Жамият ривожининг ҳозирги босқичида - техноген тараққиёт, экспоненциализм контекстида ижодий, креатив фикрлайдиган, фан ва ишлаб чиқаришда янги ҳамда ностандарт усулларни топа оладиган, ташаббус кўрсатадиган мутахассисларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Муаммонинг ечими илмий ва ижодий тафаккурини шакллантириш, ижтимоий компетенцияларни муттасил ривожлантириш, узлуксиз таълим олиш масаласига бориб тақалади. «**Lifelong learning**», яъни "ҳаёт давомида таълим" концепциясининг пайдо бўлгани бежиз эмас. Тадқиқотчилар замонавий тараққиёт суръатини экспоненциаллик билан боғлайдилар. "Инсоният геометрик прогрессия билан ифодаланган кўпайиш билан таққосланадиган тезлик билан бутун сайёрани қамраб олиб, мисли кўрилмаган янги геологик куч сифатида бошқа тирик организмлардан узоқлашди. Бизнинг кўзимиз олдида биосфера кескин ўзгариб бормоқда. Ва бу тарзда намоён бўладиган жараёнлар одамнинг иродасига боғлиқ бўлган тасодифий ҳодиса эмас, балки ўз-ўзидан пайдо бўлган табиий жараён, унинг илдизи чуқур бўлганлиги, давомийлиги юз миллионлаб йилларда ҳисоблаб чиқилган эволюция жараёни билан ўлчаниши шубҳасиздир"[74]. Экспертлар илмий тафаккурнинг гуманистик дискурси, атроф-муҳитдан фойдаланишда (биосфера, ноосфера) илмий фикрнинг мисли кўрилмаган гуллаб-яшнаши билан бир қаторда, табиатга нисбатан антигуманистик ёндашув натижасида тамаддун инқирози, инсониятнинг ўз-ўзини йўқ қилиши эҳтимоли, ноосферани яратадиган геологик куч сифатида намоён қиладиган илмий тафаккурнинг геологик жараёнларга зид келадиган

---

[74] В.И. Вернадский. Научная мысль как планетное явление. Отв. ред. А.Л. Яншин. Москва. Наука, 1991. – 7 стр.

натижаларга олиб келиши мумкинлиги муаммоларига эътиборни қаратадилар.

Мос равишда таълим тизими олдида глобаллашаётган дунёнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, жамият ва шахснинг ахлоқий, этник, диний, гендер ва ижтимоий масалаларни англашга эришиш, мазкур тадқиқотнинг олдинги параграфларида таҳлил қилинган ахборот ва билимлар жамияти дефинициялари дискурсида барча ижтимоий муносабатлар ва институтлар трансформацияси шароитида фаолият олиб бориш вазифалари мавжуд.

Таълим тизимидаги ўзгаришлар замонавий жамиятнинг асосий институтларини ўзгартира оладими? Бизнингча, таълимнинг узлуксизлиги парадигмаси, яъни инсон ҳаёти давомида билимларнинг янгиланиши ахборот ва билимлар жамиятининг муҳим дефинициясига айланиши мумкин. Прагматик нуқтаи назардан, узлуксиз таълим, шахсий малака даражасини ошириш, янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш учун зарур бўлган билимларни янгилаш ҳамда компетенцияларни ривожлантиришни назарда тутади. Таълимга бўлган бундай ёндашувнинг мантиқий давоми асосий ва қўшимча таълим ўртасидаги чегарани босқичма-босқич бартараф этиш шаклида амалга оширилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ахборот ва билимлар жамияти шароитида олий маълумот олиш шахснинг муваффақиятли ўзини ўзи англаши учун зарур, аммо етарли бўлмаган шартга айланади. Муаммонинг бундай шаклланиши барча мамлакатлар учун янги, ностандарт вазифаларни қўяди. Бунда маълум бир мамлакатда миллий хусусиятлар асносида таълим тизимининг хусусиятлари ва илмий-технологик фаолиятни ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Барқарор иқтисодий ўсиш ва дунёнинг барча мамлакатлари аҳолисининг турмуш даражасини ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омил “жамиятнинг билим яратиш, ўзгартириш, танлаш, мослашиш, фойда манбасига айланиши” билан кечади.

Айнан таълим инсонларни демократик жамиятда яшаш кўникмалари, сиёсий-ҳуқуқий билимлар билан қуроллантирмоғи, фаол фуқаролик позициясини шакллантирмоғи, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашмоғи, дунёвий онг, миллий ва умуминсоний қадриятларга толерант муносабат, инсон ҳуқуқларига ҳурмат туйғуларини шакллантириши лозим. Шу боис таълимнинг демократлашуви муҳим аҳамият касб этади. Замонавий таълим жараёни (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, корпоратив таълим, малака ошириш, катталар таълими), барча босқичдаги ўқув дастурларининг мазмуни глобаллашган дунё дефиницилари, давлатнинг инновацион ўзгаришлари, жамият-нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига детерминант бўлиши зарур. Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг коллаборацияси катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда мавжуд барча таълим дастурларини ушбу концептуал ғоя ва тамойиллар асосида қайта кўриб чиқишга эҳтиёж бор. Хусусан, замонавий дарсликлар контентида учинчи мингйилликнинг концептуал ижтимоий-маданий воқелиги: глобаллашув, ахборотлашув, экспоненциал ривожланиш, маънавий таҳдидлардан келиб чиқиб қуйидаги мезонлар акс этиши лозим:

- Lifelong learning, умр давомида таълим олиш концепцияси;
- шахсга йўналтирилган ёндашув, феноменга йўналтирилган ёндашув, шахснинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш;
- компетенциявий ёндашув, ижтимоийлашув, ҳаётий компетенцияларни шакллантириш;
- интерфаол ахборот-таълим муҳити, лойиҳалаш ва кейс-технологиялар;
- Web 2.0., Web 3.0 технологиялар, ахборот билан ишлаш кўникмалари;
- Sustainable development (барқарор ривожланиш), эко-тафаккур;
- шахснинг маънавий-ахлоқий камолоти;

-Global citizenship (глобал тафаккур), демократик тафаккур, ҳуқуқий онг, умумпланетар муаммоларга дахлдорлик ҳисси.

Давлат ва жамият тараққиётининг барқарорлигини таъминлайдиган инновацион ривожланиш моделига мос прагматик йўналтирилган таълим контентини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Инновацион иқтисодиётнинг асосий хусусияти шундаки, у ҳар доим ва ҳамма жойда шахсдан компетенциялар, ижодий энергия ва ишбилармонликни талаб этади. Нафақат муайян инфратузилма ва молиявий ресурсларнинг мавжудлиги, балки билимлар ҳамда инсон капиталининг сифати инновацион иқтисодиётни барпо этишдаги муваффақиятини белгилайди. Инновацион иқтисодиёт давлат, бизнес, илмий ташкилотлар ва ўқув муассасалари, илмий ғоялар, интеллектуал мулк, молиявий ресурсларнинг мураккаб циклини ўз ичига олади. Шу билан бирга, максимал самарадорликка фақат инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқаришга асосланган корхоналар, компанияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча манбалар мавжуд бўлган ва ўзини ўзи ташкил этадиган инновацион экотизим пайдо бўлганда эришилади. Бундай экотизимнинг асосий омили инсон капиталидир. Шунинг учун “**Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси**”да мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш стратегиясига фан, таълим, технология ва инновациялар соҳасидаги инсон ресурсларини ривожлантириш киради[75]. Мазкур стратегияда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва унинг янги технологик ривожланишга ўтиш жараёни дунё товар ва молия бозорларида, рақамли технологияларни жорий этиш соҳасида ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, ўсиб бораётган муаммоларини ҳал қилиш усулларида тобора рақобатнинг тобора кучайишига олиб келаётгани, ушбу масалаларнинг асосий ечими илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш,

[75] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармони. https://lex.uz/docs/5073447.

тўртинчи саноат инқилоби даврида халқаро рақобатбардошликка эришиш, тўпланган институционал муаммоларнинг янги ечимларини излаб топиш, шунингдек глобаллашув туфайли юзага келаётган баҳсли масалаларни ҳал қилишдан иборат бўлиши, хусусан, соҳада илмий кадрлар тайёрлаш, илмий изланишларнинг илғор даражасини таъминлашга қодир малакали кадрлар билан таъминланган янги илмий-тадқиқот инфратузилмани шакллантириб бориш масалалари эътироф этилади. Инновацион иқтисодиётнинг асосида малакали, юқори даражада ташаббускор, жамоада ишлашга ва узлуксиз тайёргарликка эга "инновацион одам" туради. Бироқ, инновацион инсон жамиятнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож. Бу ерда гап "ижтимоий лифтлар"нинг, таълим олишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимининг мавжудлиги ҳақида бораяпти.

Албатта, инновацион инсонни шакллантиришда энг катта ҳисса ўзгарувчан экспоненталар асосида ривожланаётган дунё талабларига жавоб берадиган таълим тизимининг ҳиссаси ҳисобланади. Таълим тизими шахсда инновацион фаолият учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Умумий, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва ундан кейинги таълим босқичлари тизимини модернизация қилишнинг таркибий қисми сифатида креатив, танқидий ва эко-тафаккур, soft skills (юмшоқ, мослашувчан кўникмалар) кабиларни доимий ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган замонавий ўқитиш усуллари ва технологияларидан фойдаланишга ўтиш заруриятини қайд этиш лозим. Замонавий таълимга оид социологик тадқиқотларда билимлар жамияти концепциясининг кўп координатали таҳлилини четга суриб, таълим ва педагог компетентлиги, профессиограммада кенгайиб бораётган ижтимоий талабларнинг (андрагог, коуч, тьютор, фасилитатор) ортишини пайқамаслик мумкин эмас.

Замонавий шароитларда таълим изчил экотизимга айланиши мақсадга мувофиқлиги англашилади, унда турли хил таълим элементлари ва рақамли технологиялар имкониятлари бир вақтда мавжуд бўлади. Бунга онлайн курслар, тимбилдинг, форумлар, булутли технологиялар, кенгайтирилган реаллик асосидаги мобил иловалари, подкастлар, ўйинлар ва бошқа кўплаб таълим форматлари кириши мумкин. Янги экотизим эволюцион тарзда пайдо бўлади, янги таълим парадигмаси мавжудни йўқ қилмайди, балки ундан "ўсиб" чиқади ва мавжуд институтларга янги роллар, нарративлар ва "экологик майдон" ни таклиф қилади.

Ижтимоий институт сифатида таълимнинг гуманистик қадриятлари ва методик анъаналарини сақлаш ҳақида сўз кетганда, аввало, таълимнинг ушбу муаммонинг проекциясида базавий функцияларини санаб ўтиш жоиз: 1) таълим замонавий билимлар тизими, таксономияси ва типологиясини тақдим этади; 2) мавжуд билимларнинг ривожланиш эволюцияси ҳақидаги ресурсларни тизимлаштиради; 3) билимларни тақдим этиш ва баҳолашнинг педагогик усулларини ишлаб чиқади. Антик дунё, юнон фалсафасидан бошлаб, билим (**episteme**) ўзига хос концепт сифатида эътиқод ёки фикрдан фарқланиб келинади. Эътиқод ёки фикр субъектив ишончга асосланган бўлса, билим ҳақиқатнинг объектив мазмунига даъво қилади. Тушунтириш, эмпирик ўлчов ва асослилик билимларнинг валидлигининг зарур шартларидир. Билимлар эволюциясида **билимнинг полисемантикаси** назарий тамойилларга (агностик, гносеологик, когнитив, теологик, эмпирик, рационалистик, прагматик, иррационаллик, волюнтаристик, идеалистик, материалистик) мувофиқ белгиланади. Билимнинг педагогик қиёфаси шахс камолоти, ахлоқ ва маърифат масаласига бориб тақалади, бунда билимга нафақат шахс озодлиги, балки эътиқод асосидаги хурофотларни бартараф этиш, табиатнинг ривожланишини тадқиқ қилиш ва жамиятни бошқариш ва ривожлантириш воситаси вазифаси юкланган. Замонавий

дискурсда билим (фан) ишлаб чиқариш билан бир қаторда, уни амалий қўллаш (инновациялар, технологиялар), оммалаштириш ва таъсир қилиш (дидактика, педагогика) салоҳиятига алоҳида аҳамият берилади.

Билим, бир томондан, таълим даражасини баҳолайди ва ўқитишнинг адаптив усулларининг ривожланиш йўналишини белгилайди. Бошқа томондан, таълим олувчиларнинг билим натижаларини сертификатлаш (селектив диагностика) орқали уларни кейинги таълим истиқболларига ёки меҳнат бозорига йўналтиради. Анъанавий жамиятда институционал таълим камдан-кам ҳолларда аниқ компетенцияларни шакллантиришда мақсадли ёрдам беради. Асосан, унинг давомийлиги таълим мақсадлари билан боғлиқ. Бироқ, билимларни ўзлаштириш шахснинг ижтимоийлашуви орқали унинг ҳаётий стратегиясини белгилашга таъсир қилади, бу эса олинган билимлар синови бўлиб, қарорларни танлашга айланади. Билимлар жамияти эса қадриятларнинг ўзгаришига мувофиқ таълим экотизимининг барқарор тенденцияларини белгилайди. Бу вазифа, биринчидан, касбий билимларни назарий моделлаштириш ва эмпирик реконструкция қилиш, иккинчидан, илм-фан ютуқларини таълим мазмунига имплементациясини ўрганиш, учинчидан, билимларни касбий, ҳаётий вазиятларда самарали қўллашни таъминлаш йўналишларида амалга оширилади.

Ривожланаётган билимлар жамиятида интеллектуал элитанинг қадриятлар императивлари билимнинг ўсиб бораётган ролига, интеллектуал ютуқларнинг иқтисодий ва сиёсий ресурсларнинг асосий турига айланишига мос равишда кескин трансформацион ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Постмодерн жамият, урбанизация, глобаллашув муаммоларини тадқиқ этган инглиз социологи, Лондон сиёсий фанлар ва иқтисод мактаби фахрий профессори **Энтони Гидденс** (Anthony Giddens) ижтимоий ривожланишнинг замонавий босқичини тавсифлаб, уни “когнитив капитализм” деб

атайди. Билимлар жамиятидаги трансформациянинг моҳияти инновацион ривожланишга ўтишдир, унинг манбаи аллақачон ўрнатилган тенденцияларнинг такрорланишига нисбатан илгари ишлатилмаган технологик ва ижтимоий хулқ паттернларининг устуворлиги ҳисобланади. Мақсадга тез эришиш, рақобатбардош даромад олиш, рентабелликни сезиларли даражада ошириш, юқори ноаниқлик шароитида қарорларни қабул қилиш, хатарларни бошқариш (риск-менежмент) билан тавсифланадиган инновацион фаолият ўз таркибида анъанавий ва аллақачон маълум бўлган кўникмалар ва механизмлардан фойдаланиш мумкин, лекин янги комбинацияда, янгича шароитда бутунлай бошқача вазифаларни ҳал қилиш учун йўналтирилади.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, билимлар жамиятида **классик илмий этоснинг** қадриятлари рўйхатини тузиш мумкин: 1. Праксеологизм, фундаментал, назарий билимлар, касбий бэкграунд, эмпирик тажриба асосида олинган натижалар технологик тараққиётга йўналтирилади. 2. Ҳар бир ишлаб чиқилган технология ёки билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган компетенциявий ёндашув. 3. Инновацион ёндашув (янги усул ва ностандарт ечимларни қўллашнинг устуворлиги). 4. Танқидий тафаккур, анъанавий шаклланган моделлар асосида янги натижаларга эришишга, янги тадқиқот соҳаларини ва илмий истиқболларни очишга қаратилган ёндашув. Инновация билимлар жамиятининг барча даражаларида намоён бўлади, бу ҳам билим яратувчисининг (ишлаб чиқарувчи) қадриятлар таксономиясини шакллантиради.

Шундай қилиб, жамиятнинг концептуал муаммоларнинг замонавий таълим маконининг манфаатлари соҳасига кириб келиши тасодифий эмас, балки глобал билимлар жамиятининг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ бўлган чуқур ўзгаришларни кўрсатади. Янги билимларни эгаллашда таълим олишнинг тенглиги ва очиқлиги таълим майдонининг замонавий

институционал тузилишига мос келади. Таълимнинг мотивацион томонига тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, билимлар жамиятида фан ва таълим ижтимоий макон конфигурациясининг умумий тенденциялари билан аниқ белгиланадиган қадриятлар тўпламига бўйсунади.

Тадқиқот муаллифи соҳада мавжуд конструктив илмий ғояларга таяниб, таълим постмодернистик ахборот ва билимлар жамиятида ижтимоий институт сифатида ўз фаолиятида қуйидаги императивларга бўйсунади, деб тахмин қилади: *универсализм, бу фаннинг объектив табиатини таъминлашга қаратилган билимлар мажмуи; ўзгариб, ривожланиб бораётган дунёнинг глобал хусусиятларига релевант илмий-методик ва технологик базис; илмий натижаларни илмий жамоатчилик ва умуман жамиятнинг умумий мулки деб эълон қилган жамоавий эгрегор; танқидий тафаккур, метадисциплинаризм, соҳалар конвергенцияси.*

Мамлакатимизда билимлар жамиятини шакллантиришнинг асосий шарти нафақат хомашё (истеъмолчи) иқтисодиётидан воз кечиш, балки янги технологияларни узлуксиз ўзлаштиришга ва уларни мос равишда ўзгартиришга тайёрлиги билан ажралиб турадиган инновацион тафаккур турини шакллантиришдир. Шубҳасиз, дунёда ҳам, мамлакатимизда ҳам, юқори малакали кадрларга талаб барқарор ўсиб бормоқда. Натижада, инновацион ривожланиш нуқтаи назаридан энг кўп талаб қилинадиган ресурс – зарур малакали кадрлар тайёрлайдиган тизим сифатида фаолият кўрсатадиган миллий таълим тизимининг самарадорлигига тобора кўпроқ талаблар қўйилмоқда. Ишлаб чиқарувчи корхоналар ва компаниялар юқори технологияларга асосланган бизнесни қуришга ҳаракат қилганда, улар учун жиддий муаммо - бу бизнес жараёнларининг таркибий қисми сифатида янги маҳсулотлар ва технологияларни яратиш учун зарур бўлган тадқиқотлар ва ишланмаларга раҳбарлик қиладиган мутахассисларнинг

етишмаслигидир. Бундай мутахассислар фундаментал илмий тайёргарликка ҳамда кенг қамровли бошқарув билимлари ва амалий кўникмаларга, шунингдек, муайян компетенцияларга (ижтимоий интеллект, soft skills) эга бўлиши керак.

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда инновациялар, янги технологиялар муҳим аҳамиятга эга. Рақамли инқилоб ўзининг тезлиги ва мисли кўрилмаган кўлами билан бизнинг ҳаётимизни ва жамиятимизни беқиёс даражада ўзгартирмоқда ҳамда улкан имкониятлар билан бир қаторда улкан хатар ва қийинчиликларни яратмоқда. Бугунги тез ўзгарувчан дунё хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рақамли иқтисодиётнинг умумий манфаат учун ишлашини таъминлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, жамият дуч келиши мумкин бўлган ижтимоий-экологик муаммолар, салбий оқибатларнинг олдини олиш учун жараённи янада самарали бошқариш, форсайт-таҳлилларни амалга ошириш, очиқ ва мослашувчан моделлар орқали рақамли технологияларни ривожлантириш, жамият учун эҳтимолий таҳдидларнинг олдини олиш (меҳнат бозоридаги ўзгаришлар, янги соҳа, тармоқ ва касбларнинг пайдо бўлиши, иш ўринларининг қисқариши), ижтимоий ҳимоя қилишнинг тубдан янги чораларини ишлаб чиқиш, унинг янги имкониятларини яратиш зарур.

Муайян тарихий даврда таълимнинг даражаси, шубҳасиз, мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, мамлакат ривожланишининг иқтисодий моделларига боғлиқ. Ўз олдига жамиятни инновацион ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган мамлакатда бунга эришишнинг ягона йўли бу таълим тизимини ривожлантиришдир. Ижтимоий даврнинг хусусиятлари контекстида таълим тизимини шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, ҳаёт давомида таълим тизимини амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш, анъанавий таълим тизимининг тамойилларини тан олиш ёки инкор этиш, таълимнинг жамият

ҳаётидаги ўрни ва ролини қайта кўриб чиқиш жараёнидан бошланади.

Замонавий жамиятда кечаётган ижтимоий жараёнлар, тенденциялар ва трендларнинг форсайт ва контент-таҳлили таълим тизими трансформацияси, таълимнинг парадигмал модификацияси, таълим контенти ва унинг формал жиҳатларига таъсир кўрсатадиган ўзгаришларнинг асосий омиллари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкинлигини кўрсатади:

1. Умумпланетар омиллар (жаҳондаги сиёсий-иқтисодий вазият, глобаллашув, давлатлараро ҳамкорлик, тарихий пассионарлик, барқарор ривожланиш).
2. Жамиятнинг ижтимоий-экзистенциал дефинициялари (ахборот жамияти, VUKA-дунё).
3. Иқтисодий омиллар (ижтимоий ҳаётни қўллаб-қувватловчи иқтисодий тизим, рақобатбардошлик, маҳсулдорлик, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро муносабатлари, инновацион иқтисод, яшил ва қайта тикланувчи энергия манбалари, иқтисодий инқирозлар).
4. Технологик омиллар (сунъий интеллект, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, рақамли иқтисод).
5. Маънавий-ахлоқий омиллар (қадриятлар тизими трансформацияси, жамиятдаги маънавий муҳит, ахлоқий нормалар).
6. Шахсий омиллар (шахсий камолот, self-мотивация, шахсий, ижодий, касбий амбицияларни рўёбга чиқариш имконияти).
7. Табиий омиллар (биосфера, энвайронментализм (ингл. environment – атроф-муҳит), технологик катаклизмлар).
8. Демографик жараёнлар (умр кўриш давомийлиги, ташқи ва ички миграция).
9. Ижтимоий омиллар (ижтимоий институтлар, оила, маҳалла, ижтимоий стратификация, социумда шахслараро муносабатлар).
10. Илм-фан (илмий тадқиқотлар, инновациялар, технологиялар).

11. Маданий омиллар (жамиятнинг маданият даражаси, ОАВ, субмаданият).

12. Ҳуқуқий омиллар (демократик институтлар, жамоатчилик назорати, гендер тенглиги муаммолари, фуқаролик ташаббуслари, адвокаси).

Ўз навбатида, ижтимоий жараёнлар жамиятнинг умумий ҳолати, таълим тизими, шахслараро муносабатлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий гуруҳларга локал ва глобал миқёсда таъсир қилади.

Глобал дунёнинг концептуал хусусиятларига релевант, ҳаёт давомида таълим парадигмасига таянган, рақамли иқтисодиёт ва билимга асосланган ахборот жамияти талабларига мувофиқ шахснинг муттасил ривожланиши, ижтимоийлашуви ва ўз-ўзини ривожлантиришга кўмаклашувчи, билим ва қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, инновациялар ва технологияларни яратиш ҳамда улардан фойдаланишга имкон берадиган инновацион, креатив тафаккурни шакллантирувчи, таълим олишда тенг имкониятларни тақдим этувчи, барқарор ривожланиш дискурсида фуқароларнинг ижтимоий фаолиятнинг масъулиятли субъекти сифатида зарур бўлган билим ва кўникмаларини такомиллаштирувчи демократик очиқ таълим тизими ахборот ва билимлар жамиятининг базавий талаблари ва мейнстрим нарративларига жавоб бериши мумкин.

# ФАНДА ПАРАДИГМАЛЛИК ҲОДИСАСИ

**Келгусида инсоният муаммоларини ҳал қилиш учун ҳозирда янги таълим парадигмалари керак.**

Global Education Futures

**Ёшларга тўғри таълим бериш Трояни забт этишдан муҳимроқдир.**

Филипп Меланхтон

Илм-фандаги воқеа-ҳодисаларни универсал тушунтириш моделларини яратишга бўлган интилиш ҳар қандай тизимлаштирилган билимлар соҳасига хосдир. **Ибн-Халдун**[76]**, Томас Кун**[77]**, Карл Поппер**[78]**, Имре Лакатос**[79]**, Энтони Гидденс**[80]**, Юрген Хабермас**[81], **Пол Фейерабенд**[82] каби назариётчилар ижтимоий динамиканинг концепцияларини инқилобий қайта кўриб чиқиш босқичлари, тарихий жараёнлар даврийлиги мавжудлигини тахмин қиладилар.

“Парадигма” тушунчаси фалсафа фанига немис позитивизми вакили **Густав фон Бергман** (нем. Gustav von Bergmann) томонидан методологик тадқиқотларнинг баъзи умумий тамойиллари ва стандартларини тавсифлаш мақсадида киритилган. Швейцариялик педагог, социолог, лингвист, семиотика асосчиларидан бири **Фердинанд де Соссюр** (фр. Ferdinand de Saussure) бу атамани тилшуносликда биринчи бўлиб ўхшашликка эга бўлган элементларнинг тизими сифатида муомалага киритган. Эндиликда мазкур дефиниция турли илм-фан соҳаларида қўлланилади

---

[76] Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. http://www.muslimphilosophy.com/ik/Muqaddimah/Table_of_Contents.htm.
[77] Кун, Т. Структура научных революций. М.: ООО «Издательство АСТ», 2003. 365 с. С. 13.
[78] Popper, K. Normal Science and its Dangers // Criticism and the Growth of Knowledge. Cambr., 1970. P. 55–57.
[79] Лакатос, И. Фальсификация и методология научно-исследовательских программ. - М.: Медиум, 1995. – 236.
[80] Гидденс, Э. Ускользающий мир. Как глобализация меняет нашу жизнь. М.: Весь мир, 2004.
[81] Хабермас, Ю. Техника и наука как «идеология» /Пер. с нем. М.Л.Хорькова. М.: Праксис, 2007. – 208 с.
[82] Фейерабенд, Пол. Против метода. Очерк анархистской теории познания / Пер. с англ. А. Л. Никифорова. — М.: АСТ; Хранитель, 2007. — 413 с. ISBN 978-5-17-041128-3.

(фалсафа, социология, маданиятшунослик, тарих, лингвистика, педагогика, андрагогика, сиёсатшунослик, психология ва б.). Хусусан, тилшуносликда парадигма кенг маънода тилнинг умумий хусусиятларга эга бўлган лексик, грамматик, морфологик бирликлари деб тушунилади.

Илмий манбаларда “парадигма” тушунчасига қуйидагича таърифлар берилган:

**Парадигма** (юнон. *παραδειγμα* – андоза, намуна) – 1) Қадимги ва Ўрта асрлар фалсафасида маънавий-руҳий ва реал объектив олам ўртасидаги муносабатни тавсифловчи тушунча; 2) тадқиқот муаммоларини ҳал қилиш учун намуна сифатида қабул қилинган назария (ёки муаммоларни баён қилиш модели)[83].

**Парадигма** (юнон. paradeigma – намуна, мисол) – 1) муайян ғоянинг асосини ташкил этувчи таянч ғоя; 2) муаммони тушунтиришда ва уни ҳал этилишида бошланғич позиция (тушунча, модель); 3) таққослаш ва асослаш учун олинган тарихий мисол[84].

**Парадигма** 1) намуна ёки модель; 2) бирон- бир ҳодисанинг, тизимнинг ижтимоий хусусиятлари тасвирланган тушунчалар тўплами; 3) сиёсий, маданий, маърифий ва бошқа фаолият асосидаги дастлабки базавий тамойиллар мажмуи[85].

**Парадигма** – (юнон. paradeigma - намуна) илмнинг муайян соҳасида шаклланган, муаммоларни тақдим этиш ва ҳал этиш йўлларини белгилайдиган аниқ қоидаларнинг концептуал модели, унинг асосида маълум фаразларнинг априори имконияти баҳоланади[86].

**Парадигма** – фаннинг фалсафий, умумназарий ва метаназарий асослари мажмуи[87].

Антик давр, хусусан, юнон фалсафий тафаккурида (**Платон, Аристотель, Пифагор, Лукреций, Овидий)** ғояларга объектив

---

[83] Философский энциклопедический словарь. М. 1983. С. 477. – 22с.

[84] *Райзберг Б.А. Современный социоэкономический словарь. М., 2012, с. 356.*

[85] Лопухов А.М. Словарь терминов и понятий по обществознанию. 7-е изд. переб. и доп. М., 2013, с. 268.

[86] Кондаков И.М. Психология. Иллюстрированный словарь. // И.М. Кондаков. – 2-е изд. доп. и перераб. – СПб, 2007, с. 411.

[87] Социологический словарь / отв. ред. Г.В. Осипов, Л.Н. Москвичев. М, 2014, с. 326-237.

дунёдаги ҳақиқатда мавжуд нарсаларнинг прототипи, протообрази сифатида қаралиб, мавжуд бўлган ҳамма нарсалар идеал, бирламчи тимсоллар орқали яратилади, дея тавсифланади. Хусусан, Платон “Тимей” номли диалог услубидаги фалсафий трактатида демиург томонидан борлиқни яратишда фойдаланган шакл сифатида кўради. Ғояни парадигма, андоза, модель сифатида талқин қилишдаги ушбу ёндашув неоплатонизм (**Плотин, Плутарх, Гелиодор, Страбон)** ва пифагореизмда **(Парменид, Эмпедокл, Демокрит**) тараққий этди, хусусан, борлиқ бирламчи ва мутлақ Абсолютнинг тимсолида ва шамойилида яратилиши, оламнинг моҳиятини гармония ва сонлар ташкил этиши ҳақидаги таълимотларда, пифагореистик космологияда ҳамда мифологемаларда ўз ифодасини топди. Немис классик идеализмида (**Лейбниц, Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель**) парадигмалликка оид қарашлар табиий жисмларнинг тизимли жойлашуви, экзистенциал тафаккур ҳамда фазовий объектларнинг ташқи ва ички яхлитлиги қонуниятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш контекстида ривожланди. Италиялик файласуф, тарихий фалсафа ва этнопсихология асосчиси **Джамбаттиста Вико** (итал. Giambattista Vico) дунё даврларнинг кетма-кет ўзгаришларида намоён бўлишини, инсониятнинг ривожланиш тарихини циклик кўринишда эканини таъкидлайди ҳамда тамаддунлар тарихини “худолар даври”, “қаҳрамонлар даври” ва “одамлар даври”нинг цикли сифатида тавсифлаган[88].

XX аср Ғарб фалсафий, ижтимоий-маданий тафаккури (Н. Данилевский, П.Сорокин, Л.Гумилёв, О. Шпенглер, А. Тойнби) глобал ва локал тамаддунларнинг социомаданий дефиницияларi, эволюцияси, барқарорлиги, яшаш даври, ҳаётий цикли, тамаддунлар коллизияси ва алмашинувини теологик, метафизик, этник ва позитивистик дунёқараш босқичлари билан боғлайди (масалан, Л. Гумилёвнинг этногенезнинг пассионарлик назарияси)[89].

---

[88] Джамбаттиста Вико. Основания новой науки об общей природе наций. М., Киев, 1994. — 628 с. — ISBN 5-7707-6098-2, ISBN 5-87983-017-9.

[89] Л.Гумилев. Этногенез и биосфера Земли. СПб.: Кристалл, 2001. 642 с. Вехи истории . ISBN 5-306-00157-2.

“Парадигма” атамасининг илм-фан соҳасида кенг қўлланилиши америкалик физик ва файласуф **Томас Сэмуэл Кун** (Thomas Samuel Kuhn) номи билан бевосита боғлиқ. Томас Кун “парадигма” тушунчасини фаннинг метаназарий асосларининг энг муҳим модели деб ҳисоблайди[90]. “Илмий инқилобларнинг тузилиши” номли асарида тадқиқотчи “илмий инқилоблар назарияси” га оид тушунчалар тизимини тавсифлаб, унда энг муҳим ўринни парадигмага ажратади. “*Парадигма деганда, ҳаммага маълум бўлган илмий ютуқларни назарда тутаяпман, улар маълум вақт давомида илмий жамоатчиликка муаммоларни ечиш моделини тақдим этади*”[91]. Куннинг фикрига кўра, илмий инқилоблар олимлар шу пайтгача умумий қабул қилинган парадигма билан изоҳлаб бўлмайдиган ҳодисаларни кашф этганда содир бўлади. Шу туфайли парадигмага нафақат назария, балки яхлит дунёқараш сифатида қараш зарур. Томас Кун парадигманинг камида учта жиҳати мавжудлигини эътироф этади: 1) парадигма - бу табиатнинг рационал тузилиши, дунёқарашнинг энг умумий манзараси; 2) парадигма - бу маълум илмий жамоатчиликни бирлаштирадиган эътиқодлар, қадриятлар, техник воситалар ва бошқалар мажмуини тавсифловчи интизом матрицаси; 3) парадигма - муаммоларни ҳал қилиш учун андоза, шаблон. Тадқиқотчи илмий инқилобларнинг эволюцион ривожланиш жараёни билан боғлиқ равишда парадигманинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва инқирозининг турли босқичларини илмий асослаб берди: 1) парадигманинг олд босқичи - парадигма ўрнатилишидан олдинги давр; 2) парадигма устунлиги босқичи; 3) илмий инқилоб ривожланиши давомида парадигманинг инқироз босқичи, бу унинг ўзгариши, бошқа парадигмага ўтишидан иборат[92]. Венгр тадқиқотчиси, постпозитивизм вакили **Имре Лакатос** (Imre Lakatos) илмий тадқиқот дастурининг мето-

[90] Кун Т. Структура научных революций. М.: ООО «Издательство АСТ», 2003. 365 с. С. 13.
[91] Thomas Kuhn. The structure of scientific revolutions. 2012. 264 pages.
[92] Кун Т. Структура научных революций. М.: ООО «Издательство АСТ», 2003. 365 с. С. 13.

дологиясини ишлаб чиқар экан, илмий дастурни танлаш рационалликка асосланмоғи ҳақидаги фикрни илгари сурди. Лакатос Кун парадигмаси сингари муайян фан соҳасида тадқиқотлар дастурини мантиқий назариядан кўра кенгроқ тушунади. Тадқиқотчининг фикрича, илм-фанни ривожлантириш модели тадқиқот дастурларининг рақобати асосида амалга оширилади. Ҳар қандай тадқиқот дастури қуйидаги элементлардан таркиб топади: 1) тараққиётнинг муайян босқичида инкор этиб бўлмайдиган қонунларни ўз ичига олган фаннинг қаттиқ ўзаги (ядроси); 2) ушбу назарий "ядро"нинг хавфсизлиги ва мустаҳкамлигини таъминлайдиган илмий фаразлар; 3) ижобий ва салбий эвристика (нима қилиш кераклиги, қандай хатолардан қочиш кераклиги ҳақидаги баёнотлар, ишлаб чиқилиши мумкин бўлган янги илмий усуллар ва ҳ.к). Ядро илмий назариянинг марказини ташкил этувчи қоидалар тизимини ифодалайди. Масалан, генетикада ирсий маълумотларнинг ташувчиси сифатидаги генотип ғояси ёки лингвистикада сифат, сон, олмош парадигмаси бундай ядрони ташкил этади. Ижобий эвристика тадқиқот учун муаммоларни аниқлайди, қўллаб-қувватловчи гипотезаларнинг ҳимоя камарини ажратади, аномалияларни олдиндан кўради. Вақт ўтиши билан жамиятнинг ижтимоий-тарихий ривожланишига мос равишда тадқиқот дастурлари ўз тарихий аъмоли (миссия)ни ўтаб бўлади ва янги тадқиқот дастурлари талаб қилинади. "Илмий инқилоблар шундан иборатки, битта тадқиқот дастури босқичма-босқич бошқасининг ўрнини эгаллайди"[93]. XX асрнинг йирик социологларидан бири, Колумбия университети профессори **Роберт Мертон** (Robert Merton) социологик тадқиқотлар ва илмий таҳлилларда парадигмализм феноменининг аҳамиятига эътиборни қаратади[94]. Рус тадқиқотчиси **Н.Н. Ярошенко** томонидан парадигманинг таркибий қисмлари ва мазмунининг таҳлили бўйича Имре Лакатос ғояларига

[93] Лакатос И. Фальсификация и методология научно-исследовательских программ. - М.: Медиум, 1995. - 236.
[94] Мертон Р. К. Социальная теория и социальная структура / Пер. с англ. Е. Н. Егоровой, и др.; науч. ред. З. В. Коганова. — М.: АСТ, Хранитель, 2006. — 873 с.

яқин фикрлар билдирилган: “Узоқ давр мобайнида ҳукмрон бўлган парадигманинг кумулятив элементларини акс эттирадиган “**ирсий ядро”**, кейинчалик наслдан-наслга ўтадиган генотипнинг бир қисмига айланадиган **янги парадигма асослари**, билимлар спиралининг навбатдаги бурилишида алмаштирилиши керак бўлган янги парадигманинг ўтиш қисми”[95]. Немис файласуфи ва социологи, Иоганн Гёте номидаги Франкфурт университети профессори, Макс Планк жамияти қошидаги илмий-техникавий ҳаёт шароитларини тадқиқ қилиш институти директори **Юрген Хабермас** (нем. Jürgen Habermas) илм-фан тараққиёти, технократик тафаккур, илмий рационализм ҳақида сўз юритиб, замонавий илмий-техник тамаддун дискурсида технократик тафаккурнинг шаклланиши баробарида “институционал рамкалар”нинг ўзгаришини таъкидлайди[96]. Рус тадқиқотчиси **Л. А. Микешина** «парадигма» атамасининг икки хусусиятини ажратиб кўрсатади: 1) маълум илмий жамоани бирлаштирадиган, унда ўзига хос дунёқарашни шакллантирадиган фалсафий эътиқод, қадриятлар, услубий воситалар тўплами; 2) ушбу жамоа томонидан муаммолар, вазифалар, “жумбоқлар” ечими сифатида қўлланиладиган намуна[97]. **Н. А. Савотина** парадигманинг қуйидаги талқинларини таклиф қилади:1) парадигма – бу муайян тарихий даврда билимлар тармоғидан қатъи назар, дарсликларда, илмий ишларда қайд этилган ва илмий жамоатчилик томонидан тан олинган илмий дунёқарашнинг бошқа категорияларига нисбатан энг юқори даражадаги муаммоларни ечиш учун намуна сифатида қабул қилинган етакчи назария (асосий ёндашув); 2) парадигма доирасида бир нечта назария ва концепциялар (илмий мақсадлар, қоидалар, постулатлар, қонунлар, гипотезаларни асослаш учун концептлар (тушунчалар) тизими) илгари сурилиши мумкин. Бу ҳолатда парадигма “тушунчалар

[95] Ярошенко Н.Н, Педагогические парадигмы теории социально-культурной деятельности: диссертация доктора педагогических наук: 13.00.05. Москва, 2000. - 32 с.
[96] Хабермас Ю. Техника и наука как «идеология» / Пер. с нем. М.Л. Хорькова. М.: Праксис, 2007. – 208 с. 110 б.
[97] Микешина Л. А., Философские науки: учеб. пособие. М.: 2005. - 353 с.

тизими" вазифасини бажаради; 3)парадигма доирасида қарашларнинг бирлиги билан фарқ қилмайдиган турли парадигматик моделлар ёнма-ён туриши мумкин[98].

Илмий инқилоблар даврида дунё картиналари (масалан, дунёнинг ибтидоий, лисоний, теистик, мифологик картинаси, илмий-фалсафий дунёқараш), қадриятлар тизими, муаммоларни ечиш усуллари билан боғлиқ ихтилофлар асносида **парадигмалар коллизияси** (зиддияти) юзага келади ҳамда парадигмалар алмашинуви содир бўлади. Бошқача қилиб айтганда, парадигма - бу маълум бир даврда ҳукмронлик қиладиган илмий ғоялар ва назариялар тизимидир, у дунёнинг аниқ тасаввурини шакллантиришга ва илмий тафаккурнинг ушбу моделларига таянишга хизмат қилади.

Илмий ҳамжамият томонидан парадигмаларнинг умумий ҳамда турли хил билимлар ва фанларнинг назарий асосларини ташкил этадиган хусусий турларига бўлиниши эътироф этилади. Шу маънода педагогика, шу жумладан, андрагогика фанининг парадигмаларини ихтисослашган парадигмалар турига киритиш мумкин. Илмий парадигма академик соҳадан ташқарида жамиятнинг қолган қисмига таъсир қилиши муқаррарлиги англашилади. Ҳозирги кунда умумий тан олинган билимлар бутун жамиятга таълим тизими ва оммавий ахборот воситалари орқали етказилади. Бу эса жамиятга ижтимоий ҳаётнинг ғоявий, ахлоқий ва амалий-прагматик вазифаларини ҳал қилишга имкон беради. Т. Кун ва унинг апологетлари "илмий цикллар" назариясини асослаб бериш орқали борлиқни илмий англаш муқаррар равишда парадигмалар алмашинувига олиб келишини, ушбу жараён ҳукмрон парадигманинг инқирозидан бошланиб, ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларидаги туб ўзгаришларга ва янгиланишга асосланган янги илмий циклнинг шаклланиши билан кечадиган илмий инқилобни содир этилишига олиб келишини таҳмин қилади. Хусусан, Т. Кун илм-фандаги инқилобларга оид чизиқли

---

[98] Савотина Н. Л., Понятие «парадигма» и его статус в педагогике // Педагогика, 2012, № 10. – 6с.

тасаввурларга қарши чиқди ва ғоялар трансформацияси тажриба ва маълумотлар тўплашнинг тадрижий ривожланиш жараёнидан келиб чиқмаслигини, илмий инқилоблар “нормал фан” дан ташқарида пайдо бўлиши тезисини илгари сурди[99]. Шу ўринда мунозара ўрнида таъкидлаш лозимки, XX асрнинг энг нуфузли олимларидан бири бўлган инглиз социологи ва файласуфи **Карл Раймунд Поппер** (Karl Raimund *Popper)* Куннинг ёндашувини танқид остига олади ва унинг назарияси табиий ва биологик фанларнинг эволюцияси учун яроқсизлигини таъкидлайди. Поппер фанда доимо битта доминант “парадигма” мавжуд деб тахмин қилишни нотўғри деб ҳисоблайди. Ўз фикрининг тасдиғи сифатида Ньютон механикасидан Эйнштейннинг нисбийлик назариясига ўтиш иррационал ҳодиса эмаслигини ва ҳар иккала назариянинг кўплаб кесишиш нуқталарига эга эканлигини келтиради[100].

Янги парадигманинг вужудга келиши илмий ҳамжамият томонидан муайян даврда тан олинган илмий назария рад этилиб, олдингисидан тубдан фарқ қиладиган бошқа бир назария тан олиниши шаклида юз беради. Бу шуни англатадики, илмий инқилоб муқаррар равишда таълим соҳасида ҳам жиддий ўзгаришларга, хусусан, педагогика фани парадигмасининг алмашинувига олиб келади. Илмий инқилобларнинг амалга оширилиши мураккаб ва улкан воқеа, ушбу жараён, аввало, фаннинг назарий-методологик асосларини қайта қуриш (масалан, *Исаак Ньютоннинг механикаси, Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назариясига асосланган релятивизм, технологик сингулярлик, квант чалкашлиги, фундаментал детерминизм - The Theory of Everything*) ва ижтимоий-маданий қадриятларни тубдан ўзгартириш орқали амалга оширилади.

---

[99] Thomas Kuhn. The structure of scientific revolutions. 2012. 265 pages.

[100] Popper K. Normal Science and its Dangers // Criticism and the Growth of Knowledge. Cambr., 1970. P. 55–57.

# ПЕДАГОГИК ПАРАДИГМА

**Scientia est potentia.**
Фрэнсис Бэкон

**Гўё абадий яшайдигандек ўқиб-ўрганмоқ лозим.**
Отто фон Бисмарк

“Парадигма” тушунчаси нисбатан яқинда педагогиканинг назарий-категориал аппаратига “педагогик парадигма”, “таълим парадигмаси” кўринишида киритилди. “Педагогик парадигма” тушунчасининг лингвосемантик майдони (татбиқ этиш чегараси) ни аниқлашда муайян илмий ихтилофлар ва коллизиялар мавжудлиги педагогик назариянинг ушбу муҳим муаммосини ўрганишни зарур ва долзарб қилади.

Педагогикада илмий парадигмалар муаммоси ҳозирги кунгача кўплаб тадқиқотчилар (**А. А. Вербицкий[101], И. А. Колесникова[102], Б. Г. Корнетов[103], В. В. Краевский[104], С. Н. Северин[105], И. Б. Шляхова[106], Н. П. Юдина[107], Н. Н. Ярошенко[108]** ва б.) каби тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборида бўлган. Улар томонидан “педагогик парадигма” мазмуни, таснифи, шаклланиши, унинг ижтимоий императив сифатида базавий концептларига доир турли

---

[101] Вербицкий А. А., Рыбакина Н. А., Методологические основы реализация новой образовательной парадигмы // Педагогика, 2014, — № 2.
[102] Колесникова, И. А. Педагогические цивилизации и их парадигмы [Текст] / И. А. Колесникова // Педагогика. - 1995. - № 6. - С. 38-42.
[103] Корнетов, Г. Б. Парадигмы новых моделей образовательного процесса [Текст] / Г. Б. Корнетов // Педагогика. - 1999. - № 3. - С. 43-49.
[104] Краевский В. В., Парад парадигм (послесловие к статье Н. Л. Коршуновой) / В. В. Краевский // Педагогика. — 2006, -№ 8 13.
[105] Северин С. Н. Парадигмальные трансформации в науке в контексте постнеклассической культуры // Лингвокультурное образование в системе вузовской подготовки специалиста. 2016. т. 1. № 1 (9). с. 90-100.
[106] Шляхова, И. Б. Педагогическая парадигма, теория, проблемы, поиски путей решения / И. Б. Шляхова. Теория и практика образования в современном мире. // Материалы VII Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, июль 2015 г.). Санкт-Петербург: Свое издательство, 2015. - С. 54-64.
[107] Юдина, Н. П. Современные подходы к исследованию историко-педагогического процесса в свете тенденций постнеклассической рациональности. — Хабаровск, 2001. — 110с.
[108]Ярошенко Н.Н, Педагогические парадигмы теории социально-культурной деятельности: диссертация доктора педагогических наук: 13.00.05 Москва, 2000.

тушунчалар ва ёндашувлар илгари сурилади. Замонавий педагогиканинг назарий-концептуал асосларига инсон ва унинг таълим-тарбиясига оид фалсафий, социологик, онтологик, гносеологик, прагматик, экзистенциал билимларнинг категориал ва терминологик аппарати киритилгани боис, педагогик тушунчалар ва тенденциялар таснифлаш ва тизимлаштиришга муҳтож эди. Шу муносабат билан тадқиқотчилар **М. В. Богуславский, А.А. Вербицкий, И. А. Колесникова, Э. А. Ямбур** томонидан педагогик билимларни турли хил педагогик парадигмалар шароитида тизимлаштиришга уринишлар амалга оширилди. Таклиф этилаётган парадигматик тизимлар нафақат педагогик ҳодисаларни ўрганиш учун концептуал моделларни ишлаб чиқиш, балки улар асосида замонавий таълим моделларини лойиҳалашга имкон берди.

Педагогика фанига оид луғатларда "педагогик парадигма" илмий ҳамжамият томонидан педагогик ривожланишнинг муайян босқичида педагогик муаммоларни ҳал қилишда намуна (андоза, модель, стандарт) сифатида қабул қилинган назарий, методологик ва б. установкалар, муайян кўрсатмалар тўплами (регуляторлар) сифатида талқин қилинади[109].

Тадқиқотчи Г. Б. Корнетов педагогик парадигманинг асосини педагогик мақсадлар, уларга эришишда томонларнинг ўзаро муносабати ва позицияси ҳамда эришиладиган натижа ҳисобга олинадиган назарий модель сифатида талқин қилади[110]. Е. А. Слепенкова педагогик парадигма муаммосини ўрганишда парадигмаллик ёндашувига таяниш ҳамда парадигманинг когнитив (фаолият мақсадлари ва уларга эришиш воситалари) ва аксиологик (қадриятлар тизими) компонентларини эътиборга олиш масаласини илгари суради[111]. Педагогикада парадигмаллик

---

[109] Коджаспирова Г. М., Коджаспиров А. Ю. Педагогический словарь. М.: Академия 2000. – 7 с.

[110] Корнетов Г. Б. Парадигмальный подход в истории педагогики: итоги и тенденции // Парадигмальный подход к изучению историко-педагогического процесса: сб. науч. ст. / под ред. Г. Б. Корнетова, В. Г. Безрогова. М., 2005. С. 16–17.

[111] Е. А. Слепенкова. Парадигмальный подход как теоретическая основа исследования отечественного педагогического образования. Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер. 12. Вып. 3. Ч. II. 2009. С. 93-99.

ҳақиқатан ҳам илмий масалани тадқиқ этишнинг прагматик моделини яратади: «Педагогикага оид тадқиқотларнинг универсал тамойил ва ёндашувларга йўналтирилганлигини таъминлайдиган, хусусий назарияларга нисбатан услубий-методологик функцияни бажарадиган умумий ижтимоий-илмий назарияларнинг манбаси сифатида илмий ишларнинг услубий таъминоти таркибига киритилишининг мақсадга мувофиқлиги узоқ вақтдан бери исботланган»[112]. Таълим парадигмаси - 1) муайян тарихий даврда таълим ҳолатининг кенг қамровли формуласи, таълим тизимининг таркибий қисмларининг тузилиши, таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, таълим мақсади, мазмуни, шакллари, усуллари, таълимнинг ҳолатини барча таркибий қисмлар йиғиндиси орқали акс эттирадиган модель, идеал, назарий образ; 2) тарихий даврнинг маълум бир сегментида унинг хусусиятларини таққослаш асносида таълимнинг ривожланиш спецификасини таҳлил қилишга имкон берадиган тадқиқот воситаси[113]. А. А. Вербицкийнинг фикрига кўра, тамаддун тараққиётида таълим парадигмаларининг ўзгариши учта асосий омил таъсирида содир бўлади: 1) фан, ишлаб чиқариш ва жамиятнинг ижтимоий-амалий ривожланишининг юқори даражасига ўтиш; 2) таълим миссиясининг ўзгариши - жамиятда қабул қилинган ижтимоий қадриятлар тизими ва кутувлар билан боғлиқ равишда таълим муассасаси битирувчиси қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоялар; 3) шахснинг таълим орқали камолга етиши қандай қонуниятлар (психологик, психологик-педагогик ва б.) асосида амалга ошишини англаш. Аксарият тадқиқотчилар педагогиканинг амалий муаммоларини ҳал этишда парадигманинг Томас Кун назариясига таянадилар (**В.В.Краевский, Н.А.Коршунова, Л.А.Микешина**); баъзи тадқиқотчилар томонидан “педагогик парадигма”

[112] В.В.Краевский 110, с. 171-179]. Краевский В. В., Общие основы педагогики: учеб. пособие для студ. высш. учеб. пед. заведений, 2- изд, М.: 2006).
[113] Белкин А. С., Ткаченко Е. В. Диссертационный совет по педагогике (опыт, проблем, перспективы) — Екатеринбург: Изд-во УрГПУ, 2005. – 225с.

назариясини конкретлаштириш, унинг семантик чегараларини аниқлашда методологик, онтологик муаммоларига таяниш ёндашуви кузатилади (**Г. Б. Корнетов, Е. В. Ткаченко**).

Соҳага оид илмий тадқиқотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, таълим парадигмасининг педагогика, ижтимоий педагогика, андрагогика ва бошқа турдош фанларнинг бошланғич концептуал асосларини қабул қилиш ўқув-тарбия амалиётини ташкил этишнинг янги моделларини ишлаб чиқиш билан чекланмайди. Янги циклни бошлаш учун мавжуд парадигма ёрдамида ҳал қилиб бўлмайдиган жиддий муаммолар пайдо бўлиши керак. Ижтимоий воқелик ўзгариши билан ҳар қандай парадигма доирасида доминант парадигма доирасида ечиб бўлмайдиган муҳим муаммолар мажмуаси шаклланади ва ушбу муаммолар парадигма алмашинувининг ўзига хос “катализатори” бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, педагогика фанида парадигмаларнинг шаклланиши, ривожланиши ва инқирозининг ижтимоий-тарихий босқичлари билан боғлиқ ҳолда педагогик парадигмаларни таснифлаш зарурияти юзага келиши билан, янги ёндашувлар ва муаммоларнинг пайдо бўлганини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, ҳозирги замон педагогика назариясида “парадигма” тушунчасини таснифлашнинг ўзгарувчан характерга эгалигини кузатиш мумкин. Соҳага оид илмий-тадқиқотларда педагогик парадигмаларнинг қуйидаги типологиялари мавжуд: 1) антик, ўрта асрлар, саноат, постиндустриал, илмий-технократик парадигмалар; 2) теоцентрик, социоцентрик, антропоцентрик парадигмалар; 3) назарий билимлар беришга асосланган (когнитив-ахборот) парадигма, шахсга йўналтирилган культурологик парадигма, компетенциявий (фаолиятга йўналтирилган) парадигма[114].

Ўрганилаётган муаммога оид илмий дунёқараш ва хусусий позицияларни умумлаштирган ҳолда ҳамда муаллифлик нуқтаи

---

114 Суртаев П. Б., Парадигмы педагогической науки и практики: аспекты сосуществования. Спец (13.00.01 — общая педагогика, история педагогики и образования)// Омск, 2006 dslab.net.

назаридан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, **“педагогик парадигма”** *тараққиётнинг маълум бир босқичида, муайян ижтимоий даврда таълим-тарбиянинг концептуал хусусиятлари (таълимнинг илмий-фалсафий, назарий-методологик тамойиллари, категориал аппарат, базавий установкалар, таълим мақсадлари, таълим воситалари, таълим контенти (мазмуни), ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар иерархияси, таксономия, ёндашувлар, педагогик идеаллар, қадриятлар (онтологик, аксиологик) тизими, таълим-тарбия ҳақидаги тушунчалар ва ғоялар, таълим техноло-гиялари, таълим менежменти) ни белгилайдиган педагогик феномен.*

Педагогик парадигма таълим тарихининг маълум бир даврига хос бўлган тафаккур тарзи, дунёқараш сифатида илмий педагогик жамоатчиликка таълим соҳасидаги амалий муаммоларни ҳал қилиш моделини тақдим этувчи, ўзида таълимни ривожлантириш қонуниятларини акс эттирувчи ижтимоий аҳамиятга эга ғоялар ва назарияларнинг барқарор тизими сифатида эътиборга молик. Педагогик парадигмалар моҳиятини таснифлашда ихтилоф ва коллизиялар мавжудлигига қарамасдан унинг структуравий тузилишида умумий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин (1-расм):

*1-расм*

## Педагогик парадигманинг тузилиши

<table>
<tr><td colspan="6">Педагогик парадигма - тараққиётнинг маълум бир босқичида, муайян ижтимоий даврда таълим-тарбиянинг концептуал хусусиятлари (таълимнинг илмий-фалсафий, назарий-методологик тамойиллари, категориал аппарат, базавий установкалар, таълим мақсадлари, таълим воситалари, таълим контенти (мазмуни), ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар иерархияси, таксономия, ёндашувлар, педагогик идеаллар, қадриятлар (онтологик, аксиологик) тизими, таълим-тарбия ҳақидаги тушунчалар ва ғоялар, таълим технологиялари, таълим менежменти) ни белгилайдиган педагогик феномен</td></tr>
<tr><td colspan="6">Назарий блок</td></tr>
<tr><td colspan="6">Узоқ давр мобайнида ҳукмрон бўлган парадигманинг кумулятив элементларини акс эттирадиган “ирсий ядро”</td></tr>
<tr><td colspan="6">Янги парадигма асослари, “институционал рамкалар”, концептуал педагогик ғоя, шаблон</td></tr>
<tr><td>Парадигманинг илмий-фалсафий, назарий-методологик тамойиллари, ахлоқий императивлар</td><td>Илмий-педагогик жамоатчилик томонидан қабул қилинган базавий методологик установкалар мажмуи, ёндашувлар</td><td colspan="2">Муайян давр ва жамият учун хос бўлган педагогик идеаллар, қадриятлар (гносеологик, онтологик, аксиологик) тизими</td><td>Таълим берувчининг фаолият дастури, фасилитация, касбий компетентлик</td><td>Когнитив фаолият субъекти - шахснинг таълимий эҳтиёжлари, ижтимоийлашув</td></tr>
<tr><td colspan="6">Технологик блок</td></tr>
<tr><td>Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги муносабатлар иерархияси, Таксономия</td><td>Категориал аппарат, базавий тушунчалар</td><td>Таълимий мақсадлар (когнитив, прагматик)</td><td>Таълим контенти, ўқув дастурлари</td><td>Таълим технологиялари, фаолиятни моделлаштириш, лойиҳалаштириш, маълумотни кодификацияси</td><td>Билим, кўникма, малака, компетенциялар тизими</td></tr>
<tr><td colspan="6">Таълим менежменти</td></tr>
<tr><td colspan="6">Таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилиш</td></tr>
</table>

Таълим фаолиятининг барча жиҳатларини умумлаштирилиши мумкин бўлган яхлит категория, таълимнинг барча таркибий қисмлари йиғиндисининг ҳолатини акс эттирувчи идеаллаштирилган назарий образ сифатида таълим парадигмаси тараққиётнинг ҳар қандай тарихий-педагогик босқичида таълимнинг ҳолатини идентификациялаш (аниқлаш)га хизмат қилади. Таълим парадигмаси педагогик парадигманинг хусусий предикати (субъекти) ҳамда педагогик воқеликнинг намунаси (андоза, стандарт, модель) сифатида унинг моҳияти, структураси, тизими ҳамда ривожланишининг тарихий босқичларини акс эттиради. Ушбу жараённи муваффақиятли амалга ошириш учун педагогик назарияни амалиёт билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, назарияни амалда тақдим этиш, идеаллаштирилган назарий образни амалий педагогик фаолиятга айлантириш зарур. Ижтимоий институт сифатида таълим сиёсатининг стратегияси, педагогик ҳамжамият томонидан қабул қилинган умумий илмий-назарий қарашлар, ғоялар, кўрсатмалар таълим парадигмасида ўз ифодасини топади.

Ҳар қандай таълим жараёни педагогик фаолиятни тартибга солувчи императивлар, қадриятлар, натижалар, технологик усуллар, стандартларини танлашни белгилайдиган муайян парадигматик қонунларга мувофиқ ташкил этилган ижтимоий-педагогик сатҳ ва макон шароитида ривожланади. Таълим фаолиятини парадигмал даражадаги фаолият усули сифатида тартибга солиш педагогик воқеликнинг кечиктириб бўлмайдиган мақсад ва вазифаларининг муайян контекстини ва уларни ҳал қилиш йўлларини, педагогик фаолият субъектларининг хатти-ҳаракатларининг типологик хусусиятлари ва семантик чегараларини белгилайди, таълим амалиётини қуриш ва ўқитувчининг касбий фаолиятини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, “парадигма” тушунчасининг педагогиканинг муҳим категорияси сифатида тутган ўрни ва аҳамиятини эътироф

этган ҳолда, унинг назарий асосланишини мураккаб ва ҳали ҳам ҳал қилинмаган муаммо эканини таъкидлаш мумкин. Илмий адабиётларда полипарадигмалликни талқин қилишда, кўрсатиб ўтилганидек, жуда кўп қарама-қарши нуқтаи назарлар, позициялар мавжуд, аммо мазкур феноменнинг моҳияти, мазмуни, илмий-назарий таснифи масалалари ҳали етарлича тўлиқ ўрганилмаган. Юқоридагиларга асосланиб, педагогик парадигмалар назариясини ўрганиш тадқиқотчиларнинг энг долзарб вазифаси эканлигини ишонч билан айтиш мумкин. Муаммога оид илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш қуйидаги дефиницияларни констатация қилиш имконини беради: 1) илмий назарияда педагогик парадигмалар моҳияти ва мазмунини белгилашда ноаниқлик ва хилма-хил фикрларнинг кўрсатилиши; 2) педагогик парадигма ва таълим парадигмаси ўртасидаги муносабатларнинг қарама-қарши талқинлари; 3) кўплаб назарий концепцияларда акс этган полипарадигмаллик; 4) илмий парадигмаларнинг лингвосемантик майдонларининг аниқ ажратилмаганлиги; 5) лингвосемантик майдонларнинг ўзаро алоқаларининг илмий-назарий таҳлили мавжуд эмаслиги; 6) парадигмаларни турларга, гуруҳларга таснифлаш муаммоси; 7) ҳозирги кунда тан олинган парадигмаларнинг (билим беришга асосланган, компетенциявий ва ҳ.к) назарий ва технологик таркибий қисмларининг етарлича ўрганилмаганлиги.

Ижтимоий-технологик тараққиётнинг ҳар бир босқичда мавжуд таълим парадигмаси ҳамда энди шаклланаётган таълим парадигмалари ўртасидаги интегратив алоқа доминант парадигма таркибий қисмларининг контентини белгилайди. Таълимнинг методологик, технологик ва услубий асоси ҳамда таълим жараёнининг концептуал қиёфасини белгилайдиган парадигмализм таълим сифатини ошириш, назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муҳим муаммодир.

# 1. “ҲАЁТ ДАВОМИДА ТАЪЛИМ” ПАРАДИГМАСИ

**Хаотик дунёда ягона муҳим компетенция - узлуксиз ўрганишдир.**
Жон Салливан
(Jon Sallivan)

Ҳаёт давомида узлуксиз таълим ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунияти ҳамда таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида замонавий институционал таълим тизимининг ривожланиш давридан олдин ҳам мавжуд бўлган. Узлуксиз таълим, ҳаёт давомида ўқиб-ўрганиш ғоялари **Суқрот, Платон, Аристотель, Птоломей, Гераклит, Тит Лукреций Кар, Зенон, Сенека, Конфуций, Лао Цзы, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Франсуа Вольтер, Иоганн Гёте, Жан Руссо, Ян Коменский** каби мутафаккирларнинг илмий-фалсафий қарашларида келтирилган.

“Ҳаёт давомида таълим” концепциясининг назарий-методологик асослари ва базавий концептлари **Жон Дьюи** (John Dewey), **Паулу Фрейре** (Paulo Freire), **Майкл Хаттон** (Michael Hatton)[115], **Ричард Эдварс** (Richard Edwards)[116], **Питер Саттон** (Peter Sutton)[117] каби тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган. Хусусан, америкалик педагог, социолог, прагматизм оқимининг апологети **Жон Дьюи** ўзининг «Таълим демократияси» номли китобида ҳаёт давомида таълим олишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, унинг тушунчалар тизимига тўхталади ҳамда амалдаги таълим тизимининг демократик давлатнинг талабларига

[115] Hatton M. A pure theory of lifelong learning // Hatton M. (ed.) Lifelong learning: policies, practices and programs. Toronto: APEC, 1997.
[116] Edwards R. Lifelong learning // Field J., Leicester M. (eds.) Lifelong learning: education across the lifespan. London: Routledge, 2000. Pp. 3–11.
[117] Sutton P. Lifelong and continuing education // Husen T., Postlethwaite T. (eds.) The international encyclopedia of education. Vol. 6. Oxford: Elsevier Science Ltd., 1994.

мос келмаслигини таъкидлайди[118]. Фақат ўз локал қадриятларини сақлаб қолишни эмас, балки ўзгаришларни ўзининг идеали сифатида қабул қилган жамиятгина тараққий этиши мумкинлиги ҳақидаги тезисни илгари суради. Демократик жамият ўзининг институтлари ҳамда жамият аъзоларини ўзгарувчан дунёнинг ижтимоий талабларига мослашувини таъминлайди. Бразилиялик педагог **Паулу Фрейре** педагогик жараённинг моҳиятини тадқиқ қилар экан, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат нарративликка асосланганини қайд этади. Ҳикоя қилувчи субъект (ўқитувчи) ва эшитувчи объект (ўқувчи)нинг мавжудлигини назарда тутувчи нарратив педагогиканинг асосий хусусияти маълумотларни етказиш ва уларни механик равишда эслаб қолишдан иборат. Бундай шароитда таълим ахборот депозитларини жойлаштириш актига айланади, бу жараёнда талабалар депозитарийлар бўлиб, ўқитувчилар депозиторлар ролини ўйнайдилар. Мулоқот қилиш ўрнига ўқитувчи маълумот етказади (банкдаги омонат каби), уни талаба сабр-тоқат билан қабул қилади, эслайди ва кўпайтиради. Бу “банк” таълим концепцияси бўлиб, унда ўқувчиларга фақатгина депозитларни қабул қилиш ва сақлашга рухсат берилади. “Маданият ва билимларни сақлаб қолиш” ғоясига асосланган “банк” концепциясининг асосий актори ўқитувчи ҳисобланади. Таълимнинг бундай стационар шакли инсонни бошқариладиган мавжудот сифатида кўриши ажабланарли эмас. Ўқувчиларнинг ижодини чекловли таълимдан фарқли равишда йўналтирувчи таълим маълумот узатиш эмас, балки ўрганиш, танқидий тафаккур (critical thinking) жараёнидан иборат. Вертикал иерархияни инкор этувчи таълим ўқитувчи ва талаба ўртасида умумий масъулиятга асосланган горизонтал мулоқот жараёнидан ҳамда конструктив ҳамкорликдан иборат.

Бундай “банк” йўсинидаги чекловчи таълим дихотомияга асосланган:

---
[118] Дьюи Дж. Демократия и образование: Пер. с англ. М.: Педагогика Пресс, 2000. С. 146.

1. Ўқитувчи дарс беради - ўқувчилар ўрганадилар.

2. Ўқитувчи ҳамма нарсани билади - ўқувчилар ҳеч нарсани билмайди.

3. Ўқитувчи ўйлайди – ўқувчилар учун ҳам.

4. Ўқитувчи гапиради - ўқувчилар тинглайдилар.

5. Ўқитувчи ўқув дастурининг мазмунини белгилайди

- ўқувчилар (улардан ҳеч ким сўрамайди) рози бўладилар.

6. Ўқитувчи интизомни қўллайди – ўқувчилар интизомга бўйсунадилар.

7. Ўқитувчи танлов қилади - ўқувчилар итоат қилади[119].

**Ҳаёт давомида таълим** тушунчаси илк марта 1968 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси материалларида тилга олинган. 1972 йилда Парижда Франциянинг собиқ бош вазири ва таълим вазири **Эдгар Фор** (Edgar Faure) раҳбарлигида Комиссия томонидан тайёрланган ҳисобот нашр қилинди. Ушбу ҳисоботда узлуксизликка асосланган таълим парадигмасининг асосий тамойиллари келтирилган: "*Келажакда бизнинг олдимизда турган кўплаб қийинчиликларга қарамай, таълим инсониятга тинчлик, эркинлик ва ижтимоий идеаллар сари олға интилиш имкониятини бериш учун зарур шартдир. Комиссия жамият ривожи, шахснинг ҳаёти давомида ривожланишида таълимнинг ҳал қилувчи ролини таъкидлаб ўтади*"[120]. Шу йилнинг ўзида "Узлуксиз таълим контекстида катталар таълими" бўйича III Халқаро конференция бўлиб ўтди. "Мавжудликни ўрганиш: таълим дунёси бугун ва эртага" номли маърузада Эдгар Фор замонавий дунёнинг ижтимоий-сиёсий таҳдидлари, инсон ҳуқуқлари ва тенгсизлик хавфи, таълимнинг универсал императивлари, таълим имкониятларини кенгайтириш ва ҳаёт давомида таълим олишнинг аҳамиятини таъкидлади. Э. Фор раҳбарлигидаги комиссиянинг ҳисоботи нашр

---

[119] Freire P. Pedagogy of the oppressed, 2005. URL: http://www.msu.ac.zw/elearning/.

[120] Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Основные положения Доклада Международной комиссии по образованию для XXI века. Издательство ЮНЕСКО. 1996. - 31 с.

этилгандан сўнг, ЮНЕСКО ҳаёт давомида таълимни дунёнинг барча мамлакатларида асосий тамойил ҳамда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг мейнстрим директиваси деб тан олган қарор қабул қилди. ЮНЕСКО тадқиқотларининг асосий мақсади таълим орқали барча мамлакатларнинг ижтимоий-маданий ва сиёсий-иқтисодий ривожланиш суръатларини тенглаштириш эди. Халқаро Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти ҳаёт давомида таълимни касб-ҳунар таълимини оптималлаштириш, янгиланиб турадиган таълим дастурлари орқали олий таълим муассасаларида қайта тайёрлашни меҳнат бозорини ривожлантиришнинг воситаси сифатида кўриб чиқди. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб "ҳаёт давомида таълим" ғояси дунёнинг деярли барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланиб, таълимдаги ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди.

Ҳаёт давомида таълим соҳасидаги сиёсат векторини белгилашда Европа давлатлари нафақат унинг ўзгарувчан меҳнат бозорининг хусусиятларидан келиб чиқадиган иқтисодий зарурлигига, балки унинг ижтимоий-маданий аҳамиятига ҳам катта эътибор беради. Масалан, ҳозирги замон жамиятларида жамоат ташкилотлари ва ҳокимият ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши тўғрисидаги анъанавий тушунчалар қайта кўриб чиқилмоқда. Давлат бошқаруви тизими тобора кўпроқ ваколатларини фуқароларнинг қўлига ўтказади, шу орқали уларнинг ҳаётига оид муҳим масалаларни кўриб чиқишга ва муҳим қарорларни қабул қилишга жалб қилади. Шу сабабли, замонавий шароитларда таълим нафақат касбий ўсишнинг, балки шахсий муваффақият стратегиясининг асосий омилига айланмоқда. Болонья, Париж ва Копенгаген стратегияси ҳаёт давомида таълим соҳасида кенг қамровли ислоҳотларни бошлаб берди. Хусусан, "Болонья жараёни" иштирокчи давлатларнинг таълим дастурларининг интеграцияси орқали умумий таълим ва илмий маконда ягона мезон ва стандартларни ишлаб чиқиш; ҳаёт давомида таълимнинг таълим тизимларига

имплементацияси; фан ва таълимнинг интеграцияси, университетларнинг буюк Хартияси (**Magna Charta Universitatum**) доирасида миллий тизимларининг консолидацияси; ягона талаблар, мезонлар ва стандартларга эга бўлган Европа маконида таълим, фан, илмий-педагогик ҳамжамиятнинг коллаборацияси; академик мобиллик, талабаларни ўқишга жалб қилиш; дунёнинг бошқа минтақалари учун Европа олий таълимининг жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини рағбатлантириш; жаҳон миқёсида таълимнинг Европа тизимининг рақобатбардошлигини сезиларли даражада ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат эди[121]. 2002 йил ноябрь ойида Копенгагенда (Дания) Европа мамлакатлари таълим вазирларининг Европада касб-ҳунар таълими ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Еврокомиссиянинг “Копенгаген жараёни” деб номланган **Копенгаген Декларацияси** қабул қилинди[122]. Декларация ҳаёт давомида таълимнинг стратегиясини қабул қилиш орқали билимлар жамиятига ўтишни тезлаштириш масалаларини мейнстрим ва устувор вазифа дея белгилади. Копенгаген жараёнининг асосий мақсадлари Европа мамлакатларида касб-ҳунар таълимини ривожлантириш; касб-ҳунар таълими соҳасида умумий Европа маконини яратиш; мутахассисларнинг малака ошириш тизими, касбий компетенциялар ва малакаларни ўзаро тан олиш механизмини яратиш; сертификатлашнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш орқали турли мамлакатлар ва турли даражадаги компетенцияларни тан олиш механизмларини ишлаб чиқиш; норасмий таълимнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқишга қаратилган эди.

Соҳага оид тадқиқотлар ва махсус адабиётларда таълимни узлуксиз жараён сифатида қуйидаги 3 та йўналишда тушунишга уринишлар мавжуд:

1. Ҳаёт давомида таълим (lifelong learning, LLL).

---

[121] Болонья декларацияси. Болонья (Италия). 1999 йил 19 июнь.

[122] Копенгагенская Декларация. Копенгаген (Дания). 2002 г.

2. Катталар таълими (андрагогика, Adult education).

3. Узлуксиз касб-ҳунар таълими (Continuing vocational education and training).

Мазкур тадқиқотда lifelong learning (LLL) компетенциявий ёндашувга асосланган таълим парадигмаси контекстида кўриб чиқилади. LLL концептосфераси (тушунчалар тизими) ва семантик коннотацияси ижтимоий-тарихий, фалсафий, гуманитар дискурсда талқин қилинмоқда. Хусусан, тадқиқотчи **Мэл Лестер** (Mel Leicester) LLL таълим парадигмасини модернистик тафаккурдан постмодернистик тафаккурга ўтиш даврида янги шаклланаётган воқелик сифатида қарашни таклиф қилади[123].

Глобаллашув ва постмодернистик билимлар жамияти контекстида тамаддунлар ҳамда миллий жамиятлар конвергенцияси, сиёсий-ижтимоий интеграция, иқтисодий либерализм, технологик ўзгаришлар билан боғлиқ "янги иқтисодиёт" юзага келди. Мавҳумлик, ноаниқлик, ўзгаришларнинг экспоненциал суръати **modus vivendi** (ҳаёт тарзи) тусини олди. Ахборот-коммуникация технологиялари муттасил ривожланиб, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда. Рақамлаштириш жамият ва инсон ҳаётининг турли аспектларига, хусусан, сиёсий фаолият, таълим, илм-фан ва санъат соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатадиган ижтимоий феномен сифатида идентификация қилинади. Асримизнинг концептуал реал воқелигига хос "постиндустриал ахборот жамияти", "сунъий интеллект", "кибермакон", "онлайн-машғулот", "коворкинг", "коллаборация", "нетворкинг" каби атама ва тушунчалар илмий тадқиқотлар ва монографиялар саҳифаларидан ОАВ "тил"ига кўчиб, кундалик мулоқот контентига сингиб кетди. LLL концепциясининг эволюцияси ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий тафаккурнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқлиги англашилди. Э.Гидденс, П.Друкер, А.Турен, Э.Тоффлер, Й.Масуда каби

---

[123] Edwards R. Lifelong learning // Field J., Leicester M. (eds.) Lifelong learning: education across the lifespan. London: Routledge, 2000. Pp. 3–11.

назариётчиларнинг тадқиқотларида келтирилган ахборот жамиятининг базавий императивлари постиндустриал жамият тараққиётининг янги босқичи билан боғлиқ концептуал талабларига жавоб бера олмай қолди. Олдинги бобда асосланган тезислардан келиб чиқиб, бугун биз инсоният глобал ахборот-рақамли жамиятнинг барпо этилиши билан боғлиқ бўлган сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичга қадам қўйди, деб тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкин. Замонавий иқтисодиётнинг янги ишлаб чиқариш циклини амалга ошириш муаммосини ҳал қилиш концепцияси қуйидаги базавий тамойилларга таянмоқда: билимларни яратиш, маълумотларни таҳлил қилиш, ахборотдан фойдаланиш кўникмалари, ижтимоий компетенциялар ва фаол коммуникациялар.

Анъанавий таълим модели дастлабки индустриал жамият ҳамда ишлаб чиқаришни конвеер усулда ташкил этишнинг ўзига хос шакли эди. Ишлаб чиқаришнинг ушбу усулини бир маромда ишлашини таъминлаш учун одамлар оммавий тарзда ўқитилиши лозим эди. Постиндустриал жамият мануфактура (қўл меҳнати) ва машиналарга техник хизмат кўрсатиш қарамлигидан халос бўлиб, ижодкорлик учун кенг имкониятлар яратди ҳамда инсон саломатлиги, унинг такрорланмас индивид, уникум сифатида ўзини ўзи англаши ва ривожланишини таъминловчи таълим парадигмасига ўтишни тақозо этади. А.М.Новиковнинг таъкидлашича, жамият ривожланишининг индустриал (саноат) босқичида етакчи парадигма “билимга йўналтирилган парадигма” бўлган. Постиндустриал ахборот босқичига ўтиш шароитида у таълимнинг концептуал ғояси сифатида инқироз даврига кирди ва “компетенциявий (фаолиятга йўналтирилган) парадигма” назарий жиҳатдан асосланиб амалиётга татбиқ этила бошланди[124]. Компетенциявий (фаолиятга йўналтирилган) парадигма таълим жараёнининг мантиқий натижаси билим, кўникма ва малакалар тизими эмас, балки ҳозирги замон шахсининг интеллектуал, ижтимоий-сиёсий,

[124] Новиков А. М., Постиндустриальное общество. Монография. — М.: Эгвес, 2011. - 37 с.

маданий, ахборот ва бошқа соҳаларда муваффақиятли фаолият юритиши учун зарур бўлган компетенциялар тўплами эканини асослайди. Компетенциявий парадигма таълимнинг амалий йўналтирилганини таъминлайди ҳамда назарий маълумотларга эга шахсни эмас, балки маълумотларни олиш усуллари ва технологияларига эга бўлган малакали шахсни тайёрлашга интилади.

Компетенциявий парадигма XXI асрнинг концептуал хусусиятларига, инновацион ғояларга, тубдан янгиланган методологияга асосланган бўлиб, у амалий-прагматик муаммоларни ҳал қилишда намуна (модель, стандарт, андоза) бўлиб хизмат қилади. Сўз саноат даврининг ижтимоий воқелиги учун мос келадиган “**бутун умр учун таълим**” ҳақида эмас, балки жамият ривожланишининг постиндустриал ахборот босқичининг моҳиятига хос бўлган “**ҳаёт давомида таълим**” тўғрисида боради. Соҳа экспертларининг таъкидлашича, айнан компетенциявий (фаолиятга йўналтирилган) парадигма кейинги авлодларга узатиладиган билим ва маълумотларнинг чексиз кенгайишининг имконсизлигини, ахборотнинг эскириш хусусиятига эга эканини эътироф этади. Постиндустриал ахборот жамиятида таълимнинг моҳиятини тубдан ўзгартирадиган компетенциявий (фаолиятга йўналтирилган) парадигманинг энг муҳим хусусиятларидан бири, “мулоқот, таҳлил қилиш, лойиҳалаштириш, коллаборация, танлаш ва яратишни ўрганиш қобилияти”дир. Тадқиқотчилар янги таълим парадигмасининг таркибий қисмлари сифатида *ўқув жараёни иштирокчиларининг қадриятлари, мотивлари, меъёрлари, мақсадлари, позициялари, шакллари, таълим усуллари, воситалари, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш* кабиларни санаб ўтадилар ҳамда янги парадигмага ўтишнинг объектив заруриятини таълимни тайёр билим сифатида рад этишни англатиши билан изоҳлайдилар.

Компетенциявий таълим парадигмаси постиндустриал билимлар жамиятида таълимнинг асосий мақсади ҳисобланган

маънавий-ахлоқий етук шахсни тарбиялаш, унинг интеллектуал, ижодий салоҳияти ва фаоллигини ривожлантиришдан иборат, билим, кўникма, малакалар ҳаётнинг барча соҳаларида шахсий ютуқларга эришишга қодир бўлган ижтимоий фаол шахсни шакллантиришнинг парадигмал воситасидир. Компетенциявий таълим парадигмаси ўқув жараёнида инновацион педагогика ва компетенциявий ёндашув назарияси асосида қуйидагилар орқали амалга оширилади: таълим мазмуни (метапредмет, предметлараро ва субпредмет); конструктивизм ва ҳамкорликка асосланган ўқитувчилар ва ўқувчининг субъект-субъект муносабатлари; интерфаол шакллар, усуллар, методлар, дидактик ресурслар, АКТ, XXI асрнинг концептуал талабларига мос равишда шахс, фуқаро, профессионални шакллантиришга хизмат қиладиган таълим экотизими ва б.

2015 йилда қабул қилинган “Таълим – 2030” Инчхон (Жанубий Корея) декларацияси замонавий таълим жамиятнинг барқарор ривожланиши учун асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлиги ҳақидаги ғояни таъкидлайди ва таълимни ривожлантиришнинг янги концепциясини илгари суради. Унга кўра, таълим одамлар, жамоалар ва жамиятлар ҳаётини ўзгартириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Концепциянинг асосий йўналиши “ҳаёт давомида таълим” ғояси бўлиб, унга кўра, “*билим ва технологияларга асосланган хавфсизроқ, барқарорроқ ва ўзаро боғлиқ дунёни барпо этиш йўлида болалар, ёшлар ва катта ёшдагилар ўзлари учун зарур бўлган кўникма ва компетенцияларни мослашувчан тарзда ривожлантиришни ўрганишлари шарт*”[125].

Замонавий жамиятдаги ижтимоий жараёнлар, иқтисодиётдаги ўзгаришлар, янги воқеликка мос келадиган янги ёндашувлар, воситаларни излаш ва қўллаш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу борада ижтимоий-маданий ҳодиса, янгилик манбаи, ишлаб

[125] Инчхон декларацияси. 2015 й. - 25 б. Education 2030: Incheon Declaration and Framework for Action for the implementation of Sustainable Development Goal 4: Ensure inclusive and equitable quality education and promote lifelong learning opportunities for all. (https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000245656_rus).

чиқариш самарадорлигини ошириш омили сифатида таълимга алоҳида эътибор қаратилади. Биз тушунадиган макон ва атроф-муҳит ўзаро боғлиқлик, моддий ва номоддий жараёнларнинг ўзига хос нисбатан барқарор тўплами бўлиб, ўқув жараёнининг субъектларига (иштирокчилари) таълимнинг мета-субъектлари таркибини танлаш, ижтимоий-педагогик ўзаро таъсирнинг институционал доирасидан ташқарига чиқиш, таълим йўналишларини индивидуаллаштириш ва шахсийлаштириш бўйича қўшимча имкониятлар беради. Бундай шароитда таълим фаолиятини ташкил этишнинг янги имкониятларининг пайдо бўлишига олиб келади, инновациялардан фойдаланишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда ҳаёт давомида таълимга асосланган амалда қўлланилаётган узлуксиз таълим дастурларининг таҳлили натижалари бизга касбий корпоратив таълим ва ўз-ўзини ривожлантиришни таснифлашга имкон беради, Биринчи гуруҳ, асосан, давлат, корхоналар ёки профессионал ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланади, давлат касбий фаолиятни тартибга солиш учун масъулиятни тизимли тақсимлашда, уни давом эттиришга имкон берувчи омил сифатида ҳар йили малака ошириш талаблари ва дастурларини белгилайди. Мамлакатимизда бундай ёндашувга мисол сифатида ўқитувчи-педагоглар, юристлар, шифокорларнинг ҳар йили маълум жадвал асосида малака оширишнинг қонуний талаблари ва тартиби белгиланган бўлиб, уларнинг бажарилиши профессионал ташкилотлар томонидан назорат қилинади. Шунга ўхшаш моделларнинг халқаро даражада кўпгина мамлакатлар таълим тизимига хослигини кўриш мумкин (Россия, Германия, Франция). Ўз-ўзини ривожлантиришга асосланган индивидуал таълим дастурлари масофавий таълим имкониятлари, ўқув марказлари, корпоратив таълим шароитида амалга оширилмоқда.

Ривожланишнинг экспоненциал хусусиятлари дискурсида замонавий иқтисодиёт энди университет битирувчиларига янги билим ва кўникмалар манбаи сифатида таяна олмайди, чунки

ўзгаришларнинг суръати, тезлиги таълим муассасасида олинган билимларга диспропорционал равишда юқори эканлигини кузатиш мумкин. Мазкур шароитда ҳаёт давомида таълим концепцияси – инсонни ҳаёти давомида узлуксиз ўқиб-ўрганишни назарда тутадиган таълим модели постиндустриал ахборот ва билимлар жамияти дискурсида релевант таълим парадигмаси сифатида аҳамиятга молик. Замонавий билимлар иқтисодиётидаги таълим тизимлари фақат аниқ касбий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган кўникма ва малакаларни шакллантириш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Доимий ўзгарувчан муҳитда танқидий тафаккур, ўзгаришларни бошқариш, муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш, барча босқичда таълим олувчини мустақил равишда ва коллаборацияда (ҳамкорликда) ўз-ўзини ривожлантириш зарурлигига йўналтириш керак. Бу таълим муассасаларидан шахсни умр давомида таълим олиш зарурлигини тушунишга тайёрлашни талаб қилади. Ривожланган мамлакатларда ҳаёт давомида таълим концепцияси нафақат таълимий, балки кенгроқ ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради, давлатнинг инсон капитали ривожланишини таъминлайди, ҳаёт сифатини яхшилайди, шу билан бирга, катталар учун янги таълим экотизимини (норасмий ва информал) шаклланишига қулай имкониятлар яратади. Ҳозирги кунда дунёнинг барча ривожланган давлатлари ҳаёт давомида таълим тизимини шакллантириш дастурларини амалга оширмоқда. Европа Иттифоқининг етакчи давлатлари катта ёшдаги аҳолининг таълим ва тарбия дастурларида фаол иштирок этишини ёки бу соҳадаги барқарор ижобий тенденцияни таъминлай олдилар.

Шубҳасиз, мамлакатимизда ҳам, дунёда ҳам юқори малакали кадрларга талаб барқарор ўсиб бормоқда. Юқори технологияларга асосланган компаниялар учун жиддий муаммо – бу янги маҳсулотлар ва технологияларни яратиш учун зарур бўлган мутахассисларнинг тақчиллигидир. Жамият ривожининг ҳозирги босқичида ижодий, ностандарт фикрлайдиган, фан ва ишлаб чиқаришда янги

усулларни топа оладиган профессионал мутахассисларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Тараққиёт шахс ва жамиятдан экспоненциал тарзда кўпайиб борувчи билим ва компетенцияларни талаб қилади, бу аввало, аҳолининг тобора кенг қатламларини қамраб олган таълим тизимини шакллантириш, шахснинг ҳаёт давомида муттасил таълим олиши учун шароит яратиш билан боғлиқ. Муаммонинг ечими **«Lifelong learning»** - ҳаёт давомида таълим олиш масаласига бориб тақалади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини **2030 йилгача ривожлантириш концепциясида** таълим тизимининг стратегик вазифалари қуйидагича тавсифланади: “*мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш; олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш; соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш; таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларининг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш*”[126].

**2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида**[127] таълим ва илм-фанни ривожлантириш, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос малакали кадрлар тайёрлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш, глобал инновацион индексда Ўзбекистон позициясини яхшилаш, тадқиқотларни қўллаб-

---

[126] Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. - Т. 2019 й.

[127] 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. https://lex.uz/docs/5841063.

қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий қилиш мақсадлари муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон Фармони[128] билан тасдиқланган **2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурида** ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, таълим дастурлари, дарсликларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқ таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларини барпо этиш, ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланишини қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилган бўлиб, ундан хусусан қуйидаги вазифалар ўрин олган:

*–халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари негизида Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларини ташкил этиш;*

*–мактаб ўқитувчилари учун «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформасида педагогик фаолиятдан ажралмаган ҳолда амалга ошириладиган қўшимча индивидуал малака ошириш курсларини жорий этиш;*

*–таълим дастурларини такомиллаштириш, замонавий методикаларга асосланган таълим контентини яратиш;*

*–таълимни рақамлаштириш, электрон таълим ресурсларини (интерактив платформа, подкастлар, мобил иловалар) яратиш ва б.*

Мазкур дискурсда таълим тизимининг доимий ва муттасил ривожланиши постиндустриал ахборот жамиятининг концептуал хусусиятлари, юксак суръатлари ва ўзгарувчан ҳаётига монанд тарзда шахснинг ўзгарувчан дунё хусусиятларига релевант ижтимоийлашувини таъминлаши, эртанги кун мутахассисларини тайёрлаш вазифасини муваффақиятли ҳал қилишига бевосита боғлиқ. Мамлакатимиз таълим тизимининг глобал дунё таълимига

[128] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон Фармони. -Т. 2022 й.

интеграцияси туфайли тизимда инновацион ғоя ва концепцияларнинг имплементацияси билан боғлиқ доимий ижтимоий жараёнлар юз бермоқда.

Постиндустриал жамиятда ахборот, билимлар мамлакат тараққиётини таъминлайдиган доминант қиймат касб этди, барча соҳаларга доир энг сўнгги маълумотларни тезкор олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бунинг учун зарур бўлган доимий равишда кўникмаларни эгаллаш ва янгилаб бориш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгиловчи, рақобатбардошликнинг ва меҳнат бозорини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилига айланди. Шу муносабат билан замонавий илмий–тадқиқотларда антропоцентрик ёндашув асосида инсонни билимларнинг яратувчиси, ташувчиси ва транслятори сифатида узлуксиз ўқитиш билан боғлиқ муаммолар долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар миллий таълимни ривожлантиришнинг янги тенденцияларини келтириб чиқарди, ижтимоий ҳаётнинг концептуал тамойиллари, таълим моделлари, меҳнат шароитлари ўзгарди. Дунё ҳамжамияти “билим ва компетенциялар даври”га қадам қўйди, бунинг натижасида жамият, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда чуқур дивергент ўзгаришлар юз берди. Компетенцияларга асосланган иқтисодиёт ва жамиятга муваффақиятли ўтиш мамлакат тараққиёти ва равнақи учун катта аҳамиятга эга бўлган “ҳаёт давомида таълим” концепциясини амалиётга татбиқ этиш билан бевосита боғлиқлиги англашилмоқда.

Тадқиқот муаллифининг назарида, инсониятнинг бундан кейинги концептуал тараққиётини “ҳаёт давомида таълим” парадигмасига асосланган жамият таъминлайди. Мазкур жамият кўз ўнгимизда шаклланиб бораётган янги билимлар генерацияси, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланишга йўналтирилган рақамли ва гибрид технологияларни қўллаш асно-

сида ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ўзгартиришни назарда тутувчи тўртинчи саноат инқилоби шароитида ривожланишнинг янги маданий-тарихий контекстидир. Ҳаёт давомида муттасил ўқиб-ўрганишга асосланган жамият ҳаётига оид кенг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий муаммоларни ҳал этишга хизмат қиладиган Lifelong learning парадигмаси тараққиётнинг қуйидаги маданий-тарихий контексти таъсиридан келиб чиқади:

–экспоненциал тараққиёт;

–муттасил турбулентлик;

–VUCA-дунё;

–постглобаллашув;

–тўртинчи саноат инқилоби;

–олтинчи технологик уклад;

–рақамли иқтисодиёт;

–сунъий интеллект;

–янги бизнес моделлари, иқтисодий-ижтимоий экотизим;

–ахборот жамияти;

–маданиятлараро мулоқот;

–барқарор ривожланиш;

–сиёсий-ижтимоий таҳдидлар;

–тамаддунлар конвергенцияси;

–қадриятлар трансформацияси;

–science 2.0;

–университет 4.0.;

–рақамли (виртуал) ва биологик (реал) сатҳнинг синергетикаси;

–уберизация.

Глобал иқтисодий мақсадларга мувофиқлиги ва ҳаёт сифатини яхшилашдаги жозибадорлигига қарамасдан, тўртинчи саноат инқилоби моҳиятида аниқлик ва барқарорликнинг пасайиши, жаҳон ижтимоий-иқтисодий тизимининг коллапси хавфи мавжудлиги туфайли у инсоният ҳал этиши зарур бўлган таҳдид ва муаммо

сифатида қабул қилиниб, янги компетенциялар, кўникмалар, касбларнинг таркиб топишини, билим соҳаларининг симбиотик ривожлантиришни, концептуал муаммоларнинг ечимида трансдисциплинаризмни қўллашни тақозо этади. Убер-моделларнинг (Uber компанияси номидан) ривожланишини кўзда тутувчи уберизация воситачиларни (одамлар ёки ташкилотларни) рақамли платформалар билан алмаштириш жараёни бўлиб, анъанавий корпорациялардан воз кечишга имкон берадиган мижозлар ва хизмат кўрсатувчи провайдерлар ўртасида “peer to peer” битимларни амалга ошириш учун мобиль дастурлар, платформалардан фойдаланишни англатади. Хизмат кўрсатишнинг ушбу модели анъанавий бизнесга нисбатан операцион харажатларнинг сезиларли даражада пастлиги билан ажралиб туради. Рақамли технологияларнинг муттасил ривожи Uber, Gett, Alibaba.com., Yandex, Didi Kuaidi, Lyft, Zendesk, Twilio Inc., GrabCar, Airbnb каби компанияларга потенциал мижозларга хизмат кўрсатувчи провайдерлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга имкон беради. Уберлашган бизнес форматлар қуйидаги дефинитив хусусиятларга эга:

- peer to peer битимларни амалга оширишга имкон берадиган рақамли платформадан фойдаланиш;
- жараённи лойиҳалаш;
- хизмат кўрсатишни демократлаштириш;
- провайдер ва хизматлар мижози ўртасидаги жараённи минималлаштириш;
- жараённи алгоритмлаш (дастурлаш)[129].

Аммо кенг тарқалган рақамлаштириш ва сунъий интеллект тизимларининг салоҳиятини ривожлантиришга қарамай, рақамли жамият ва унинг рақамли иқтисодиёти, биринчи навбатда, ушбу жамиятнинг асосий субъекти, билимлар истеъмолчиси, ташувчиси ва генератори бўлган шахс билан бевосита боғлиқ. Рақамли

[129] Алекс Моазед, Николас Джонсон. Платформа. Практическое применение революционной бизнес-модели // Alex Moazed. Modern Monopolies: What It Takes to Dominate the 21st Century Economy. — М.: Альпина Паблишер, 2019. — ISBN 978-5-9614-1245-1.

жамиятда асосий иқтисодий ва ижтимоий ресурслар инсон билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган соҳалар атрофида тўпланади, бу эса, аввало, билимлар генерацияси ва муттасил ўрганишни назарда тутади. Илмий-техник маълумотлар ҳажмининг экспоненциал кўпайиши, маълумотларни биргаликда ишлашга мўлжалланган дастурий воситаларнинг такомиллаштирилиши, илмий ҳамкорлик, синергетика, коллаборация, нетворкинг - буларнинг барчаси илмий жамоатчиликнинг айрим вакилларини янги фаннинг шаклланиши тўғрисида фикр юритишга ундади. Баъзи тадқиқотчилар томонидан билимлар тараққиётида “тўртинчи парадигма”нинг шаклланиши таъкидланади. Илмий адабиётларда илм-фан тараққиётидаги ўзгаришларни тавсифлашда «e-science» ва «science 2.0» атамалари қўлланилмоқда[130].

Эволюция жараёнлари тубдан янги эмас, лекин иқтисодий жараёнлардаги мутлақо мисли кўрилмаган ўзгаришлар аспектида анъанавий таълим дефинициялари бугунги ҳаёт талабларига жавоб бера олмаяпти. Ўтган асрнинг иқтисодий цикллари, товарларнинг ҳаётий цикллари ва товар ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган билимлар, кўникмалар, асбоб-ускуналар ва технологик цикллари даврийлиги барқарор ташкилий моделларни яратишга имкон берди. Янги технологик укладнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган барча соҳаларга технологияларни жорий қилиш ва бизнес муҳити қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: доимий турбулентлик; тез суръатлар билан ўсиб бораётган циклик даврлар; иқтисодий инқирозлар; глобал миқёсда шиддатли халқаро рақобат; инновацион усулларнинг тезлашуви; инновацияларни рағбатлантириш; маълумот, амалиёт, товарлар ва кўникмаларнинг жуда тез эскириши; мос равишда товарларнинг ҳаётий циклларининг қисқариши; номаълумлик, беқарорлик билан боғлиқ узоқ муддатли

[130] Smirnov P.A, Kovalchuk S.V., Boukhanovsky A.V. Knowledge-based Support for Complex Systems Exploration in Distributed Problem Solving Environment // Communications in Computer and Information Science. Proceeding of 4th International Conference, KESW 2013. Vol. 394. Springer, P. 147–161. URL: http://elibrary.ru/item.asp?id=20457885 (Дата обращения: 15.03.2021).

режалаштиришнинг самарасининг камайиши. “Тез эскириш” ибораси, шунингдек, халқаро менежмент масалаларида эксперт Том Петерснинг таъбирича “тартибсиз бошқарув” мавжуд ҳолатнинг моҳиятини яққол таърифлайди. Замонавий дунёнинг илмий манзараси синергетик хусусият билан тавсифланади. Маълумки, методологик асос сифатида синергетика мураккаб, ночизиқли, очиқ тизимларнинг тузилишини, уларнинг тартибсиз ҳолатдан тартибли ҳолатга ўтиш жараёнларини, тизимни ташкил қилувчи алоҳида элементларнинг тизимдаги умумий ҳаракати таъсирида суммар эффектининг ошиши каби ҳодисаларни ўрганади. Айтиш керакки, педагогика соҳаси учун синергетика методологик тамойил сифатида аҳамиятга эга[131].

Технологиялар ва глобаллашув даврида Lifelong Learning узлуксиз таълим, янги билимларни излаш, инсон ҳаёти давомида билим ва кўникмаларни узлуксиз эгаллаш ва ривожлантириш концепцияси сифатида ижодий ва касбий ривожланишга ёрдам беради ва шахсий камолотнинг муҳим қисмидир. Lifelong Learning парадигмаси миллий ва умумпланетар миқёсда инсон ва интеллектуал капитални шакллантиришга фойдали таъсир кўрсатиши, ёши ва касбий фаолият соҳасидан қатъи назар одамларни қамраб олиши, шахснинг мутлақо ҳар қандай таълим қизиқишлари ва афзалликларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун имкониятлар яратиши ва шу билан ўзгарувчан дунёга мослашишга ёрдам беришини таъминлаши билан аҳамиятга молик. Lifelong Learning парадигмаси таълимнинг нонформал ва информал шаклларини ривожлантириш, мустақил таълим олиш, таълим контентини ўзи белгилаш, корпоратив таълим, тимбилдинг, тренинглар, ўқув курслари, малака ошириш, ўз-ўзини ривожлантириш, шунингдек, янги ҳаётий тажрибани ўзлаштиришни кўзда тутади. Ҳаёт давомида таълим социология, гуманистик психология

[131] Коджаспирова Г. М., Коджаспиров А. Ю. Педагогический словарь: Для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений. — М.: Издательский центр «Академия», 2001, с. 136.

ва андрагогиканинг категориал аппарати ва тушунчалари ҳамда эмпирик тажрибаси таъсири остида шаклланган ғоялар ва ёндашувларнинг симбиозидир. Иккинчи томондан, билимлар жамиятида технократик, прагматик ёндашув, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва таълимнинг жамият ҳаётида ролининг ортиши билан боғлиқликни намоён этади.

Махсус адабиётларда “ҳаёт давомида таълим” концепциясининг ўттиздан ортиқ таърифлари мавжуд. Ушбу муаммонинг тадқиқотчиларидан бири бўлган Р. Дэйв (R. Dave)нинг таърифига кўра “ҳаёт давомида муттасил таълим - шахснинг бутун ҳаётий цикли давомида ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида ижтимоий ва касбий ривожланишни такомиллаштириш жараёни” ҳисобланади[132].

Маънодош тушунча сифатида катталар таълими (adult education), давом этувчи таълим (continuing education) иборалари қўлланилади. lifelong learning (LLL) концепциясига таълимнинг идеал мақсадлари сифатида (Parson), жараён маҳсули сифатида (Hatton) қарашлар учрайди. П. Саттон бир вақтнинг ўзида бир нечта ибораларни ишлатади (lifelong education, lifelong learning, recurrent education). Британиялик тадқиқотчи Р. Эдвардс катталар таълими ҳамда ҳаёт давомида таълимни постструктуралистик контекстда ўрганади. Р. Эдвардс “узлуксиз таълим”нинг ягона таърифи йўқлиги, у бутун бир концептосферадан (conceptual space) иборат эканлиги ҳамда ушбу концептосферага “билим олувчи жамият” ҳам кириши ҳақида сўз юритади. Унинг фикрига кўра LLLнинг вужудга келиши, шаклланиши, ривожланиши ўзига хос тарихий нарратив, диахроник дискурс кўринишга эга. Шунингдек, ҳаёт давомида таълим концепцияси билан боғлиқ “таълим олувчи жамият”, “профессионал таълим”, “корпоратив таълим”, “ўзини

[132] Dave, R. H. (ed.). Fundamentals of Continuing Education. Oxford: UNESCO Institute of Education and Pergamon Press, 1976.

ўзи ривожлантирувчи технологиялар”, “ўзи таълим олувчи корпорациялар”, “таълим олувчи жамиятлар” тушунчалари қўлланади. Россиялик тадқиқотчи Т. Ломакина ҳам LLL га оид қарашларда якдиллик йўқлигини таъкидлайди. Ушбу категория катталар таълими (adult education), узлуксиз таълим (lifelong education), давомий таълим (continuing education) каби талқинларга эга[133].

“Ҳаёт давомида таълим” муайян шахс томонидан информал (**informal**) усулда ҳар куни таълим олиш йўсинида ҳамда ҳаёт давомида бир неча марта касбий билим, кўникма ва малакаларни янгилашга қаратилган расмий (**formal**) таълим шаклида кечади. Шу билан бирга, шахснинг таълим олиши расмий таълим секторидан ташқарида кечадиган норасмий (**non-formal**) таълим кўринишида ҳам бўлиши мумкин (корпоратив ўқувлар, тренинглар, ўқув марказлари, ёзги ва қишки мактаблар, вебинар, фасилитация, стажировка, мастер-класс, тимбилдинг ва ҳ.к). Информал таълим кундалик фаолият давомида инсоннинг мустақил равишда (self-education) таълим олиши орқали амалга оширилади. Формал таълим муайян малака ва даражаларни олиш ёки белгиланиши билан боғлиқ (масалан, таълим муассасасини тугатганлик тўғрисидаги диплом, касб-ҳунар таълими муассасаси дипломи, фалсафа доктори ёки фан доктори дипломи, касбий малакани тасдиқловчи ва меҳнат бозорида тан олинган сертификат ва ҳ.к). Ҳаёт давомида таълимга бўлган интилиш инсоннинг онгли равишда ўз билим даражасини оширишга, ижодий, ҳаётий, касбий амбицияларини рўёбга чиқаришга интилишини англатади ва бу, шубҳасиз, унинг умумий интеллектуал ривожланишига ҳам, меҳнат бозорида рақобатдош мақомни эгаллашишга ҳам таъсир қилади. Ҳаёт давомида таълимнинг қуйидаги аспектлари унинг таълимий жозибадорлигини оширишга ҳизмат қилади: узлуксиз таълим (ўқиш ва ривожлантиришнинг узлуксиз давом этиши); динамизм (билимларни ўзлаштириш ва қўллаш суръатининг

---

[133] Ломакина Т.Ю. Современный принцип развития непрерывного образования. М.: Наука, 2006.

инновациялар ҳамда саноатда талаб қилинадиган ўзгаришларга мос келиши); self-education, ўз-ўзини назорат қилиш (ички мотивация); кенг қамровлилик (энг яхши маълумот манбаларини, сўнгги тенденцияларни ўрганиш); умр бўйи таълимга релевант хулқ-атвор паттернларини ўзлаштириш; натижага йўналтирилганлик ва б.

Мазкур тадқиқотда *Lifelong Learning – шахснинг ахборот ва билимлар жамияти ва ўзгарувчан VUKA-дунё шароитида ёш ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда самарали фаолиятини таъминлайдиган ҳамда узлуксиз қўллаб-қувватловчи хусусиятга эга билимларнинг универсал мажмуи; шахсий, ижодий, касбий компетенцияларни шакллантиришнинг самарали модели, шунингдек, инсоннинг ҳаёт давомида амалга ошириладиган шахсий мотивлари, ҳаётий амбициялари ҳамда жамият эҳтиёжларига релевант билим ва кўникмаларни муттасил эгаллаш ҳамда ривожлантириш жараёни* деб қабул қилинади.

Мазкур дефиниция шахсий ривожланишнинг ажралмас қисми сифатида инсоннинг меҳнат бозорида касбий ўсишига ва рақобатбардошлигига ҳисса қўшади. Шу билан бирга, миллий миқёсда ушбу концепциянинг қабул қилиниши инсон ва интеллектуал капиталнинг шаклланишига ва унинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда шу орқали иқтисодиётнинг ривожланишига ёрдам беради. LLL таълим парадигмаси демократик ибтидога эга бўлиб, инсонларга уларнинг ёши ва фаолият соҳасидан қатъи назар, ҳар қандай таълим манфаатлари ва хоҳишларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун имкониятлар яратиши кераклигини назарда тутади. Формал таълимдан фарқли равишда информал ва норасмий таълим касбий ривожланиш билан узлуксиз шуғулланиш, қўшимча таълим олиш, кундалик ҳаётдаги касбий ва шахсий муаммоларни ҳал қилиш, янги кўникмаларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда миллий таълим олдида анъанавий (классик) парадигмадан моҳиятан фарқ қилувчи янги парадигмани жорий этиш вазифаси турибди. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим парадигмаси контекстида умумий ўрта, олий таълим ва катталар таълимининг ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилмоқда, дастурларнинг модулли структураси, кредит тизими яратилмоқда. Шу билан бирга, **paradigm shift** (парадигмаларнинг алмашинуви) тарихий даврлар орасидаги зиддиятлар билан боғлиқ жамиятнинг коллектив тажрибасини кейинги авлодга етказиб беришнинг муҳим шакли сифатида билимга асосланган анъанавий таълим парадигмаси узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Антик даврдаги полисларда (шаҳар-давлат) шахснинг асосий вазифаси фуқаро бўлиш эди. Шунга монанд равишда таълим-тарбия жараёни давлатнинг назорати остида мантиқ, жисмоний тарбия, ҳарбий тайёргарлик, имло саводхонлигига ўргатиш шаклида амалга оширилган. Ўрта асрларда дунёнинг теистик манзарасига монанд равишда таълимнинг асосий миссияси диний догматлар, таълимотлар асосида шахснинг тафаккурини шакллантиришдан иборат эди. Капиталистик ишлаб чиқариш давридан бошлаб то бугунги кунга қадар ҳамда индустриал жамият эҳтиёжларига мос келувчи классик кўринишдаги таълим парадигмаси тараққий этди. Классик парадигманинг бош вазифаси таълим олувчиларда муайян фанлар доирасида билим, кўникма, малака тизимини шакллантиришдан иборат эди. Анъанавий таълим технологиясининг таркибий қисмлари ўқитувчининг вазифаси, Паулу Фрейре таъкидлаганидек, маълумотлар ва билимлар тақдимоти, маълумотни мустаҳкамлаш учун такрорлаш машқларини ташкил қилиш, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларнинг сифатини назорат қилиш, ўқувчининг вазифаси эса ахборотни идрок этиш ва ёдлаш, ақлий жараёнларни (диққат, идрок, хотира) фаоллаштиришни мақсад қилади.

Маълумки, таълим умумэътироф этилган ижтимоий ҳуқуқдир. Бу борада билимлар жамияти пайдо бўлиши билан бир вақтда халқаро ҳамжамиятнинг таълим соҳасида янги ижтимоий-сиёсий ривожланиш хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. “Ҳаёт давомида таълим” концепциясининг ривожланиши билан таълим фақат мактабга оид коррелят бўлишни тўхтатди. Бундан ташқари, аксарият мамлакатларда анъанавий тарзда давлат роль ўйнаган секторларда жамиятнинг тобора ортиб бораётган ва хилма-хил талаб ва эҳтиёжлари фонида таълимни хусусийлаштиришга бўлган тенденциялар кузатилмоқда. Ҳозирги кунда, биринчи навбатда, олий таълим билан боғлиқ бўлган ушбу тенденция таълимнинг бошқа шаклларига ҳам тарқалиши, билим олиш имконияти ҳамма учун очиқ бўлиши, глобал билимлар иқтисодиётидаги энг катта муаммо бўлган сифатли маълумот олиш бўйича аҳоли ўртасидаги тафовутни камайтириш масалаларини ҳал этиш зарур.

Шунингдек, асосий таълим контурларини, зарур билимларнинг минимал ҳажмини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш масаласи мухим ҳисобланади. Фан соҳалари ва тармоқларининг жадал ривожланиши самарали ўрганиш учун зарур бўлган жараёнларни ўзлаштиришни тақозо этади. Бундай ўрганишни таъминлайдиган муҳим кўникмалардан бири бу билимларни излаш, саралаш ва тартибга солиш қобилиятидир. Ҳаёт давомида таълим фақат ёшга оид билимлар мажмуасини билдирмайди, балки шахснинг мунтазам билимни излашини, яратишини, ундан фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштиришини англатади. Айтиш керакки, recurrent (такрорланувчи) таълим ғояси дастлаб катталар таълими соҳасида вужудга келган. Катталар таълими касбий қайта тайёрлаш учун имконият яратган бўлса, ХХ асрнинг ўрталаридан бошлаб узлуксиз таълим ғояси жамиятдаги сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг кенг кўламига мос кела бошлади. ЮНЕСКО учун ишлаб чиқилган Эдгар Фор бошчилигида “Мавжуд бўлишни ўрганиш” номли маърузада келтирилган мулоҳазаларнинг асосини

доимий янгиланиб турадиган ўрганиш қобилиятини эгаллашнинг омили сифатида қараладиган ҳамда шахснинг ўзини такомиллаштиришнинг асосий усули бўлган бутун ҳаёт давомида таълим концепцияси ташкил этди.

XXI асрда тамаддуннинг жадал эволюцияси билан боғлиқ ҳамда саноатлашган жамиятларга хос бўлган муаммоларни акс эттирадиган ҳаёт давомида таълим олиш зарурияти кўплаб университетларнинг ўз фаолиятини қайта кўриб чиқишга ундади, илмий ресурслар, ўқув дастурлар контентининг ўзгаришига олиб келди. Бу вазиятда энг катта мослашувчанликни намоён этадиган таълим муассасалари муваффақиятга эришмоқда. Олий таълим бўйича Бутунжаҳон конференциясида (Париж, 1998) замонавий олий таълимнинг муваффақияти ва самарадорлигини ҳамда жамиятда билимларнинг кенг тарқалишини таъминлайдиган қуйидаги мейнстрим хусусиятлар санаб ўтилди:

- таълим тизими жамиятда мавжуд тенденцияларни таҳлил қилиши;
- сиёсий-ижтимоий омилларни, меҳнат бозоридаги вазиятни ҳисобга олиш;
- таълимнинг кенг спектрдаги турларини таклиф қилиш;
- ўқув дастурлари контентини бозор талаблари ва эҳтиёжларига мослаштириш;
- ижтимоий мавқеи, ўзига хослик, жамиятнинг узоқ муддатли эҳтиёжлари билан боғлиқ устувор йўналишларини сақлаб қолиш;
- таълим тизимининг бошқа даражалари билан ўзаро корреляцияси;
- маданий хусусиятлар ва маданий хилма-хилликни ҳисобга олиш;
- барча ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;
- аҳолининг заиф қатламлари, хусусан, аёлларнинг таълимга жалб этилишини кўпайтириш учун инклюзив ҳамда гендер стратегиясини ишлаб чиқиш;

- доимий равишда таълим хизматларини кўрсатиш;
- ҳаёт давомида таълим тизимини ривожлантириш учун кўпроқ мослашувчанликни намоён этиш ва ўқитиш шаклларини кенгайтириш.

Lifelong learning парадигмасининг ривожланишида 2000 йилнинг март ойида Лиссабон(Португалия)да бўлиб ўтган Европа саммити муҳим аҳамият касб этади. **Лиссабон саммити** инсоният “билимлар даврига” кирганини эътироф этиб, билимга асосланган иқтисодиётга ва жамиятга муваффақиятли ўтишни Lifelong learning парадигмаси билан корреляцияда кўради. Саммит томонидан қабул қилинган Меморандумда ҳаёт давомида таълим “*билим, кўникма ва касбий малакани ривожлантириш мақсадида доимий равишда амалга ошириладиган кенг қамровли ўқув фаолияти*”[134] деб таърифланади ҳамда мазкур парадигма шароити-да барча европаликлар билимлар жамиятининг ижтимоий-иқти-содий трансформацияси талабларига мослашиш ва Европанинг келажагини шакллантиришда фаол иштирок этиш учун тенг имкониятларга эга бўлиши асосланади. Саммит Европа Иттифоқи мамлакатларининг ҳаёт давомида таълим концепциясини қабул қилишнинг қуйидаги сабабларига эътиборни қаратади: “**knowledge-based society**” – билимга асосланган жамиятнинг шаклланиши; ахборот, билим, шунингдек уларни доимий янгилаб туриш мотивацияси ҳамда бунинг учун зарур бўлган компетен-цияларни ривожлантиришнинг самарали меҳнат бозорининг ҳал қилувчи омилига айланиши; Европанинг полисемантик сиёсий-ижтимоий, маданий муҳити шароитида жамият ҳаётида фаол иштирок этиш маданиятлараро мулоқот компетенцияларига эҳтиёж ва б. Лиссабон Саммити ҳаёт давомида таълим парадигмасининг асосий тамойилларини белгилади: ҳамма учун янги базавий билим ва кўникмалар; инсон ресурсларига

[134] European Communities: A Memorandum on Lifelong Learning, 2000 / https: uil.unesco.org /document /european-communities-memorandum-lifelong-learning-issued-2000.

инвестицияларни кўпайтириш; ўқитишнинг инновацион усуллари; таълимни баҳолашнинг янги тизими (Accreditation of Prior and Experiential Learning; консультатив хизматни ривожлантириш; таълимни уйга яқинлаштириш (таълимнинг демократик ва инклюзив имкониятлари).

Шундай қилиб, бугунги кунда LLL парадигмасини тамаддуннинг ривожланиш шартларидан бири, глобал миқёсда билим олишнинг энг универсал воситаси сифатида тушуниш керак. У форсайт-таҳлиллар, кўпчилик экспертлар ва футурологлар томонидан башорат қилинган тобора кенг тус олаётган ишсизлик ва касбий хавфсизликка жавоб бўлиши мумкин. Маълумки, шахс ҳаёти давомида бир неча марта касбий фаолият турини ўзгартиради, шу сабабли ҳаёт давомида таълим шахсий ва ижтимоий фаолият билан боғлиқ жараён сифатида касбни ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга, янги меҳнат шароитларига мослашишнинг самарали омили бўлиб хизмат қилади. Шахсий ривожланиш инсон ҳаёти асоси бўлса, ижтимоий ривожланиш – инсоннинг жамиятдаги ўрни, унинг фуқаролик позицияси, жамият ҳаётида иштирок этиш билан боғлиқ, касбий ривожланиш эса ишлаб чиқариш, касбий фаолият, моддий фаровонликка эришиш учун ишончли ва сифатли ишни таъминлаш масалаларини қамраб олади. Ҳаёт давомида таълим муаммоларини ўрганиш педагогик-андрагогик аспектда давом этмоқда. Мазкур парадигма тенг ҳуқуқлилик, фаол ижодкорлик, узлуксиз ривожланиш тамойилини амалга ошириши орқали шахснинг касбий, ижодий, ҳаётий фаолиятни самарали таъминлаш, ижтимоий эҳтиёжларини ҳал қилишнинг энг оптимал ва релевант ечими бўлиб хизмат қилади.

# LIFELONG LEARNING ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАСИНИНГ БАЗАВИЙ КОНЦЕПТЛАРИ

**Мумкин бўлган чегараларни аниқлашнинг ягона йўли чегаралардан ташқарига чиқишдир.**
Артур Кларк

**Илм-фан тараққиёти учун шахс ҳуррияти ва ички озодлиги муҳим,**
**зеро илмий дунёқараш шахснинг эркин**
**ва мустақил фаолияти таъсирида ўзгариши мумкин**.
В. Вернадский

Замонавий жамиятларда ҳаёт давомида таълим олиш индивидуал эҳтиёжлар зонасидан ижтимоий эҳтиёжлар соҳасига кўчди, ижтимоий императив шаклини олди ҳамда давлат сиёсати объектига айланди. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб категориал императив сифатида шаклланиб келаётган мазкур концепция ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланди ҳамда кўп жабҳаларига бевосита таъсир кўрсатди. Узлуксиз таълим тектоникаси, жамият ва аҳолининг катта қисмини ўқитишнинг институционал ва институционал бўлмаган шакллари иккинчи минг йилликнинг бошида глобал жараёнларнинг контурларини эгаллади, бу эса бизга мазкур ҳодисани нафақат миллий, балки глобал аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий феномен сифатида кўриб чиқиш учун етарли асос бўлади.

Ушбу йилларда дунё илмий жамоатчилиги, педагоглар, андрагоглар, социологлар, психологлар, иқтисодчилар, файласуф-лар, ҳуқуқшунослар, математиклар, ҳуқуқшунослар, биологлар, илм-фаннинг бошқа соҳалари вакиллари томонидан узлуксиз таълимнинг назарий-прагматик асослари тадқиқ қилинган. Асримизнинг иккинчи ўн йиллигининг ўрталарига келиб

иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаси ривожланган мамлакатлар ҳаёт давомида таълимнинг ўз миллий тизимларини ишлаб чиқдилар. Мазкур мамлакатларнинг таълим қонунчилиги меъёрларида умр давомида таълим ғоялари у ёки бу тарзда ўз аксини топди. Шу боисдан мазкур феноменни мамлакатлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятининг муҳим миллий ва халқаро ҳуқуқий факти сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Сўнгги ўн йилликлар давомида таълимни қўллаб-қувватловчи халқаро институтлар (БМТ, ЮНЕСКО, ЮСАИД, DVV international), бошқа халқаро ташкилотлар бу ижтимоий феномен ва жараённи иқтисодий-ижтимоий ўсиш, гендер тенглик, саводхонликка эришиш, қашшоқликка қарши курашнинг мухим йўналиши деб ҳисоблаб, узлуксиз таълим соҳасидаги миллий ташаббуслар амалиётини барқарор ва изчил қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Умумжаҳон иқтисодий барқарорлик, маданий-гуманитар ривожланишга эришиш, хусусан, “ўтиш даври иқтисодиёти” даврида бўлган мамлакатлар учун, умр давомида таълимни глобал муҳим ижтимоий ҳақиқат сифатида кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон илмий ҳамжамияти, ҳукумат, жамоат ва сиёсий доиралар, молиявий ва саноат тузилмалари узлуксиз таълим олиш ғояларини фаол қўллаб–қувватламоқда, ҳаёт давомида таълим тизимига молиявий инвестицияларнинг ҳажми изчил кенгайиб бормоқда.

Ахборот жамияти дискурси ҳамда инсоният тараққиётининг янги босқичида “ҳаёт давомида таълим” феномени ижтимоий ҳодиса, тўртинчи саноат инқилоби, кейинги давр таълими ҳамда дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг узоқ муддатли тенденцияси, жамият онги ва ижтимоий воқеликнинг муайян шакли, аҳоли турмуш тарзининг ажралмас қисми, касбий муваффақиятнинг гарови сифатида кўриб чиқиш зарур. Ижтимоий фаоллик ривожланиб борган сари глобал миқёсга эга бўлаётган давримизда мазкур фаолиятнинг мазмуни нафақат илмий маълумотни таълимнинг барча босқичлари учун мўлжалланган

янги ахборот маҳсулотига айлантириш жараёнининг тезлашиши, балки эскисининг ўзгариши ва янги ижтимоий-педагогик муносабатларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади.

Ҳаёт давомида таълим парадигмаси классик таълимнинг макон-замон воқелигини амалда ўзгартириб юборди ва шу билан бирга таълим билимларнинг чегараларини кенгайтириб, ахборот-таълим муҳитини янада чуқуррок ва махсус назарий билимлар билан тўлдирди. Бундан ташқари, "ҳаёт давомида таълим" модели шахснинг ижтимоий фаровонлигининг зарурий шартига айланди. Жаҳон ҳамжамиятида рақамли, "билимлар" иқтисодиётига ўтиш, ҳаётнинг барча соҳаларига инновацияларни жорий этиш туфайли содир бўлаётган трансформацион жараёнлар таълим парадигмасини амалга ошириш ёндашувларини ўзгартирди. Техноген жамиятнинг шаклланиши даврида таълим инсониятнинг ривожланиш омилига айланиб, капитал, меҳнат каби анъанавий ишлаб чиқариш омилларининг аҳамиятини йўқотади. Кўпгина тараққий этган мамлакатлар иқтисодиёти (**Канада, Швеция, Япония, Сингапур, Корея**) "билимлар" иқтисодиётига айланмоқда, бунда қадриятлар жамиятнинг барча соҳаларидаги инновациялар орқали яратилади. Иқтисодий тараққиёт тобора инсониятнинг янги билимларни яратиш, ўзгартириш ва амалда қўллаш компетенциялари билан белгиланмоқда. Инновацион жамият таълимнинг ижтимоий институт сифатида мустақил ва ҳал қилувчи ижтимоий кучини тан олиб, билимларни янгилаш зарурияти ва даврийлигига муносабатни ўзгартирди. Технологияларнинг шиддат билан янгиланиши, ривожланган мамлакатларнинг "олтинчи технологик тартиб"га[135] (ахборот технологиялари, когнитив технологиялар, молекуляр генетика, ген инженерияси, нанотехнологиялар, биотехнологиялар ва б.) ўтиши мутахассисларнинг рақобатбардошлиги даражасининг тизимли касбий компетенциялар билан таъминланишига, шу

[135] Нанотехнологии как ключевой фактор нового технологического уклада в экономике / Под ред. С. Ю. Глазьева и В. В. Харитонова. — М.: Тровант, 2009. — 304 с.

жумладан, уларни кенг спектрли иқтисодий, ижтимоий, маданий шароитларда муваффақиятли қўллаш, қабул қилинган қарорларни тушуниш ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш; ижтимоийлашувига, доимий равишда ўқиш кўникмаларига эътиборни қаратмоқда.

Таълим парадигмаси алмашинувининг технологик тартибларга (ингл. techno-economic paradigm) боғлиқлиги масаласи йирик социологик тадқиқотларнинг объекти бўлиб ҳизмат қилган. Австриялик социолог, сиёсатшунос **Йозеф Алоиз Шумпетер** (Joseph Alois Schumpeter) инновацияларнинг ривожланишининг босқичларининг дискрет хусусиятини қайд этади[136]. Шумпетер буни "инновациялар тўлқини" деб атади. Рус тадқиқотчиси **С. Ю. Глазьев** томонидан илгари сурилган тезисга кўра, технологик тартиб яхлит ва барқарор тузилма бўлиб, циклик тарзга эга, у асосий ресурсларни қазиб олишдан бошланиб, мос ҳолда якуний маҳсулотлар тўпламини ишлаб чиқариш билан тугайди. Технологик жиҳатдан боғлиқ тармоқларнинг мажмуаси технологик тартибнинг асосини ташкил қилади. Технологик тартибнинг ядросининг шаклланишини белгилайдиган технологик инновациялар асосий омил ҳисобланади. Глазьевнинг таъбирига кўра, "олтинчи технологик тартиб"да асосий омил бўлиб нанотехнология, ҳужайра технологияси ҳизмат қилади. Технологик тартибнинг афзаллиги, аввалгисига қараганда, ишлаб чиқаришнинг энергия ва моддий сарфини, олдиндан белгиланган хусусиятларга эга бўлган материаллар ва организмларни лойиҳалашда кескин камайишидан иборат бўлади.

Маълумки, таълим даражалари ўзгарувчан қийматдир ва фаннинг ривожланиш динамикасига, илмий-назарий билимларнинг фундаментал ютуқларига боғлиқ ҳамда фаннинг ривожланишини акс эттирувчи дефиниция ҳисобланади. Таълим

---

136 Блауг М. Шумпетер, Йозеф А. // 100 великих экономистов до Кейнса. Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикус, 2008. — С. 333. — 352 с. — (Библиотека «Экономической школы», вып. 42). ISBN 978-5-903816-01-9.

даражалари нисбати муаммосига ретроспектив нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, олдинги асрларда мазкур муаммо мавжуд эмас эди, билимдаги муайян "узилишлар"нинг амалий жиҳати аҳамиятсиз эди, чунки инсон ҳаётининг давомийлиги фандаги парадигмал ўзгаришларга қараганда анча қисқа эди. Агар 70–80 йил олдин эмпирик тажрибани ўтказиш жараёнида касбий маълумотларни эгаллаш етарли бўлса, ҳозирда техник ва ижтимоий жиҳатдан ўзгараётган муҳитнинг янги талаблари асосида касбий билим, кўникма ва компетенцияларни доимий янгилаш, ўзлаштириш, малакани тасдиқлаш касбий муваффақиятнинг шартига айланди. Инсоният ҳеч қачон бундай ижтимоий ноординар вазиятга дуч келмаган. **Касбий "омон қолиш" қонуни**, умумбашарий таълимнинг бошқа ижтимоий қонуниятлари сингари, эмпирик қонунлар тоифасига киради. Касбий "омон қолиш" қонуни – бу гипотетик назария эмас, балки танловга дуч келган одамнинг ижтимоий хулқ–атвор паттернларининг амалиётга асосланган модели – таълимни давом эттириш, ижтимоий мавқеини сақлаб қолишнинг муҳим омили, минтақалар миқёсида мамлакатнинг илмий–техник салоҳиятини сақлаб қолишни таъминлайдиган, ижтимоий сиёсатнинг амалиётга йўналтирилган модели сифатида ишлайди. Форсайт таҳлиллар келгусида ушбу қонун пайдо бўлишининг ижтимоий оқибатларидан бири сифатида, профессионал жамоатчиликнинг аксарият қисмининг ўз касбий даражасини мунтазам ошириш бориши билан боғлиқ ижобий амалиётнинг ривожланишини кўрсатади.

Умуман олганда, ҳаёт давомида таълимни мослашувчан, хилма-хил, ҳар хил вақтда, турли жойларда мавжуд ҳамда бутун умр давомида олиб бориладиган узлуксиз таълим сифатида таърифлаш мумкин: бу анъанавий таълимдан ташқари вазиятда ва катталар ҳаёти давомида ўрганишни рағбатлантиради, расмий ва норасмий ўқишни ва иш жойида ўрганишни (корпоратив таълим, тимбилдинг), шунингдек, инсонларнинг кундалик тажрибаларида

қўлга киритиладиган кўникмалар, билимлар ва хулқ-атворни ўз ичига олади. Ҳаёт давомида таълим социосемантикасида демократик тамойиллар контекстида ўқиш ва ишга бўлган талаблар ўртасидаги тафовутни камайтириш, барча таълим босқичларида ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш асосий мақсад ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб демографик-иммиграцион динамика, глобал иқтисодий рақобатнинг кучайиши натижасида ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг юзага келиши касб-ҳунар ва меҳнат бозорига эътибор қаратиб, катталар таълими ва ҳаёт давомида таълимнинг аҳамиятини эътироф этишни тақозо қилади. Таълим соҳасида ижтимоий институтлар (университетлар, малака ошириш марказлари) ҳаёт давомида таълим ғоясини ўзгарувчан технологик оламда иқтисодиётни яхшилаш, бозор кўникмаларини ўрганиш, демократик бошқарув, ижтимоий интеграция ва фуқароликка тайёргарлик омили сифатида таълим дастурларига фаол татбиқ этмоқдалар. Хусусан, катта ёшдаги инсонлар учун таълим даражаси ва ҳаёт сифатининг ошиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш омили бўлиб хизмат қилади.

Постиндустриал ахборот жамиятда рўй бераётган прогрессив ўзгаришлар (иқтисодиёт инновацион секторининг устунлиги, юқори интеллектга асосланган ишлаб чиқариш, smart-технологияларнинг ривожланиши, меҳнат ва ижтимоий фаолият мазмуни ва табиатининг ўзгариши, янгиланишга бўлган талаб, ахборот оқимининг кўпайиши, ягона ахборот-таълим маконининг яратилиши, меҳнат бозорида глобал рақобат, инсон капитали сифатига талабларнинг ошиши) инсон ҳаётининг асосий соҳаларида (ижтимоий, маданий, иқтисодий, сиёсий) туб ўзгаришларни келтириб чиқарди ва таълим тизимида ижтимоийлашувнинг мазмунини янгилаш мезонларига трансформацион ўзгартиришлар киритди. Бу таълим олувчи архетипининг постиндустриал жамиятда ижтимоий шаклланиш сифатини яхшилашда, касбий

тайёргарлигининг ташкилий жиҳатларини модернизация қилиш, назарий ва амалий машғулотларнинг интеграциялашув потенциалидан фойдаланишда намоён бўлади. Меҳнат бозори ва иқтисодий модернизация тенденциялари, инновацион иқтисоднинг талабларини, интерфаол ва рақамли технологияларни жорий этишни, шахснинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун таълимнинг ижодий ва дидактик йўналишларини ҳисобга олган ҳолда таклиф этиладиган таълим хизматлари, шахсга йўналтирилганлик, инновацион тафаккур, тадбиркорлик, таълим олувчининг ўз ҳаёти давомида доимий ўзини ўзи ривожлантириш ва ўзини ўзи англашига мотивациясини шакллантириш, билим конструкцияларини узлуксиз янгилаш, янги меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, рақобатбардош, ижтимоийлашган, ижтимоий фаол ҳаракатланувчи, масъулиятли битирувчиларни тайёрлашга мослашмоқда.

Шахс ижтимоийлашувини таъминловчи таълим мазмунининг янгиланган сифати амалиётга йўналтирилган, субъектни ривожлантирувчи, фундаментал, узлуксиз, очиқ, ижодий, ижтимоий йўналтирилган, маънавий-ахлоқий тамойилларга асосланган, очиқ ва глобал дунёнинг барқарор ривожланишига кўмаклашадиган, таълим жараёни иштирокчисига шахсий ва экологик муносабатларни уйғунлаштириш, глобал дунёда ўзини тутишнинг масъулиятли моделини амалга ошириш, узлуксиз ўз-ўзини ўрганиш, ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялаш, шахснинг субъектив намоён бўлиши (ташаббускорлик, инновационлик, хабардорлик, ишбилармонлик, мослашувчанлик, ҳаракатчанлик, тадбиркорлик, мустақиллик, рефлексивлик, креативлик ва бошқалар) имкониятини берадиган таълим семантикаси билан тавсифланади.

Янгиланаётган ахборот-таълим муҳитининг семантик хусусиятларини аниқлаш ҳаёт давомида таълим парадигмаси контекстида таълим олувчининг постиндустриал ахборот-билимлар

жамиятида қуйидаги аспектларни ўз ичига оладиган ижтимоийлашувини амалга оширишга имкон беради:

- янги ижтимоий тажрибани ўзлаштириш, замонавий жамият ва меҳнат бозоридаги прогрессив ўзгаришларга интеграциялашув;
- маданиятнинг ички қадриятларини (миллий-маданий мерос, урф-одатлар) ўзлаштириш;
- атрофдаги воқеликни идрок этиш яхлитлигини таъминлаш, ундан унумли фойдаланиш;
- кўп босқичли шахслараро ўзаро муносабатлар ва касбий муносабатлар ўрнатиш;
- ижтимоий интеллектни ривожлантириш;
- ўз-ўзини англашнинг узлуксиз амалга ошириш;
- ахлоқий фазилатларни такомиллаштириш;
- индивидуал таълим стратегиясини шакллантириш;
- билимларнинг янгиланиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда инновацион касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрлик ва мослашувчанликни ривожлантириш;
- касбий даража ва роллар доирасини кенгайтириш, кафолатланган касбий карьера ва ижтимоий муваффақиятга эришиш;
- шахсий мотивацияни ошириш.

Ҳаёт суръатларининг динамикаси, мислсиз турбулентлик, ўзгарувчанлик ва ноаниқлик шароитида ҳаракат қилиш зарурати, касбий билимларнинг тез ўсиши, касбий фаолият шартларининг ҳаракатчанлиги каби омиллар таъсирида ҳаёт давомида таълим олиш эҳтиёжининг вужудга келиши объектив эҳтиёжга айланди. 2000 йилда **Лиссабонда** бўлиб ўтган Европа Кенгашининг саммитида “Европа Иттифоқининг ҳаёт давомида таълим тўғрисидаги меморандум” қабул қилинди. Унда “*ҳаёт давомида таълим – бу билим, кўникма ва касбий компетенцияни такомиллаштириш мақсадида доимий равишда амалга ошириладиган кенг қамровли ўқув фаолияти*” дея таъкидланди[137]. Ҳужжатда ҳаёт

[137] European Council Presidency Conclusions. — Lisbon, 2000. — 63 p. 3 б.

давомида таълимнинг олтита тамойили белгиланди ҳамда узлуксиз таълим фуқаролик жамияти, ижтимоий бирдамлик ва бандликнинг асосий сиёсий дастурига айланиш зарурати, ахборот жамиятига интеграцияси учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллаш учун таълимнинг узлуксизлигини кафолатлаш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни таъминлаш учун зарур бўлган асосий билим ва кўникмаларнинг мажмуини шакллантириш, касбий, оилавий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш масалалари устувор сифатида кўрсатиб ўтилди. Лиссабон саммитининг натижавий ҳужжатлари компьютер саводхонлиги, чет тиллари, технологик маданият, тадбиркорлик ва ижтимоий кўникмалар, замонавий дунёда ўзига ишонч, ўз тақдири учун жавобгарлик, таваккал қилиш қобилияти, тинимсиз ўрганиш, ўзгаришга мослашиш, ахборот оқимини бошқариш каби компетенцияларни ўз ичига олади.

Мазкур мақсадларга эришиш инсон капиталига инвестицияларни сезиларли даражада ошириш, ҳаёт давомида таълим тизимининг ўқитиш методикаларини ишлаб чиқиш, таълим тизимларининг замонавий шароитларга мослашувчанлигини таъминлаш, ўқитишнинг инновацион усулларини татбиқ этиш, етакчи компания ва консорциумлар тажрибасини тарғиб қилиш ёки рағбатлантириш, ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш, таълим берувчининг коучинг ва фасилитация роллари, шахсий таълим стратегиясини шакллантириш, шахсий мотивация, танқидий фикрлашни ривожлантириш, расмий ва ноформал таълим шакллари, ўқитиш усуллари, таълим контентини яратишни тақозо этади.

Билимга асосланган жамият ва иқтисодиётда ҳамда ягона меҳнат бозори шароитида инсон омилидан тўлиқ фойдаланиш рақобатбардошлик ва муваффақиятнинг калитига айланади. Шунга кўра, касбий фаолиятда ходим учун ҳам, иш берувчи учун ҳам касбий малакани тасдиқловчи гувоҳнома, диплом ва сертификатлар катта аҳамиятга эга. Ушбу вазиятда ҳаракат

эркинлиги, расмий ва нонформал таълим, таълим муассасасини эркин танлаш, узлуксиз ўқишга бўлган мотивацияни оширишни таъминлаш, "ҳаёт давомида таълим" контекстида вақт омили, ўқув жараёнининг доимийлиги, унинг шаклларининг хилма-хиллиги ва ўзаро боғлиқлигини таъминлаши зарурияти масалалари кун тартибига чиқади.

Экспертларнинг таҳлилига кўра, таълим шакллари бир қатор мезонлар ва хусусиятлар билан тавсифланади. Рус тадқиқотчиси Л.Владимированинг таъкидлашича, расмий таълим - бу "қадриятлар йўналишини, ҳаётий идеалларни шакллантириш мақсадида маданият, фан, техника, санъат ютуқларини давлат таълим стандарти доирасида тарқатиш жараёни"[138]. Расмий таълим миллий таълим тизимида билимларни ўзлаштиришнинг барча турларини ўз ичига олиб, мактаб, лицей, коллеж ёки университетда, шунингдек, таълим беришга қаратилган бошқа барча муассасаларда ўқишни ўз ичига олади. Расмий таълим учун билимларни олиш жараёни циклли (даврий), тизимли, изчил тартибда амалга ошиши, таълим босқичларининг иерархияси, ўқитиш шартларининг қатъий стандартлаштирилиши, ўқув материалларининг ўқув фанлари, синфлар, курслар, малака тоифалар ўртасида тақсимланиши, маълум малака ва даражаларни олиш, давлат томонидан тан олинган сертификациялаш (диплом, гувоҳнома, докторлик дипломи, касбий малакасини тасдиқловчи ва меҳнат бозорида эътироф этилган сертификат ва б.) билан якунланиши характерлидир. Бундан келиб чиқиб, расмий таълимнинг бир қатор муаммолар ва камчиликларни санаб ўтиш жоиз: 1.Ўқувчиларнинг шахсий мотивлари, қизиқишлари, эҳтиёжларини етарлича ҳисобга олмаслик. 2.Шахснинг ижодий эҳтиёжларини (масалан, техник моделлаштириш) таълим муассасаси ҳар доим қондириш имкониятига эга эмас. 3. Ҳамма учун бирдек муваффақиятли

---

[138] Владимирова Л. П. Проблемы интеграции формального и неформального образования в условиях единой информационно-образовательной среды // Открытое образование. – 2013. –№ 5 (100). – С. 140–142.

вазиятлар яратиш, таълим олувчиларнинг мотивациясини оширишга тўлақонли эътибор бера олмаслик. 4. Таълим олувчининг индивидуал физиологик, психологик хусусиятларини, уларнинг билиш қобилиятини, когнитив жараёнларининг тезлигини, ахборотни идрок этиш усулларини, темпераментни ҳисобга олишнинг мураккаблиги ва б. Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш ва бу камчиликларни бартараф этиш учун нонформал, норасмий таълим мавжуд.

Норасмий таълим расмий таълимдан ташқарида таълим олувчининг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган динамик таълимдир. Норасмий таълимни расмий тизим доирасидан ташқаридаги таълим фаолияти сифатида тушуниш, “***мактаб энди ягона таълим ҳудуди эмас***” деган постулатга асосланган. Андрагогикага оид терминологик луғатларда норасмий таълим, таълим тўғрисидаги гувоҳномани олиш билан бирга касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган курслар форматида кўриб чиқилади[139]. Норасмий таълим, одатда, таълим олувчининг муайян билим ёки соҳа доирасидаги назарий-амалий билимлар уфқларини кенгайтириш ёки касбий кўникмаларни эгаллаш мақсадида амалга оширилади. Норасмий таълим қуйидагилар билан тавсифланади: 1. Шахсий ривожланиш стратегиясини тўлақонли шакллантириш, шахснинг манфаатларини, эҳтиёжларини амалга оширишга йўналтириш. 2.Таълим олувчининг умумий дунёқарашини кенгайтириш. 3. Реал воқеликнинг айрим соҳаларини чуқур ўрганиш ва амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш. 4. Мослашувчанлик. 5. Амалий йўналтирилганлик, прагматик табиатга эгалик. 6. Дискретлик (исталган пайтда таълимни тўхтатиш имконияти). 7. Мажбурий моҳиятнинг йўқлиги, шахсий мотивациянинг устуворлиги, таълим олувчининг ўз эҳтиёжларига таяниши. 8. Таълим фаолиятининг юқори самарадорлиги, мақсадга

[139]Основы андрагогики. Терминологический словарь-справочник для студентов социально-гуманитарных специальностей / сост. Маслова В. В. – М., 2004. – 19 с.

мувофиқлиги. 9. Аниқ белгиланган мақсад ва натижага эришиш учун индивидуал таълим дастурлари. Шу билан бирга расмий ва ноформал таълимни бирлаштириб турган умумий ҳолатлар ва хусусиятларни (давлат томонидан тартибга солиниши, молиялаштириш ва ҳ.к) қайд этиш жоиз.

Мамлакатимиз миллий таълим тизимини халқаро таълим маконига кириб бориши тараққиётнинг муҳим омили сифатида ҳаёт давомида таълимни амалга ошириш, таълим тизимида бир қатор концептуал ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Замонавий талаблар мутахассислардан мобилликни, адаптивликни, ўзгаришларга мослашувчанликни, ўзгараётган бозор талаблари шароитида ўз касбий доирасида муваффақиятга эришиш учун мунтазам билим ва компетенцияларини такомиллаштириш вазифасини қўяди. Баъзи ҳолларда янги касбий соҳаларни ўрганиш, касбий ролларни ўзлаштириш (иккинчи касбий ижтимоийлашув) ҳақида гап бориши мумкин. Тадқиқотчи **И. А. Грешилова** ўзининг «Узлуксиз таълим феномени: фалсафий-антропологик аспект» номли рисоласида қуйидагиларни таъкидлайди: “*Таълимнинг замонавий парадигмаси илмий жамоатчилик ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳаёт давомида таълимни ривожлантиришнинг прогнозлари шароитида билимларни яхшилашнинг энг самарали амалиётини таклиф этади. Унинг вазифаси инсон ҳаётининг мазмунини очиб бериш, унинг дунёдаги мақсади билан боғлиқ ҳаётий саволларга жавоб топишда намоён бўлади*”[140]. Ижтимоийлашув жараёнида муайян жамиятнинг қадриятлар ва “маданий код”и инсон томонидан қабул қилинишини ҳисобга олсак, ҳаёт давомида таълим ҳам шахснинг иккиламчи ижтимоийлашуви жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади, деган хулосага келишимиз мумкин. Шундай қилиб, ҳаёт давомида таълим тизими контент ва ёндашувлар ўзгариши

[140] Грешилова И. А. Феномен непрерывного образования: философско-антропологический аспект. 2018. https://cyberleninka.ru/article/n/fenomen-nepreryvnogo-obrazovaniya-filosofsko-antropologicheskiy-aspekt.

натижасида шахснинг шахсий ва касбий ижтимоийлашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бундай ҳолда, бошқа социологик-педагогик муаммо долзарб бўлиб қолади: шахснинг иккиламчи ижтимоийлашуви унинг ҳаёти давомида таълим эҳтиёжларини қондиришга ёрдам бериши керак.

Тадқиқотчилар ҳаёт давомида таълим ғоялари ҳам назарий (таълим парадигмаси, педагогик концепция), ҳам амалий миқёсда ривожланаётганини таъкидлайдилар. Ҳаёт давомида таълим шахснинг ички импульсларининг фаоллашиши, муайян ижтимоий мавқе ва даражага эришиш учун ўзгаришга бўлган онгли истаги ва мотивларини фаоллаштириши натижасида касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва ижтимойлашувига, турмуш тарзини тубдан ўзгартиришга таъсир қилади, шу орқали ҳаёт давомида таълим стратегияси бутун жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшишга мўлжалланган. Ҳаёт давомида таълим парадигмасини анъанавий, консерватив таълим тизими шароитида таълим муассасалари фаолиятининг ҳар хил турларига ва ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлган янги ёндашувларни амалга оширишда намоён бўлди. Таълимнинг рақамли-ахборот майдони яратилган (мультимедиа, интерфаол технологиялар, электрон ресурслар, маълумотлар базалари, масофавий таълим платформалари, ижтимоий тармоқлар, мобил иловалар), инновацион ўқитиш моделлари ва технологиялари апробациядан ўтказилиб амалиётга жорий этилмоқда, таълим контенти янгиланмоқда, таълим мазмуни сўнгги илмий янгиликлар асосида бойитилмоқда, ахборот хавфсизлиги учун шароитлар яратилмоқда (рақамли маданият, виртуал этика). Бундан ташқари, ахборот жамияти “иқтисод 4.0” контекстида келажакдаги касбларнинг асосий векторларини белгилаб бермоқда. Таълимнинг узлуксиз шаклларининг ривожланишига таълим тизимидаги умумий вазият ҳам сабаб бўлади. Битирувчиларнинг билим ва кўникмалари даражаси кўпинча иш берувчиларни қониқтирмаслиги, рақамлаштириш,

билимлар жамияти ва фанлараро ҳамда соҳалараро кесишувда янги тармоқларнинг юзага келиши даврида профессионалга қўйиладиган талабларни акс эттирмайди. Замонавий иқтисодиёт билим, кўникма ва малакаларни доимий янгилаб боришни талаб қилади. Уларнинг фаоллашуви меҳнат бозорида инсоннинг иштирокини кенгайтиради. Мазкур дискурсда  ҳаёт давомида таълим шахсий ўсиш гарови, шунингдек, бутун мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.  Замонавий таълим трендлари ва тенденциялари "иккиламчи ижтимоийлашув", масофадан туриб касбий фаолиятнинг бир нечта турларини ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратади.

Россия Миллий тадқиқот университети **Стратегик тадқиқотлар марказининг** маълумотларига кўра, бугунги кунда Европа Иттифоқи мамлакатларида вояга етган аҳолини ҳаёт давомида таълим дастурлари билан қамраб олиш даражаси ўртача 40% ни ташкил этади. Бу маълумотлар узлуксиз таълим шаклларини, шу жумладан узлуксиз таълим амалиётини ривожлантириш имкониятларини кўрсатади.

Замонавий дунёда ахборот-таълим маконининг парадигмализмга асосланган табиати ва таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш истаги таълимий мақсадлар ва мазмуннинг хилма-хиллигини белгилайди. Муаммонинг ечими аввалги эмпирик тажрибани қайта кўриб чиқиш ва билим олишнинг янги шаклларини тақдим этиш, янги таълим моделларини синаб кўриш зарурати билан бевосита боғлиқ. Ҳаёт давомида таълим парадигмаси инсонни доимий ривожланувчи субъект сифатида тушуниш ҳақидаги гуманистик императивга таянади. Бу ривожланиш шахснинг таълим жараёнига даврий қайтишига маълум ижтимоий ва шахсий эҳтиёжнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Ушбу концепция контекстида таълим траекторияси шартли характерга эга эмас, шахснинг индивидуал билим фаоллигини назарда тутади, таълим шахснинг ахборот-таълим

майдонидаги селективлиги, мотивлари, эҳтиёжлари ва фаоллиги туфайли амалга оширилади. Ҳаёт давомида таълим замонавий одам ҳаётида ахборот-коммуникация оқимининг динамикаси, турбулентлик, ўзгарувчанлик шароитида барқарор тузилмаларга қараганда катта рол ўйнай бошлайди. Албатта, шахснинг мотивлари доирасига эрудияни кучайтириш, турли когнитив ва прагматик эҳтиёжларни қондириш, фаолиятнинг янги усуллари ва шаклларини излаш; эстетик завқ олиш, янги ҳиссий тажрибани бошдан кечириш, ўз маданий идентификациясини кенгайтириш, ўзига хос интеллектуал ва маданий капитални шакллантириш кабилар ҳам кириши мумкин. Шунингдек, ҳаёт давомида таълим форматида муваффақиятли фаолият ва билимларни ўзлаштириш учун фаол ҳаётий позиция, ижодий амбициялар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, рақамли маданиятнинг таълим хизматлари бозорида ҳаёт давомида таълим алоҳида аҳамият касб этади. У шахснинг ўзини ривожлантириш ғоясига мос келиши боис, шахснинг стратегик танловига ва ҳаёт тарзига айланади. Шахсий ривожланиш стратегияси сифатида устувор аҳамиятга эга бўлган қадриятлар туркумига қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: касбий, ижодий ва шахсий амбицияларни рўёбга чиқариш; вақтни бошқариш, тайм-менежмент техникалари; турли хил ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиш; янги кўникма ва компетенцияларни эгаллаш; меҳнат бозорининг рақобатли конюктураси ва контекстига мослашув ва ҳ.к

LLL таълим концепциясининг геронтологик аспектларининг алоҳида ижтимоий аҳамиятини қайд этиш лозим. Катта ёшдагиларнинг саломатлиги, ҳаёт мазмунини таъминлаш мақсадида жамият уларнинг доимий ривожланишига ёрдам бериши жуда муҳимдир. **Канада Альцгеймер жамиятининг** маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб бир миллиондан ортиқ канадаликнинг Альцгеймер касаллигидан (деменция тури, хотира пасайиши) азият чекиши тахмин қилинмоқда. Соҳа экспертларининг уқтиришича,

“мияни узлуксиз машқ қилиш ақлий фаолликнинг пасайишини олдини олади”[141]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2050 йилга келиб, 2015 йилга қараганда, 60 ёшдан ошган дунё аҳолисининг улуши деярли икки баробарга ошишини, бу Ер аҳолисининг 22 % ини ташкил қилишини тахмин қилмоқда.[142] Ҳозирги кунда кўплаб катта ёшдагилар меҳнат фаолиятини турли сабабларга кўра (иқтисодий, ижтимоий, шахсий ва б.) сақлаб қолишга интилмоқда. Геронтология соҳасига оид тадқиқотлар меҳнат фаолияти ва умр кўриш давомийлигининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Шу билан бирга, иқтисодий ривожланган давлатлар (АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Франция, Корея, Сингапур) мисолида айтиш мумкинки, дунёнинг кўплаб иқтисодиётлари, “демографик қариш” жараёнлари туфайли ишчи кучининг кескин танқислиги билан тавсифланади. 1991 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ишлаб чиқилган “Кексалар учун тамойиллар”[143], Халқаро катталар таълими конференцияси томонидан қабул қилинган **Гамбург декларацияси** (1997), Европа Иттифоқининг ҳаёт давомида таълим тўғрисидаги меморандуми (2000) каби халқаро ҳужжатлардан кекса одамларни рақамли воқеликда ўқитишнинг ижтимоий талаблари, катта ёшдагиларни ахборот жамиятига киритишнинг психологик, педагогик-андрагогик ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш; геронтологияни рақамлаштириш бўйича тьюторларни тайёрлаш; катта ёшдагиларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим моделларини жорий этиш; фойдаланувчилар учун мўлжалланган қулай дизайн ва мос интерфейс яратиш; катта ёшдагиларнинг илмий салоҳияти ва меҳнат ресурсларидан турли соҳаларда фойдаланиш масалалари ўрин олган.

---

[141] O'Grady, Anne. Lifelong Learning in the UK: An introductory guide for Education Studies. Oxon: Routledge. 2013. ISBN 978-1-136-34095-6.

[142]World Health Organization: Retrieved August 15, 2016. URL: http:// who.int/ mediacentre/ factsheets/fs404/en (мурожаат санаси 17.05.2020).

[143]Принципы Организации Объединенных Наций в отношении пожилых людей. 1991г. Резолюция 46/91 46-ой сессии Генеральной Ассамблеи ООН.

Шундай қилиб, LLL таълим концепцияси бир томондан ҳар томонлама шахсий ривожланиш, иккинчи томондан бутун жамиятнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш усулидир. Унинг билимга асосланган анъанавий таълим парадигмасидан концептуал фарқлари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал):

*1-расм*

**Lifelong Learning парадигмаси ва анъанавий таълимнинг концептуал таснифлари**

| **Анъанавий таълим** | **Lifelong Learning** |
|---|---|
| Шахснинг чекланган вақт давомида амалга ошириладиган билим ва кўникмаларни эгаллаш ва ривожлантириш жараёни | Шахснинг бутун ҳаётий фаолияти давомида амалга ошириладиган билим ва кўникмаларни узлуксиз эгаллаш ва ривожлантириш жараёни |
| Инсоннинг ривожланишида маълум градация ва муддатлар мавжуд | Инсон доимий ривожланувчи субъект |
| Таълим - иерархик конструкт | Ночизиқли формат |
| Таълим берувчи – билимлар манбаи | Чекланмаган таълим объектлари |
| Консерватив таълим муҳити | Интерфаол ахборот-таълим муҳити |
| Умумий таълим стандартлари ва таълим дастурлари | Таълим дастурларининг селективлиги, вариативлиги |
| Таълим чекланган вақт ва ҳудуд доирасида амалга ошади | Чекланмаган вақт ва ҳудуд доирасида амалга ошади |
| Стандартларда шахснинг индивидуал таълим стратегияси, шахсий мотивлари акс этмайди | Шахснинг индивидуал таълим стратегияси, мотивлари ва эҳтиёжларига мос таълим дастурлари |
| Менторинг | Фасилитация, коучинг, тьюторинг |
| Таълим олувчининг пассив таълим функциялари | Таълим олувчининг фаол таълим функциялари |
| Назарий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган | Прагматик характерга эга, амалиётга йўналтирилган |
| Тарихий модернизация жараёнларидан орқада қолиш хусусияти | Ижтимоий-эволюцион тараққиёт талабларига жавоб берадиган таълим дастурлари |

| | |
|---|---|
| Тайёр билимлар ўзлаштирилади | Билимлар ўқув-когнитив жараёнда яратилади |
| Эшитиш, эслаб қолиш, такрорлаш фаолиятига асосланган | Инсон табиатига хос, изланиш, ўрганиш, ижод қилиш, яратиш фаолиятини таъминлайди |
| Янги реал воқелик олдида саросима | Ўзгаришларга мослашувчанлик, адаптивлик |
| Пассив ижтимоийлашув | Фаол ижтимоийлашув |
| Анъанавий дидактик ресурслар | Янги методикалар ва инновацион технологиялар |
| Формал ўқитиш жараёни | Таълимнинг янги контенти, дизайни, узлуксиз таълим тектоникаси |
| Иерархик муносабатлар | Ўзаро ҳамкорлик, коллаборация, фаол коммуникация |
| Авторитет манбаларга таянилади | Конструктивизмга асосланган таълим муҳити |
| Коллектив тажриба | Шахсий эмпирик тажриба |
| Web 1.0 | Web 2.0, Web 3.0 |
| Муайян фан доирасида билимлар | Метадисциплинаризм, метабилимлар, фанлараро, тармоқлараро билим соҳалари конвергенцияси |
| Ҳамма учун бирдек муваффақиятли вазиятлар яратишга эътибор бермаслик | Ҳамма учун бирдек муваффақиятли вазиятлар яратишга эътибор бериш |
| Таълим олувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишнинг мураккаблиги | Таълим олувчининг индивидуал физиологик, психологик хусусиятларини, когнитив қобилиятини, ахборотни идрок этиш усулларини, темпераментни ҳисобга олиш |
| Шахсий ривожланишнинг даврий детерминантлари | Инсон - доимий ривожланувчи субъект (гуманистик императив) |

Европа Комиссиясини 1985-1994 йилларда муваффақиятли бошқарган Жак Делор раҳбарлигида фаолият олиб борган XXI аср таълими бўйича халқаро комиссиянинг 1996 йилда нашр этилган "Learning: The Treasure Within" номли маърузасида ахборот

жамиятида инсоният олдида турган асосий муаммоларнинг ечими сифатида ҳаёт давомида таълим концепцияси тилга олинади: “Ҳаёт давомида таълим ўзгаришлар жуда тез содир бўлаётган замонавий дунёда тобора долзарб бўлиб бормоқда. Анъанавий ҳаёт тарзининг тубдан ўзгариши натижасида дунёни яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган талаблар қаторида таълимнинг тўртта асосий тамойили ҳақида сўз боради. Жаҳон ҳамжамиятининг тарихи, урф-одатлари ҳақидаги билимларни ривожлантириш, келажакда инсониятни кутаётган хавф ва қийинчиликлар, муқаррар низоларни оқилона ва тинч йўл билан ҳал қилиш учун биргаликда яшашни ўрганиш; турли вазиятларни енгиш кўникмалари, касб ва малакага эга бўлиш, фикрлаш қобилияти, тасаввур, жисмоний қобилият, эстетик туйғу, бошқалар билан мулоқот қилиш қобилияти... билимларни олиш, янгилаш ва улардан фойдаланишга асосланган жамият”[144]. Илмий далиллар ва қарашлар таҳлили ҳаёт давомида таълим парадигмасининг базавий концептларини шакллантириш имконини беради (2-жадвал):

*2-жадвал*

**Lifelong Learning парадигмасининг базавий концептлари**

| | | |
|---|---|---|
| Ҳамма таълим олиши Ҳамма ёшда таълим олиши Ҳамма жойда таълим олиши | Барча ёш гуруҳлари | Барча билим соҳалари |
| Вақт жиҳатдан чекланмаганлик | Ҳамма ривожланиш имкониятига эга | Self-motivation (ўз-ўзини мотивациялаш) |
| Инсон капиталига таълим инвестицияларининг устуворлиги | Катталар таълими | Расмий ва нонформал таълим шакллари, ўқитиш усуллари, таълим контенти |

[144]Образование: сокрытое сокровище (Learning: The Treasure Within). Основные положения Доклада Международной комиссии по образованию для XXI века. Издательство ЮНЕСКО. 1996.

| | | |
|---|---|---|
| Селектив, вариатив таълим дастурлари | Интерфаол ахборот-таълим муҳити | Конструктивизм |
| Билимлар жамиятининг концептуал талабларига мос қадриятлар тизими | Билимлар жамиятининг мақсадлар таксономияси | Инсон - доимий ривожланувчи субъект (ахлоқий императив) |
| Коучинг ва фасилитация | VUCA-дунё дискурсида доимий ўзгаришлар ва ноаниқликни идрок этишга, кўп функцияли ижтимоий ролларни бажаришга, янги ғояларни яратишга очиқлик | Инсоният тажрибасининг ўсиб бораётган ахборот оқими билан детерминантлиги |
| Ҳаракат эркинлиги | Шахсий таълим стратегияси | Таълим муассасасини танлаш эркинлиги |
| Ўқув жараёнининг доимийлиги, унинг шаклларининг хилма-хиллиги | Фанлараро, метадисциплинар, тармоқлараро билимлар | Мамлакат иқтисодий ривожланишининг илмий-инновацион йўналиши ҳамда технологик тараққиётга мос таълим дастурлари |
| Касбий “омон қолиш” қонуни | Таълим олувчининг жамиятга, ижтимоий-касбий муҳитга шахсий мослашуви | Таълим олувчининг қадриятлари, шахсий ресурслари (вақт, соғлиқ, имконият), ўзига хослиги, индивидуаллигини тан олиш |

Таълимнинг ижтимоий-маданий миссиясининг анъанавий ва айни пайтда узлуксизлик ва янгиланиш, маданиятни сақлаш ва ўзгартиришнинг яхлитлигини таъминлашга қаратилган ёндашуви дискурсида рус тадқиқотчиси С.И.Гессен ижтимоий соҳа тури сифатида педагогикани амалий фалсафа сифатида тавсифлаш

тезисини илгарисуради[145].Узлуксизлик контекстида шахснинг когнитив фаолияти жараёнида билиш, эмпирик тажрибасини таҳлил қилишнинг эркинлик ва детерминизм тамойилини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу вазиятда ижтимоий дискурснинг муҳим концепти сифатида габитус тушунчасига мурожаат қилиш тўғри бўлади. **Габитус** – бу шахснинг онгсиз равишда табиатни идрок этиш, баҳолаш, таснифлашга оид хатти-ҳаракатлар тизими, эмпирик тажриба натижаси. Ижтимоий фанлар тизимига “габитус” атамасини Пьер Бурдье киритган, унга кўра: “Габитус - бу кучли тузилган структуралар вазифасини бажаришга мўлжалланган тизим[146]. Габитус шахснинг фаолият траекториясига боғлиқ бўлган индивидуал ижтимоий тажрибаси натижасидир. Габитус ижтимоий муҳит томонидан ишлаб чиқарилади, гуруҳ, синф, жамоа аъзоларининг ўхшаш одатларини келтириб чиқаради ҳамда шахсда муайян одат ёки амалий инстинктнинг ривожланиши, ҳар хил вазиятларда мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишга имкон беради. Одат тусига кирадиган шартлар, билим ва тўпланган тажриба амалий рационаллик асосида ҳаётий муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради. Таълим фаолияти нафақат онгни ва у билан узвий боғлиқ бўлган концептуал ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга, конструктив одатлар, амалий муносабат ва ижтимоий ҳаётнинг ахлоқий асосларини шакллантиришга қаратилган. Бундан ташқари, таълим фаолияти инсоннинг ҳаётий вазият талабларига муваффақиятли мослашишини, ностандарт ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги ғоялар яратиш ва маданий ижод жараёнида самарали иштирок этишга қаратилган.

Шундай қилиб, дунёда содир бўлаётган глобал ўзгаришлар тезлиги ва маълумотларнинг экспонент равишда кўпайиши *ҳаёт давомида таълим* концепциясини ўз-ўзидан пайдо бўладиган объектив эҳтиёжга айлантиради. Ахборот ва билимлар жамияти

[145] Гессен С. И. Основы педагогики. Введение в прикладную философию. – М.: Школа-Пресс, 1995. – 448 с.
[146] Бурдье П. Начала. – М.: Socio-Logos, 1994. – 288 с.

шароитида ҳаёт давомида таълим экотизимини яратиш учун тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, бизнесни илм-фан билан боғлаш, олий ўқув юртлари, университетлар ва илмий-тадқиқот институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, илм-фан, иқтисод ва ишлаб чиқаришнинг коллаборациясини йўлга қўйиш долзарб вазифадир. Рақамли иқтисодиёт контекстида рақамли маълумотлар ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида ишлаб чиқаришнинг асосий омили эканлиги, бизнес, илмий ҳамжамият, таълим, давлат ва фуқароларни ўз ичига олган самарали ўзаро алоқанинг таъминланиши зарурияти тадқиқотларда алоҳида қайд этилган.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг “рақамли иқтисодиёти” ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида ишлаб чиқариш, бизнес, илмий ва таълим жамоалари, давлат ва фуқароларни ўз ичига олган самарали коллаборациясини таъминлаш заруриятини тақозо этади. Мазкур вазиятда малакали кадрлар тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш, ўқитиш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлашнинг инфратузилмавий асосларини ташкил этиш, шу билан бирга, таълим ва касбий стандартларнинг мукаммал тизимини шакллантириш масалалари устувор аҳамиятга эга. Замонавий кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили ҳисобланган юқори технологияли саноат тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжининг квантитатив, аниқ ўлчамли, форсайт-таҳлилларини амалга ошириш, ўз навбатида, таълим муассасалари ва корхоналарнинг ўзаро манфаатли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишда ҳамкорлиги учун асос бўлади. Таълим муҳити ва иқтисодиётнинг реал сектори вакилларини бирлаштирган саноат ҳудудлари, техно-парк, бизнес-инкубатор, консорциумларнинг ташкил этилиши олий ўқув юртлари томонидан мутахассислар тайёрлаш стратегиясини шакллантиришда самарали қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳаёт давомида таълим моделлари замонавий моддий-техник ва ресурс базаси; иш берувчи ва ҳамкор университетларнинг экспертларини жалб қилган ҳолда юқори малакали ўқитувчилар таркиби; йирик компания, консорциумларнинг таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш амалиёти; битирувчининг компетенциялар мажмуини такомиллаштириш; амалиётга йўналтирилганлик; саноатнинг юқори технологияли тармоқларининг бошқарув ходимлари ва мутахассисларига бўлган эҳтиёжини прогноз қилиш тизимини такомиллаштириш; соҳавий ривожланиш стратегияларига асосланган дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни юқори технологияли саноат тармоқларида қўллаш; ҳаёт давомида таълим бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; таълим олувчининг таълим траекториясининг барча босқичларида (касбга йўналтириш, бакалавриат, магистратура, докторантура, малака ошириш, касбий қайта тайёрлаш) узлуксиз таълим учун инфратузилмани ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш; эҳтиёжга йўналтирилган таълим инфратузилмасини шакллантиришга асосланиш; фанлараро, тармоқлараро метадисциплинарликни назарда тутиш; турли йўналишлар бўйича таълим стандартлари билан тартибга солинадиган касбий компетенцияларнинг бутун мажмуасини шакллантириш; янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, лабораториялар, илмий марказларни яратиш, олий ўқув юртлари, илмий тузилмаларнинг ҳамкорлигига, коллаборациясига таяниш мақсадга эришишнинг самарали ечими бўлиб хизмат қилади (3-жадвал):

*3-жадвал*

## Lifelong Learning парадигмаси экотизими

| | | |
|---|---|---|
| Ҳаёт давомида таълим парадигмасининг ўз-ўзидан пайдо бўладиган объектив эҳтиёжлигини англаш | Таълим траекториясининг барча босқичларида (касбга йўналтириш, бакалавриат, магистрат, докторантура, малака ошириш, касбий қайта тайёрлаш) узлуксиз **таълим инфратузил-масини** яратиш | Ҳаёт давомида таълим моделларининг замонавий моддий-технологик ва ресурс базасини яратиш |
| Ҳаёт давомида таълим бўйича **таълимий ва кас-бий стандартларни ишлаб чиқиш** ва амалиётга жорий этиш | Ўқитиш тизимининг сама-радорлигини оширишга қа-ратилган **мақсадли дас-турларни** ишлаб чиқиш | Фанлараро, тармоқлараро **метадисциплинарлик** |
| Иқтисод, ишлаб чиқариш, бизнес, илм-фаннинг **коллаборацияси** | Йирик компания, консор-циумлар, иш берувчилар-нинг таълим дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш амалиёти | Университетлар ва илмий-тадқиқот инсти-тутларининг **ҳамкор-лиги** |
| **Рақамли иқтисодиёт** | Иқтисодиётнинг юқори технологияли соҳаларида малакали кадрлар тайёрлаш-нинг **меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш** | Инновацион экотизимга асосланган юқори мала-кали кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш |
| Саноатнинг юқори тех-нологияли тармоқларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини **прогноз қилиш** тизимини такомиллаштириш | Юқори технологияли саноат тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжининг аниқ ўлчамли, **квантитатив, форсайт-таҳлилларини** амалга ошириш | Таълим муҳити ва иқти-содиётнинг реал сектори вакилларини бирлаш-тирган **техно-парк, бизнес-инкубатор, саноат ҳудуди, консор-циумларни** ташкил этиш |
| Инновацион **бизнес-мада-ният** муҳитини яратиш | Илм-фанни талаб қиладиган **юқори технологияли** ишлаб чиқариш | Лабораториялар, илмий ва ўқув марказларини яратиш |
| Иш берувчи ва ҳамкор университетларнинг экспертларини жалб қилган ҳолда юқори малакали ўқитувчилар таркиби | Турли йўналишлар бўйича таълим стандартлари билан тартибга солинадиган **кас-бий компетенцияларнинг мажмуасини** шакллантириш | Битирувчиларга юқори технологияли турли соҳаларда **замонавий компетенцияларни тақдим этиш** |

## LIFELONG LEARNING ПАРАДИГМАСИНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ИМПЕРАТИВЛАРИ

**Self-education is, I firmly believe,**
**the only kind of education there is.**
Isaac Asimov

**Ҳатто энг кичик мавжудотнинг ҳаракати ҳам**
**бутун оламда ўзгаришларга олиб келади.**
Никола Тесла

Ижтимоий институт сифатида таълим ҳозирги кунгача инсоният тафаккури ва фаолияти асосида тараққиётнинг барча даврларида  тўпланган билимларни умумлаштириш билан машғул бўлган ҳамда оламнинг яралиши, эволяция, ҳаётнинг моҳияти, инсоннинг аъмолига оид фундаментал саволларга жавоб топишга интилган. Таълим узлуксиз жараён бўлиб, унинг асосида нафақат тараққиётнинг ўтган босқичларида тўпланган тажрибани ўрганиш, балки жамиятни ривожлантириш, тафаккурни кенгайтириш, ўзгарувчан ва мураккаб дунёда самарали фаолиятни таъминлаш ётади. Ижтимоий воқелик, жамият ҳаётининг ўзгариб бориши таълим-тарбияни ҳаракатлантирувчи кучдир, муваффақиятли таълимнинг энг муҳим хусусияти эса жамият ва инсоният тараққиёти талабларига жавоб бера олишидир.

Учинчи мингйилликнинг ижтимоий-маданий матрицаси –  тўртинчи саноат инқилоби, рақамли иқтисод, олтинчи технологик уклад, постглобаллашув, экспоненциаллик, турбулентлик, ахборот энтропияси, иқтисодий формация алмашинуви, қадриятлар тизими трансформацияси, фуқаролик жамиятларининг шаклланиши жамият, шахс ҳамда таълим олдига янги вазифаларни қўйди, хусусан, таълим-тарбия методологиясини ўзгартиришни, янги таълим парадигмасини яратишни тақозо этди. Бугунги кунда

тамаддуннинг концептуал талабларига жавоб бериш учун дунё таълим тизимларида янгича ёндашувлар, инновацион назариялар ва методикаларга асосланган парадигмал жараёнлар юз бермоқда. Ушбу трансформациянинг қуйидаги муҳим дефиницияларини санаб ўтиш мумкин:

– узлуксизлик, шахсий имкониятларни муттасил ривожлантиришга асосланган ҳаёт давомида таълим (lifelong learning) тамойилини миллий таълим тизимларига имплементацияси;

– антропоцентризм, инсонпарварлашув, инсон ҳуқуқлари, шахсга йўналтирилган ёндашув, шахс камолоти муаммолари;

– барқарор ривожланиш, экологик тафаккур, умумпланетар аҳамиятга молик муаммоларга эътибор, мутахассисларнинг ўз профессионал фаолияти учун ахлоқий жавобгарлик ҳиссини кучайтириш масалалари;

– рақамли иқтисодиёт дискурсида ижодий потенциални ривожлантириш; креатив, ностандарт фикрлайдиган, илм-фан, саноат, ишлаб чиқаришда янги усулларни топа оладиган, ташаббускор мутахассисларни тайёрлаш муаммолари;

– демократик тафаккур, фуқаролик ҳамжамиятида яшаш кўникмалари, сиёсий-ҳуқуқий онг, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш;

– global citizenship (глобал фуқаролик), дунёвий онг, миллий қадриятларга толерантлик, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги муаммолари;

– тамаддунлар конвергенцияси ва мультикультурализм контекстида маданиятлараро мулоқот, миллий менталлик ва қадриятлар тизимини сақлаб қолиш муаммолари;

– илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси, таълим дастурларининг мазмунини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига, инновацион жараёнларга мувофиқлигини таъминлаш масалалари;

– шахснинг иккиламчи ижтимоийлашуви, ижтимоий интеллект, шахсий, ижтимоий ва касбий компетенцияларни ривожлантириш (Р. Уайт, Ж. Равен назариялари).

Постмодернистик ахборот жамиятининг глобал мақсадларидан келиб чиқиб, бугунги кун таълими инсонларнинг маънавий-ахлоқий ва профессионал қиёфаси тез суръатларда ўзгариб бораётган дунёнинг концептуал талабларига мос бўлишига йўналтирилмоқда. Тадқиқотчилар томонидан инсоният тафаккуридаги технократик ёндашув, дунё ҳамжамиятининг глобал кун тартибидаги сиёсий, иқтисодий, экологик муаммолар, технологик таҳдидлар билан бир қаторда ижтимоий таҳдидлар, маънавий хатарлар – гуманизм, альтруизм, дунёвий онг, миллий-этник толерантлик, ижтимоий интеллектнинг паст коэффициентлари қайд этилади. Буларнинг барчаси таълим-тарбияда устувор этиб гуманистик ғояларни ҳимоя этиш, маданиятлараро мулоқот контекстида яшашни ўргатиш, ижтимоий интеллект, шахс экологияси, экологик тафаккур, ўз хатти-ҳаракати ва қарорлари учун жавобгарлик ҳиссини таркиб топтириш вазифасини қўймоқда. Ахборот жамиятида юзага келаётган маънавий таҳдидлар (*ахборот хавфсизлиги, кибербуллинг, киберсоциумда мулоқот этикаси, шахсий маълумотларнинг конфиденциаллиги*) шахснинг ижтимоийлашуви ва ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

XXI асрнинг глобал мейнстрим тенденциялари, ижтимоий-прагматик воқелик, инновацион иқтисодиёт, компанияларнинг бизнес моделлари таълимнинг глобал мақсадларини амалга ошириш дискурсида шахснинг ҳар томонлама ривожланиши тамойилларига мос касбий ва ижодий компетенцияларни шакллантириш долзарблигини тасдиқлайди.

Соҳага оид тадқиқотларнинг таҳлили компетенцияларни шакллантириш муаммосининг мураккаб ва кўп қиррали хусусиятининг мавжудлигига ишонч ҳосил қилишимизга имкон

беради. “Компетенция” метадисциплинар тушунча бўлиб, турли фан соҳаларининг (педагогика, андрагогика, социология, психология, менежмент) тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Компетенция, компетентлик, компетенциявий ёндашув, касбий компетенцияларни ривожлантириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар орасида Роберт Уайт (*Robert White)*[147], Жон Равен (*John Raven)*[148], Любовь Рейслер[149], Андрей Вербицкий[150], Ирина Зимняя[151], Герман Селевко[152], Андрей Хуторской[153], О. Мусурмонова[154], Р. Жўраев[155] каби хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг изланишларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотларнинг полиспектрал хусусиятига қарамай, фанда компетенция тушунчасининг ягона таърифи мавжуд эмаслигини таъкидлаш зарур. Мазкур вазиятга кўпгина тадқиқотчилар томонидан урғу берилади[156]. Умумий ва ижтимоий педагогикага оид луғатларда қуйидаги талқинларни учратиш мумкин: “*ижтимоий-педагогик компетенция - бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатларда ўз ижтимоий-педагогик имкониятларини англаш ва билиш қобилияти*”; “*ижтимоий компетенция – инсоннинг жамиятдаги ҳаёт меъёрлари ва қоидаларини етарли даражада бажаришига*

---

[147] White R.W. Motivation reconsidered: the concept of competence // Psychological Review. – 1959, Vol. 66, №. 5.- P. 297–333.
[148] Равен, Д. Компетентность в современном обществе: Выявление, развитие и реализация / Д. Равен. - М.: Когито-Центр, 2002. - 394 с.
[149] Рейслер Л. А. Межкультурная компетенция и ее структура // Профессиональный проект: идеи, технологии, результаты. 2012. № 1. С. 59-67.
[150] Вербицкий, А. А. Контекстно-компетентностный подход к модернизации образования //Высшее образование в России. - 2010. - № 5. - С. 32-37.
[151] Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата современного образования // Интернет-журнал “Эйдос”. 2006. 5 мая. URL: http://www.eidos.ru/journal /2006/0505.htm (мурожаат санаси 15.09.2019 г.).
[152] Селевко Г. Компетентности и их классификация / Г. Селевко // Народное образование. – 2004. – № 4. – С. 136-144.
[153]Хуторской, А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированного образования / А.В. Хуторской // Народное образование. - 2003. - № 2. - С. 5864.
[154] Мусурманова О. // Узлуксиз таълим тизимида укитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истикболлари: республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент, Низомий номидаги ТДПУ, 2013. - Б. 112118.
[155] Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. –Т.: Voris-Nashriyot, 2012.-167 б.
[156] Кострова, Ю. С. Генезис понятий «компетенция» и «компетентность» / Ю. С. Кострова. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2011. — № 12 (35). — Т. 2. — С. 102-104. — URL: https://moluch.ru/archive/35/4011/ (дата обращения: 23.08.2021).

*имкон берадиган ижтимоий кўникмалар (масъулият)*”[157]. Компетенция муаммосининг илк тадқиқотчиларидан бири, Массачусетс технология институти (АҚШ) профессори, лингвист, социолог **Ноам Хомский** (Noam Chomsky) компетенцияни лингвистика фани дискурсида “кўп омилли шароитда ривожланадиган интеллектуал қобилиятлар, билим ва қарашлар тизими” дея таърифлайди[158]. Инглиз тадқиқотчиси, социолог, Эдинбург университети фахрий профессори **Жон Равен** (*John Raven)* компетенцияни “маълум бир соҳада муайян бир ҳаракатни бажариш учун зарур бўлган ҳамда соҳавий билимлар, фанга доир кўникмалар, фикрлаш услублари, шунингдек ўз ҳаракатлари учун жавобгарликни англаш кабиларни ўз ичига олган хусусий қобилият”, дея талқин қилади[159] ҳамда 39 турдаги компетенцияларни (танқидий фикрлаш, мураккаб муаммоларни ҳал қилишга тайёрлик, ўзига ишонч, қатъиятлилик, биргаликда ишлаш қобилияти, шахсий масъулият ва б.) тизимлаштиради. Ҳаёт давомида таълим парадигмаси контекстида smart-компетенциялар, soft skills, мулоқот компетенциялари, нарратив компетенциялар[160], рақамли компетенциялар[161] фаол тадқиқ этилмоқда[162]. Педагогик-андрагогик амалиётда “компетентлик” таълим олувчининг ижтимоий ҳаётда ҳамда касб-ҳунар доирасида муваффақиятли фаолият олиб бориш учун тайёргарлигига аввалдан қўйилган талабларни англатади ҳамда шахснинг ижтимоийлашув даражаси, маънавий-аҳлоқий, интеллектуал салоҳияти ҳамда муайян соҳа доирасидаги назарий-амалий билимлари билан белгиланади. Рус тадқиқотчиси А.В. Хуторскойнинг

---

[157]Воронин А.С. Словарь терминов по общей и социальной педагогике / Науч. ред. проф. Г. Бухарина. - Екатеринбург, 2006. - 135 с. С. 42.

[158] Хомский, Ноам. Язык и мышление. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1972. – 122 с.

[159] Равен, Джон. Компетентность в современном обществе. Выявление, развитие и реализация / Дж. Равен. – М., 2002. – 396 с.

[160]Федорова В.П. Формирование нарративной компетенции как способа моделирования вторичного языкового сознания (английский язык, языковой вуз): Дис. ... канд. пед. наук: 13.00.02: Москва, 2004. - 194 с.

[161] Шарипова О.М. Модель компетенций для персонала в условиях цифровизации и Индустрии 4.0 // Креативная экономика. 2019. Том 13. № 12. – С. 2411-2420.

[162] Волгина С.В. К вопросу об изменении содержания и качества высшего образования в условиях цифровой экономики с позиции компетентностного подхода // Тенденции развития науки и образования. – 2019. – Том 50. №7. - С.12-15.

сўзларига кўра, компетенция – “таълим олувчининг касбий тайёргарлиги учун олдиндан белгиланган ижтимоий талаб ва меъёрлар”дир[163]. Хуторской “мураккаб маданий фаолият” сифатида компетенцияларнинг иерархиясида қуйидаги учта даражани ажратади: 1. Таянч, метапредмет, энг умумий компетенциялар (қадриятлар-қиймат-моҳият, умуммаданий, ўқув-когнитив, ахборот, коммуникатив, ижтимоий меҳнат, шахсий ривожланиш); 2. Предметлараро, фанлараро компетенциялар (муайян фанлар ҳамда ўқув предметлари кесишмасида). 3. Субпредмет (муайян ўқув предмети доирасида). Рус педагоги, профессор Герман Селевко компетенцияларни фаолият турларига, фан соҳаларига, шунингдек, ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш соҳаларига, ижтимоий етуклик босқичларига кўра таснифлайди[164]. Тадқиқотчи И.А.Зимняя уч турдаги компетенцияларни ажратиб кўрсатади: 1) шахснинг ўзига тегишли бўлган компетенциялар; 2) шахс ва ижтимоий муҳитнинг корреляцияси (ўзаро таъсири) билан боғлиқ компетенциялар; 3)инсоннинг касбий-ҳаётий фаолияти билан боғлиқ компетенциялар[165].

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда компетенцияларни ўрганиш бўйича тўртта илмий мактаб ва ёндашувлар фаолият олиб боради – Америка, инглиз, француз, немис мактаби, Австрия ёндашуви. Америка мактаби компетентликнинг хулқ-атвор, ҳаракат, фаолиятга йўналтирилган хусусиятларини ўрганишга аҳамият беради. Алоҳида қайд этиш лозимки, “компетенция” тушунчаси Америка мактаби вакилларидан бири, педагог, социолог, психолог Роберт Уайт (*Robert White)* томонидан илмий муомалага киритилган. Р. Уайт 1959 йилда ўзининг “Мотивация

[163] Хуторской, А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты [Электронный ресурс] / А.В. Хуторской // Интернет-журнал «Эйдос». – 2002. – 23 апреля. – Режим доступа: http://eidos.ru/journal/2002/0423.htm (мурожаат санаси 17.09.2019).

[164] Селевко Г. Компетентности и их классификация / Г. Селевко // Народное образование. – 2004. – № 4. – С. 136-144.

[165] Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата современного образования // Интернет-журнал "Эйдос". 2006. 5 мая. URL: http://www.eidos.ru/journal /2006/0505.htm (мурожаат санаси 15.09.2019 г.).

концепциясини қайта кўриб чиқиш: компетенция тушунчаси" (Motivation Reconsidered: the Concept of Competence) номли рисоласида компетенцияни "*атроф-муҳитга таъсир ўтказиш, шахс эркинлигини амалга оширишнинг потенциал имконияти ёки қобилияти*", дея таърифлайди[166]. Р.Уайт назариясининг ўзига хос хусусияти компетенция ва мотивация функциясининг детерминантлиги эди. Унга кўра, компетенциялар таркибий жиҳатдан шахсий хусусиятлардан, шу жумладан мотивациядан иборат эди. Р.Уайт ғоялари таъсирида "компетенциявий мотивация" тушунчаси илмий муомалага киритилди. Тадқиқотчилар компетенциянинг кўп компонентли ҳодиса эканлигини таъкидлайдилар[167].

Европа Кенгаши бир вақтнинг ўзида мазкур атаманинг бир нечта таърифларини келтиради:

– масъулиятни ўз зиммасига олиш, жамоа, гуруҳнинг қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиш, низоларни ҳал қилиш, демократик институтларни такомиллаштиришда иштирок этиш қобилияти каби сиёсий ва ижтимоий компетенциялар;

– полилингвистик, кўпмаданиятли жамиятнинг семантик хусусиятлари билан боғлиқ компетенциялар (ирқчилик, ксенофобия ва муросасизлик муҳитини бартараф этиш учун маданиятлар, тиллар ва динлар ўртасидаги фарқларни қабул қилиш, бошқаларни ҳурмат қилиш, одамлар билан яшаш кўникмалари;

– иш ва ижтимоий ҳаёт учун айниқса муҳим бўлган мулоқот компетенциялари;

– жамиятни ахборотлаштириш билан боғлиқ бўлган ахборотдан фойдаланиш, танқидий баҳолаш кўникмалари;

[166] White R.W. Motivation reconsidered: the concept of competence // Psychological Review. – 1959, Vol. 66, №. 5. – P. 297–333.

[167] Божко Е.М., Ильнер А.О. Компетентностный подход в России и за рубежом: исторические и теоретические аспекты. Мир науки. Педагогика и психология / World of Science. Pedagogy and psychology. 2019, №1, Том 7. https://mir-nauki.com/issue-1-2019.html (мурожаат санаси 23.08.2021).

– шахсий, касбий, ижтимоий фаолият контекстида ҳаёт давомида таълим олиш компетенциялари[168].

Ўзгарувчан ва турбулент дунёнинг концептуал воқелиги контекстида мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва компетентлиги муҳим ўрин тутади. Муайян соҳадаги назарий ва амалий билимлар доирасида, прагматик тажриба асосида фаолият олиб бориш, билимларни амалиётда, ностандарт ҳаётий вазиятларда ижодий қўллай олиш қобилияти сифатида компетенциявий ёндашув энг прогрессив, перспектив услуб сифатида баҳоланмоқда. Компетентлик нафақат касбий-назарий билимларни, балки метабилимлар сирасига кирувчи психоэмоционал, вербал, рефлектив, ижтимоий билимларни эгаллаш заруриятини тақозо қилади. Шу боис компетенциявий ёндашув прагматик ва амалий аҳамиятга эга. **Европа таълим жамғармаси** (ЕТЖ) луғатида компетенцияга қуйидагича таъриф берилган:

1. Бирон- бир иш-ҳаракатни самарали амалга ошириш.
2. Ишга қабул қилишда талабларга мос келиш.
3. Муайян касбий фаолиятни олиб боришга қодирлик.

Мазкур диссертация доирасида тадқиқотчи томонидан *компетенциялар - инсон хулқ-атворининг чексиз хилма-хил ҳаётий вазиятларга мослашиши, инсониятнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолиятининг турли тарихий даврлари давомида тўпланган, маълум бир фаолият соҳасидаги муайян ҳаракатларни самарали бажаришга қаратилган билим, кўникма ҳамда эмпирик тажрибасининг ҳаётий вазият ҳамда касбий фаолиятда қўллай олиш қобилияти, танлаш масъулияти,* деб англаш таклиф қилинади.

Шу ўринда компетенциявий ёндашувнинг баъзи олимлар томонидан “билим”, “кўникма” ва “малака” категорияларига қарама-қарши қўйиб қўлланилиши кузатилишини қайд этиш зарур. Субъектив фикримизча, бундай ёндашувни тўғри деб бўлмайди.

[168] Hutmacher, Walo. Key competencies for Europe // General Report of the Symposium. Berne, Switzerland, 27-30 March, 1996. Council for Cultural Co-operation (CDCC) // A Secondary Education for Europe. Strasbourg, 1997. - 16-18 p.

Компетенциявий ёндашув когнитив ҳаракатлар таксономиясида иерархиянинг назарий билим, кўникма ва малакалар асосида турли қобилиятлар шакллантирилиши ҳамда ривожлантирилишига асосланган навбатдаги босқичи ҳисобланади. Зеро, компетенциявий ёндашув ўз ичига нафақат назарий билимларни, балки ҳаётий билимларни қамраб олади. Унинг қўлланилиши тадқиқотчилар ва экспертлар томонидан постмодернистик ахборот даврида глобал коммуникацияни ривожлантириш ва жамият имкониятлари кенгайишининг муҳим омили, деб баҳоланмоқда.

Замонавий жамиятлар олдида турган кенг қамровли вазифалар компетенциявий ёндашувнинг аҳамиятини янада оширади. Анъанавий таълимдан фарқли равишда компетенциявий ёндашувга асосланган таълимда ўқитувчининг вазифалари кенгроқ ва батамом трансформацияга учрайди. Компетенциявий парадигмага асосланган таълим муҳити моҳиятан ўқувчиларда танқидий тафаккур, мустақил билим олишга бўлган мотивацияни ривожлантиришга, метапредмет компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга асосланган фасилитациядир. **“Таянч компетенцияларни аниқлаш ва саралаш”** номли **Европа лойиҳасида** (DeSeCo) таянч компетенциялар “жамиятнинг самарали фаолият юритиши ва ҳаётий муваффақиятларнинг омили” сифатида баҳоланади.

Европа Кенгашининг ҳисоботида таъкидланган асосий компетенциялар тизимига қуйидагилар киради: *масъулиятни ўз зиммасига олиш қобилияти; қарор қабул қилиш; конфликт-менежмент, низоларни бошқариш, низоларни зўравонликсиз ҳал қилиш; демократик институтларни сақлаш ва такомиллаштиришда иштирок этиш; кўп маданиятли жамиятда ҳаёт билан боғлиқ компетенциялар, ирқчилик ва ксенофобия намоён бўлишини назорат қилиш, бошқа маданият, тил ва дин вакиллари билан яшаш имкониятига эга бўлиш, фарқларни қабул қилиш, бошқаларни ҳурмат қилиш, бағрикенглик муҳитини ривожлантириш*

*учун зарур маданиятлараро компетенциялар; иш ва ижтимоий ҳаёт учун муҳим бўлган оғзаки ва ёзма мулоқотни ўзлаштириш билан боғлиқ компетенциялар; технологияларга эга бўлиш, уларнинг қўлланилиши, кучли ва заиф томонларини тушуниш ва оммавий ахборот воситалари ва реклама тарқатадиган маълумотларни танқидий баҳолаш усуллари каби жамиятни ахборотлаштиришнинг ўсиши билан боғлиқ компетенциялар; шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётда умр давомида таълимнинг асоси сифатида ҳаёт давомида ўрганиш қобилияти.*

Дунё амалиётида компетенцияларнинг универсал типологик таснифини ҳамда моделини яратишга бўлган уринишлар кўп бўлишига қарамай, ҳозиргача яхлит бир тизим, ягона классификация мавжуд эмас. **Европа Кенгаши** таянч компетенциялар таснифини, хусусан, чет тилларни ўрганиш соҳасида CEFR – умумевропа компетенцияларини таклиф қилган бўлса-да, кўпгина давлатлар уни ўз геосиёсий ва ижтимоий хусусиятлари асосида мослаштирган. Буюк Британия тўртта таянч компетенцияни илгари суради. Таълим жараёнида ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган таянч компетенциялар ҳар бир фан доирасида предметга оид компетенцияларни шакллантириш билан параллел равишда олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Европа Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) **Таълим – 2030** лойиҳаси касбий компетенцияларнинг универсал моделини ишлаб чиқиш бўйича жаҳон таълим дастурларининг қиёсий таҳлилини олиб бормоқда. Асрлар давомида ўқув жараёнининг ўзи саноат-конвейер тамойили асосида қурилган бўлиб, бир хил турдаги билимларни олиш, чизиқли таълим режаси бўйича шаблонлар асосида ҳаракат қилишга мўлжалланган. Касбий фаолият учун зарур бўлган кўникмалар тўплами жуда стандарт ва статик (ўзгармас) бўлади деб тахмин қилинган ва мутахассисларнинг касбий лаёқатини ривожлантириш учун вақти-вақти билан малака ошириш курсларидан ўтиши керак бўлган.

Таълим дастурлари ҳамкорлик технологиялари, шахсий таълим стратегияси, когнитив ривожланиш, медиа саводхонлик, атроф-муҳитнинг юқори мураккаблиги, ностабиллик (Volatility), ноаниқлик (Uncertainty), мураккаблик (Complexity), ўзгарувчанлик (Ambiguity) хусусиятларини намоён қилувчи VUCA-дунё шароитига мослашувчанлик, ностандарт вазифаларни ҳал қилиш қобилияти, шахсий ривожланиш ва муваффақиятга интилиш каби ижтимоий мақсадларни кўзламаган эди.

Соҳа экспертлари, мутахассислар яқин келажакда инсоният иқтисодий-ижтимоий тузумнинг тубдан ўзгаришига дуч келишини, бунга технологиянинг жадал ривожланиши ва унга боғлиқ ижтимоий ўзгаришлар таъсир қилишини даъво қилмоқда. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форумининг асосчиси ва президенти Клаус Мартин Шваб (Klaus Martin Schwab) 2016 йилда Давосда (Швейцария) қилган маърузасида тўртинчи саноат инқилоби ғоясини батафсил баён этди. Тадқиқотчининг фикрича, яқин келажакда инсоният илгари ҳеч қачон кўрмаган миқёсдаги ўзгаришларга ва мураккабликка дуч келади. Узоқ муддатли истиқболда янги технологик ўтиш самарадорлик, маҳсулдорлик ва иқтисодий ўсишда инқилобий ютуқларга олиб келиши мумкин, лекин шу билан бирга, қисқа муддатда глобал иқтисодиётда сезиларли номутаносибликларни келтириб чиқариши, тенгсизлик-ни чуқурлаштириши ва глобал тизимли ишсизлик хавфини келтириб чиқариши мумкин. Ахборот жамиятига хос бўлган асосий трендларни, XXI асрда қандай кўникмалар талаб қилинишини аниқлаш учун жамиятни ўзгартираётган жараёнларни аниқлаш ҳамда бу ўзгаришларнинг саноатнинг муайян соҳалари ва йўналишларида мутахассислар фаолиятига таъсирини ўрганиш зарур. Global Education Futures, Future Skills каби тузилмалар экспертлари турли соҳаларга оид мавжуд прогнозларни умумлаштириш орқали иқтисодиётнинг барча тармоқларига сезиларли таъсир кўрсатадиган келажак иқтисодиёти, жамият

тузилиши ва меҳнат бозори тектоникаси қиёфаси билан боғлиқ бир қанча тенденцияларни аниқлади. Соҳа мутахассислари томонидан илм-фан, иқтисодиёт ва жамиятнинг долзарб истиқболлари ҳамда технологияларнинг стратегик йўналишларини белгилаш, замонавий таълим методологияси ва трендларини лойиҳалаштиришда қуйидаги ижтимоий дефиницияларга асосланиш зарурлигини таъкидлайдилар:

**1. Ягона ахборот-мулоқот макони**. Замонавий постиндустриал тамаддун юқори технологиялар ва рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантиришга асосланган ҳамда қуйидаги дефиницияларга эга: шахснинг минтақалар, мамлакатлар ва халқларнинг ахборот-иқтисодий интеграцияси жараёнларида фаол иштирок этиши; телекоммуникациялардан кенг фойдаланишга асосланган янги технологик тизимлар; меҳнат ва капитал бозори билан бирга ахборот ва билимлар бозорини яратиш ҳамда ривожлантириш; ахборот хизматлари кўрсатиш; ахборот алмашиш имкониятларини кенгайтириш орқали таълим, илм-фанни ривожлантириш даражасини ҳамда малака, компетентлик ва ижодкорлик ролини ошириш; демократик тараққиётнинг муҳим шарти сифатида фуқаролар ва ижтимоий институтларнинг ахборотни эркин олиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш.

**2. Технологик трансформация**. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш, автоматлаштириш, мураккаб когнитив ҳаракатларга қодир автоном тизимларнинг ривожланиши таъсирида иқтисодиётнинг барча тармоқларида инсон меҳнатининг роли ўзгаради. Ахборотнинг барча турларини рақамли шаклга ўтказиш, нано-, био- ва нейроинтерфейслар фаолиятнинг барча соҳаларига кириб боради. У бизнесни, шаҳарларни ва ҳатто шахсий фаолиятни бошқаришга бўлган муносабатни ўзгартирмоқда. Интернет технологиялари инсониятнинг энг муҳим технологик ютуқларидан бирига айланди. Маълумотларга кўра, 2015 йилда мобиль алоқадан фойдаланувчилар сони етти

миллиардни ташкил этган. Рақамлаштириш тенденциясининг кўламини Интернет-трафикнинг экспоненциал ўсиши тасдиқлайди. Интернет тизими нео-этник тенденциялар, субмаданиятнинг янги турларини келтириб чиқаради. 2017 йилда Tesla Motors компанияси директори, таниқли тадбиркор-новатор, инженер, фан популяризатори Илон Рив Маск (Elon Reeve Musk) Neurolink яратилишини эълон қилди, у мия-компьютернинг тўлиқ ҳуқуқли интерфейсини яратиш устида ишлайди. Инсон мияси ва компьютерларни симбиози орқали ақлий маҳсулдорликни кескин оширишга ҳаракат қилмоқда. Бу йўналишнинг жадал ривожланиши миянинг ҳамда инсон геномининг декодлашидан кейин бошланган биотехнологик инқилобга ўхшаш тарзда бошланиши мумкин.

**3. Жаҳон иқтисодиётининг либераллашуви**. Постиндустриал жамият жаҳон иқтисодиётида чуқур ўзгаришларга олиб келди; истеъмол жамияти, хизматларнинг устунлиги, меҳнатга янгича муносабат, атроф-муҳитга эътиборнинг кучайиши, ахборотлаштириш каби хусусиятлар касб этди. Либераллаштириш, шубҳасиз, ижобий тенденция сифатида капиталнинг халқаро ҳаракати учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлди. Шу билан бирга, либерализация, ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига боғлиқ феномен сифатида иқтисодиётни беқарорлаштиради, узоқ давом этиши мумкин бўлган инқирозларни юзага чиқаради.

**4. Урбанизация даражасининг ошиб бориши.** Глобал иқтисоднинг натижаси сифатида шаҳарлар ўсиб бормоқда, 2050 йилга келиб дунё аҳолисининг учдан икки қисми шаҳарларда истиқомат қилиши тахмин қилинади. Урбанизация билан боғлиқ янги экологик хавфлар: шаҳарларда ҳаво сифатининг ёмонлашиши, автотранспорт воситаларининг ортиши, бахтсиз ҳодисалар сонининг кўпайиши – пайдо бўлмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий-демографик жараёнлар ташқи миграция, маданиятлараро мулоқот, маданий ҳамкорлик, гендер тенглиги, умр кўриш

давомийлигининг ошиши, хотин-қизларнинг иқтисодиётдаги ролининг ортиши каби янги ижтимоий манзарани шакллантиради.

**5. Тармоқ тизимларининг вужудга келиши.** Ишлаб чиқариш, компаниялар, бизнес-жамоаларни бошқаришнинг янги ва янада мослашувчан усулларининг пайдо бўлиши тармоқ технологияларининг ривожланиши, блокчейн технологиясига асосланган ечимларнинг кўпайиши билан ифодаланади.

**6. Тўртинчи саноат инқилоби**. Саноат ривожланиб борган сари муҳим технологик сакраш босқичларини (саноат инқилоби) босиб ўтади. Мавжуд саноат инқилоби трансформацияси экспертлар томонидан квант, блокчейн, киберфизик тизимларнинг иқтисодга оммавий жорий қилиниши билан тавсифланадиган тўртинчи саноат инқилоби (The Fourth Industrial Revolution) деб аташ таклиф қилинмоқда. Мазкур жараённи олтинчи технологик уклад (techno-economic paradigm) иқтисодий циклининг бошланиши деб ҳам ҳисоблаш мумкин (Н. Д. Кондратьев[169], С. Ю. Глазьев[170], Йозеф Алоиз Шумпетер[171] моделлари бўйича). Тўртинчи саноат инқилоби жисмоний, рақамли ва биологик соҳалар орасидаги чегараларни мавҳумлаштириб, кенг тарқалган рақамлаштириш билан тавсифланади.

**7. Яшил иқтисод.** Барқарор ривожланиш концептосфераси асносида компаниялар, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг экологик муаммоларга бўлган эътибори, бизнес ва иқтисодда экологик метафораларнинг кенг қўлланилиши кузатилмоқда.

**8. Полилингвизм ва мультикультурализм.** Ҳозирда турли мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари, компаниялар коллаборациясига асосланган мураккаб маҳсулотлар (наноматериаллар, квант

---

169 Кондратьев Н. Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения / Сост. Ю. В. Яковец. — М.: Экономика, 2002. — 768 с. — ISBN 5-282-02181-1..

170 Нанотехнологии как ключевой фактор нового технологического уклада в экономике / Под ред. С. Ю. Глазьева и В. В. Харитонова. — М.: Тровант, 2009. — 304 с.

171 Блауг М. Шумпетер, Йозеф А. // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикус, 2008. — С. 333. — 352 с. — (Библиотека «Экономической школы», вып. 42). ISBN 978-5-903816-01-9.

компьютерлари, 3D форматдаги маҳсулотлар, электромобиллар) ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Келажакда инсоният тобора халқаро оффлайн ва онлайн жамоаларда ишлаш режимига ўтади. Мазкур шароитда нафақат чет тилларини мукаммал билиш, балки ҳамкор мамлакатларнинг миллий ва маданий шароитларини тушуниш, миллий саноатларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш ҳам фойдали бўлади.

**9. Соҳалараро коллаборация.** Замонавий иқтисод саноатлараро коллаборация, турли соҳаларнинг кооперацияси ҳамда симбиозини (сунъий интеллект, медицина, нанотехнологиялар ва б.) тақозо этади. Бу эса мутахассислардан ўз соҳасига алоқадор бўлмаган тармоқларда мавжуд технологиялар, жараёнлар тўғрисида билим, тушунча ва компетенцияларни талаб қилади.

**10. Истеъмолчига йўналтирилганлик.** XXI асрнинг ижтимоий воқелиги, хусусан, истеъмолчи учун рақобат янада кучайиши шароитида бизнес-компаниялар мижознинг талаб ва эҳтиёжини релевант тушуниш ва идеал ечимни таклиф қилиш, турли хил хизматлар кўрсатиш бўйича сервисни яхшилаш соҳасида фаолиятни кучайтиришлари лозим бўлади.

**11. Ижтимоий стратификация.** Замонавий постиндустриал ижтимоий тизимларда стратификациялаш динамикаси сезиларли даражада секинлашмоқда. Бу, биринчи навбатда, йирик капиталнинг тез ўсиши ва янги жаҳон элитасининг шаклланиши билан боғлиқ: бугунги кунда 8 % аҳоли дунё бойлигининг 80 % ига эгалик қилади. Бундай вазиятда ижтимоий мақомнинг ўсишига бўлган умидлар сезиларли даражада камаяди.

**12. Замонавий онг мифологемалари.** Постмодернизм деб белгиланган доминантлар таъсирида шаклланган замонавий мифологик тафаккурнинг хусусиятлари бугунги кунда маданиятнинг кўплаб ҳодисалари мифологияга айланиб бораётганида намоён бўлади. Замонавий жамиятда оммавий маданият, постмодернистик рамз ва симулякрлар, мифологик тафаккур яна

долзарблик касб этди. Иқтисод, сиёсат, ижтимоий ҳаётга жамиятнинг янги тури - постиндустриал ахборот жамиятининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган хусусиятлар мажмуи бевосита таъсир қила бошлади. Янги давр одами қадриятлар тизими алмашинуви, ижтимоий ҳаётнинг рационализацияси ҳамда инсоннинг ички дунёсининг қашшоқлашиши шароитида анъанадан ажралиб қолганлигини ҳис қилиб, кўплаб тажрибаларни шакллантириш билан боғлиқ функцияларни оммавий маданиятга топширди. Идеал дунё оммавий маданиятнинг мифологик конструкцияларида қайта тикланди. Оммавий маданият анъанавийлик бўшлиғини тўлдириб, анъанавий маданият сингари, маълум бир барқарорлаштириш механизми, унинг яхлитлигини сақлашга қаратилган қадриятлар ва маъноларнинг жамиятда самарали айланишини таъминлайдиган алоқа тизими сифатида ишлай бошлади.

**13. Жараёнлар экспонентаси**. Юқорида санаб ўтилган ўзгаришларнинг барчаси битта умумий метатренд таъсири остида содир бўлади – жараёнларнинг ўзгариш динамикаси ва тезлиги. Янги технологик ечимлар ва ижтимоий амалиётлар тобора тез ривожланмоқда. Бу метатренд нафақат кўрсатилган ўзгаришларга таъсир қилади, балки атрофдаги дунёнинг янгиланиш тезлигини ҳам белгилайди. Ҳозирда мавжуд бўлган ижтимоий институтларнинг аксарияти технологик-ижтимоий глобаллашув, иқтисодий, технологик ва маданий), ишлаб чиқариш тизимлари, истеъмол товарлари, илмий билимлар ва маданий кодлар трансмиллий ҳамкорликнинг роли ортиб бораётган гипер-боғланган дунёда фаолият олиб боришга тайёр эмасликни намоён қилади. Иқтисод ва социумнинг ўзгариши таълим моделининг тектоникаси, логикаси ва траекториясини қайта кўриб чиқишни, билимларнинг янги тўпламини аниқлашни талаб қилади. Айнан шу вазиятда янги ижтимоий-иқтисодий устқурмага ўтишини осонлаштирадиган янги таълим парадигмаси пайдо бўлиши кузатилади. Тадқиқотчи

Г.В. Никитина янги парадигма шароитида компетенцияларни шакллантириш полиаспектуал муаммо эканини, таълим макони-нинг ижтимоий амалиёт билан коллаборациясини тақозо этишини уқтиради[172]. Бу масала "Ижтимоий ўзгариш учун таълим экотизим-лари" Global Education Futures ҳисоботида батафсилроқ муҳокама қилинган[173]. Гап ҳар бир инсоннинг индивидуал салоҳияти ҳамда инсониятнинг эгрегор (коллектив салоҳият) потенциалини тўлиқ очиб беришга имкон берадиган янги таълим экотизими ҳақида боради. Мельбурн университети профессори, компетенциялар бўйича йирик эксперт **Патрик Гриффин** (Patrick Griffin) XXI асрнинг кўникма ва малакалари тизимида энг муҳимлари қаторида фаол коммуникация, эмоционал интеллект, тизимли тафаккур, кўпвазифалик шароитида стрессларни бошқариш, инсонларни бошқариш (лидерлик) кўникмалари, мультикультурализм, жамоа-да ишлаш қобилияти, ижодкорлик каби компетенцияларни киритади[174]. Гриффин томонидан ишлаб чиқилган XXI аср кўник-маларини ривожлантириш концепцияси Мельбурн (Австралия), Европа, Африка мамлакатларининг таълим дастурларида самарали қўлланилмоқда.

Технологияларнинг мислсиз жадаллашуви, ахборот энтропияси, қидирув механизмлари, робототехника ва сунъий интеллект асрида ўқув тизимини ҳамда таълим контентини қайта кўриб чиқиш заруратини туғдирди. Тадқиқотчилар, гуманистлар, педагогик ҳамжамият ўқув дастурларини аниқ фанлараро конструкциялар билан бойитиш, ахборот ва билимлар жамиятида танқидий фикрлаш, билимларни яратиш, маълумотларни синтез қилишни ўргатишга мўлжалланган 4D - таълим дастурлари ҳақида ўйламоқда. Дунё миллий таълим тизимларида мавжуд таълим

---

[172]Никитина Г.В. Формирование профессиональных и социальных навыков XXI века в трансформирующемся образовании: потенциал социальной практики // Современная высшая школа: инновационный аспект. - 2019. - Т. 11. - № 2. С. 87-92.

[173] https://futuref.org/educationfutures

[174] Griffin P., Care E., Wilson M. Assessment and Teaching of 21st Century Skills. Melbourne, Springer, 2017. - 276 p.

концепциялари, педагогика, андрагогика, социология, таълим менежментига оид тадқиқотлар доирасида, шунингдек, келажакка йўналтирилган хусусий методикалар маҳсули (форсайт-таҳлиллар) сифатида XXI асрнинг муҳим компетенциялар тизимини яратишга уринишлар мавжуд. **Форсайт** (ингл. foresight — келажакка нигоҳ, назар, келажакни башорат қилиш, олдиндан кўриш) – Европа мамлакатлари амалиётида XXI асрнинг охирларида ишлаб чиқилган ҳамда бизнес ва давлат бошқарувида фаол қўлланиладиган ижтимоий технология сифатида иштирокчиларга ҳамкорликда саноат, муайян минтақа ёки мамлакатни ривожлантириш истиқболлари, прогнозини яратишга имкон беради.

Форсайт-технологиянинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Келажак саъй-ҳаракатларга боғлиқ – уни яратиш мумкин.
2. Келажак ўзгарувчан: у нафақат ўтмишга, балки иштирокчилар ва манфаатдор томонларнинг қарорларига боғлиқ.
3. Башорат қилиш мумкин бўлган соҳалар мавжуд, аммо умуман олганда, келажакни ишончли тарзда башорат қилиб бўлмайди.
4. Биз кўрмоқчи бўлган келажакка тайёргарлик кўришимиз ёки уни ўзимиз яратишимиз мумкин.

Россияда **Skills Technology Foresight** методикаси асосида янги касблар атласининг мазмуни ишлаб чиқилган. У халқаро эътирофга сазовор бўлди, хусусан, Жаҳон банки ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан қўшма лойиҳаларда фойдаланилди. Атласда йирик компанияларнинг иш берувчилари томонидан келажакда муваффақият қозониш учун энг муҳим деб топган мета-компетенциялар санаб ўтилган. Мета-компетенцияларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар саноатнинг турли тармоқларида самарали ишлашга, саноат тармоқлари ўртасида ҳаракатланишга ва янги вазиятларга мослашишга имкон беради.

Америкалик тадқиқотчи, бизнес-консалтинг асосчиларидан бири **Том Петерс** (Tom Peters) XXI асрда саноат ва компанияларнинг муваффақияти ходимларнинг қуйидаги компетенцияларига узвий боғлиқлигини эътироф этади:

– ўз ишига бўлган иштиёқни намойиш этиш;

– стратегик тафаккур;

– катта масштабларда фикрлаш;

- бошлаган ишини охирига етказа олиш;

– ўзгаларни илҳомлантира олиш;

– стресс-менежмент[175].

2002 йилда бизнес, таълим ва сиёсат раҳбарлари миллий коалицияси томонидан XXI аср компетенцияларининг барча учун аҳамияти ҳамда XXI асрга тайёрлик масаласини АҚШ таълим муассасаларининг диққат марказига қўйиш ҳақидаги миллий мулоқотни ривожлантириш мақсадида Миллий таълим ассоциацияси (National Education Association), таълим вазирлиги, Apple Computer, Dell Computer Corporation, Microsoft Corporation ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат нодавлат нотижорат ташкилоти – **XXI аср кўникмалари йўлида ҳамкорлик уюшмаси** (Partnership for 21st Century Skills, P21) ташкил этилди. Мазкур уюшма иқтисодиёт ва технологиялар юксак суръатларда ўзгариб бораётган рақамли жамиятда муваффақиятли фаолият олиб бориш учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган халқаро ҳаракатнинг бир қисмидир.

XXI компетенциялари ижтимоий ва касбий ҳаётда давлат идоралари, корхона раҳбарлари, ходимлар, мутахассислар томонидан муваффақиятга эришиш учун талаб қилинадиган маҳорат, кўникма ва компетенцияларни ўз ичига олади. Ушбу компетенциялар тизими аналитик мулоҳаза юритиш, муаммоларни ечиш, жамоада ишлаш, мулоқот ва ҳамкорлик компетенциялари, пешқадамлик, турли хил ролларда ёки соҳаларда мослашувчан

[175] Tom Peters. Re-imagine. M.: Best Business Books. - 352 p.

бўлишга имкон берадиган, маълумотни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган кўникмаларни ўз ичига олади.

Мазкур лойиҳа доирасида **Берни Триллинг** (Bernie Trilling) ва **Чарльз Фадель** (Charles Fadel) томонидан **7Cs** - компетенциялар тизими ишлаб чиқилди:

– Critical thinking (танқидий фикрлаш) ва муаммоларни ҳал қилиш;

– Creativity (ижодкорлик) ва новаторлик;

– Collaboration (ҳамкорлик);

– Information and media literacy (ахборот ва медиа-саводхонлик);

– Computing and ICT literacy (компьютер ва АКТ саводхонлиги);

– Cross-cultural understanding (маданиятлараро ўзаро тушуниш);

– Career and learning self-reliance (ҳаёт ва касб учун зарур компетенциялар).

P21 кейинги тадқиқотлар давомида, шунингдек, **Four Cs** деб номланган компетенциялар тизимини тақдим этди:

1. Collaboration (ҳамкорлик).
2. Communication (мулоқот).
3. Critical thinking (танқидий тафаккур).
4. Creativity (ижодкорлик)[176].

**XXI аср кўникмалари йўлида ҳамкорлик ташкилоти** (Partnership for 21st Century Skills, P21) томонидан XXI асрда инсониятнинг барча соҳада муваффақиятли фаолияти учун зарур бўлган кўникмалар қаторида қуйидаги ижтимоий компетенциялар санаб ўтилган:

1. Таълим ва инновация кўникмалари: ижодийлик ва новаторлик (ишда ўзига хослик ва топқирликни намоён қилиш; янги ғояларни яратиш, амалга ошириш; турлича нуқтаи назарларга

[176] http://www.21stcenturyskills.org.

нисбатан очиқ ва сезгир бўлиш; ижодкорликни намоён этиш); танқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш (соғлом фикр юритиш; мураккаб қарорларни танлаш ва қабул қилиш; тизимлар орасидаги ўзаро алоқаларни англаш; турлича нуқтаи назарларни акс эттирувчи саволларни аниқлаш; муаммоларни ҳал қилиш ва саволларга жавоб бериш мақсадида маълумотни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш); мулоқот ва ҳамкорлик қилиш (сўзлаш ва ёзиш орқали фикр ва мулоҳазаларни аниқ ва таъсирчан ифодалаш; турли жамоалар билан самарали ишлаш қобилиятини намоён қилиш; умумий мақсадни амалга ошириш йўлида муросага келиш учун мослашувчанлик ва толерантликни намоён қилиш; ҳамкорликда иш юритиш учун жамоавий масъулиятни ўз бўйнига ола билиш).

2.Ахборот, ОАВ ва технология кўникмалари: ахборот саводхонлиги (ахборотни самарали ва амалий йўллар орқали қўлга киритиш, ахборотга танқидий ва холис баҳо бериш, мавжуд муаммони ҳал қилишда ахборотдан аниқ ва ижодий фойдаланиш, ахборотни қўлга киритиш ва ундан фойдаланишга доир бўлган ахлоқий/ҳуқуқий масалалар ҳақида тушунчага эга бўлиш); ОАВ соҳасида (ОАВ хабарлари қандай, қай мақсадда, қандай воситалар, хусусиятлар ва қоидалар асосида яратилишини англаш; инсонлар хабарларни турлича талқин қилишини, қадриятлар ва нуқтаи назарларнинг ҳисобга олинишини, ОАВнинг фикрлаш тарзига таъсир қила олишини ўрганиш); АКТ саводхонлиги (рақамли технология, алоқа воситалари ёки тармоқлардан тегишлича фойдаланган ҳолда жамиятда фаолият юритиш мақсадида ахборотни қўлга киритиш, бошқариш, бирлаштириш, баҳолаш ва яратиш; технологиядан ахборотни етказиб берувчи восита сифатида фойдаланиш, ахборотни қўлга киритиш ва ундан фойдаланишга оид ахлоқий/ҳуқуқий масалалар ҳақида асосий тушунчага эга бўлиш).

2. Ҳаёт ва касб учун зарур компетенциялар: мослашувчанлик ва кўникувчанлик (турли роллар ва масъулиятларга мослашиш; ноаниқ, мавҳум ва ўзгарувчан вазиятларда самарали ишлаш); ташаббускорлик ва ўз-ўзини йўналтириш (мустақил иш тутиш, ўз ўрганиш эҳтиёжларини кузатиб бориш; кўникмаларни таянч даражасида эгаллаш ёки ўқув дастури доирасидан четга чиқиб, ўз интеллектуал ва ижодий имкониятларини кенгайтириш; шахсий ғоя ва ташаббусларни намоён қилиш; вақтдан самарали фойдаланиш ва берилган вақт доирасида иш ҳажмини бажаришга улгуриш; узлуксиз таълим олиш жараёнига мойилликни намоён қилиш.

3. Ижтимоий ва маданиятлараро кўникмалар: бошқалар билан тегишли ва маҳсулдор тарзда ишлаш (гуруҳларнинг жамоавий ақлий қобилиятидан зарур ҳолларда фойдаланиш; янгилик киритиш ва иш сифатини ошириш мақсадида маданиятлар орасидаги тафовутни бартараф этиш ва турлича нуқтаи назарлардан фойдаланиш); маҳсулдорлик ва жавобгарлик (ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун мезон ва мақсадларни белгилаш, тиришқоқлик ва меҳнатсеварликни намоён қилиш, ишончли бўлиш);

4. Пешқадамлик (лидерлик) ва масъулият (шахслараро ва муаммоларни ҳал қилиш кўникмалари ёрдамида бошқаларга таъсир кўрсатиш ва мақсад сари йўналтириш; умумий мақсадни бажариш йўлида бошқаларнинг кучли томонларидан фойдаланиш; тўғрилик ва ижобий хулқни намоён қилиш; атрофдагиларнинг манфаатини назарда тутиб масъулият билан иш тутиш)[177].

Таълим соҳасида фаолият олиб борувчи кўплаб ташкилотлар томонидан мазкур компетенциялар тизими асосида ахборот-таълим муҳитини шакллантириш учун таълим стандартлари, баҳолаш тизими, малака ошириш, ўқув режа ва дастурлар яратиш каби йўналишларда тавсиялар берилди.

---

[177] P21 Skills Archived 2010-03-06 at the Wayback Machine. Retrieved 2016-03-09.

**Европа Иттифоқининг “Ҳаёт давомида таълим” платформаси** (The Lifelong Learning Platform) 2015 йилгача “Ҳаёт давомида таълим бўйича Европа фуқаролик жамияти платформаси” (European Civil Society Platform on Lifelong Learning) деб номланган. Мазкур платформа Европа мамлакатлари фуқаролик жамиятининг таълим-тарбия соҳасида янги Европа сиёсатига жавоби сифатида ташкил этилган.

LLL-Platform фуқароларнинг ҳаёт давомида узлуксиз таълими борасидаги билимлар, малакалар ва тажрибаларга асосланган ҳолда аниқ ечимларни таклиф қилиш учун фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасида умумий Европа ҳамкорлигини тарғиб қилади. Платформа таълимнинг барча соҳалари ва таълим даражалари таълим олувчиларини қамраб олган. Платформа ҳаёт давомида таълим олишнинг яхлит кўринишини тақдим этади. Платформа ўз фаолиятида таълимнинг нафақат расмий, балки норасмий шаклларини фаол тарғиб қилади. Платформанинг миссиясида узлуксиз таълим кенг қамровли ўқув муҳитини ўз ичига олиши ва формал, ноп-формал ва информал шаклларда олиб борилиши, таълим турлари бир-бирини тўлдириши ва узлуксизлигини таъминлаши кераклиги тўғрисида хабардорликни ошириш муҳимлиги, таълим-тарбия мақсадлари нафақат фуқароларни иш билан таъминлаш, бандлик ва иқтисодий фаровонлик имкониятлари, балки шахсий ривожланиш стратегиясининг асоси сифатида тавсифланиши зарурлиги ғоялари акс этган. Платформа таълим тенглик, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва фаол фуқароликни таъминлашнинг омили, деб ҳисоблайди ва ўз олдига қуйидаги асосий мақсадларни қўяди:

– таълим соҳасида Европа институтлари билан фаол мулоқот ўтказиш;

– ижобий амалиёт, тажриба ва билим алмашинувини таъминлаш;

– ҳаёт давомида таълим олиш соҳасидаги асосий масалалар бўйича маълумотларни тарқатиш;

– ҳаёт давомида ўрганишнинг долзарб муаммоларига оид тадбирларни ташкил этиш;

– Европа Иттифоқининг демократик, фуқаролик ва ижтимоий имкониятларини кенгайтириш.

LLL-Platform бугунги кунда таълим, ўқитиш ва ёшлар муаммолари соҳасида фаол бўлган 40дан ортиқ Европа ташкилотларини бирлаштиради ҳамда улар учун ўзига хос коворкинг-майдонча вазифасини бажаради. LLL-Platform расмий, норасмий ва информал таълимнинг барча соҳаларини қамраб олувчи таркибида бир неча миллион бенефициарлардан иборат 50 мингдан ортиқ ўқув муассасалари ва таълим соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларни қамраб олади. LLL-Platform таълимнинг барча турлари ва соҳалари иштирокчиларини бирлаштириб, Европа бўйлаб инновацион тажриба алмашиш учун майдон яратади, ҳаёт давомида таълим соҳасида аниқ ечимларни таклиф этиб қолмай, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасида таълим тизимларини модернизация қилиш, давлат секторидаги инновацияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенгайтирилган мулоқотни ўрнатишга интилади. LLL-Platform таълим соҳасида компетенциявий ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди, бунда марказий фаолият таянч компетенциялар ва ҳаётий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилади. Бу ёндашув доирасида ижтимоий, фуқаролик ва маданиятлараро кўникмалар, тадбиркорлик тафаккурини ривожлантириш, рақамли ва медиа саводхонликка оид компетенциялар, XXI аср таълимининг асосий қадриятларини ривожлантиришга урғу берилади.

Таълимнинг янги қадриятларини амалга ошириш янги технологиялардан фойдаланиш билан ҳам боғлиқдир. Платформа

ва унинг бенефициарлари рақамли ахборот жамияти таълим олувчилар ўртасидаги тафовутни кўпайтирмаслигини таъминлашга интилади, аксинча уларнинг таълим, ижтимоий, фуқаролик ва иқтисодий йўналишларда жамиятдаги иштирокини кенгайтиради, шунингдек, педагогик инновацияларни қўллаб-қувватлаш имкониятини беради. LLL-Platform EAEA (European Association for the Education of Adults) ташкилоти ва Европа Парламентининг бир қатор депутатлари билан биргаликда фуқаролик ҳамжамияти ва умр бўйи ўқиш билан боғлиқ асосий масалаларни муҳокама қилади, катталар таълимига алоҳида эътибор беради, ҳаёт давомида таълим бўйича Европа Иттифоқининг приоритетлари (устувор йўналишлари), таълим олишда интеграциялашган ва метадисциплинар (тармоқлараро) ёндашувни қўллаб-қувватлайди ҳамда таълим нафақат бандликни, балки шахсий ривожланиш, ижтимоий инклюзия, фаол фуқаролик каби омилларни ҳисобга олишини тарғиб қилади.

**Буюк Британиянинг Лидс университети** (University of Leeds) қошида Ҳаёт давомида таълим маркази (Lifelong Learning Centre)[178] фаолият олиб боради. Мазкур марказ узлуксиз касбий ривожланиш курслари, менежмент бўйича тренинглар, корпоратив таълим орқали мутахассислик кўникмаларини ривожлантириш ва бизнес самарадорлигини ошириш имкониятларини таклиф қилади.

АҚШдаги энг қадимий (1817 йилда ташкил топган) ва дунёдаги энг нуфузли юридик мактаб ҳисобланган Кембриждаги (Массачусетс штати) **Гарвард университетининг ҳуқуқ мактаби** Negotiation and Leadership (Музокаралар ва етакчилик) дастурини таклиф қилади[179].

[178] https://www.leeds.ac.uk/lifelong-learning
[179] https://www.pon.harvard.edu/category/courses-and-training/mediation-at-pon-online. (дата обращения: 21. 04. 2021).

Музокаралар ва етакчилик дастури турли хил давлат ва хусусий фаолият контекстида музокаралар олиб бориш, низоларни ҳал қилиш назарияси ва амалиётини ривожлантиришга бағишланган фанлараро тадқиқот марказидир.

Унинг вазифаси музокаралар олиб борувчи ўқитувчилар ва олимларнинг янги авлодини тарбиялаш, талабаларга музокаралар самарадорлигини оширишда ёрдам бериш ва ғояларни муҳокама қилиш учун форум, коворкинг яратишдир.

Дастур қуйидаги компетенцияларни шакллантиришга мўлжалланган:

– етакчилик кўникмалари;

– музокара олиб бориш технологияларини ўзлаштириш;

– музокара концепциялари ва усуллари;

– ҳиссиётларни бошқариш;

– рационал тафаккур;

– музокараларнинг мураккаб сценарийлари;

– рақобат ва ҳамкорликдаги музокаралар стратегияси;

– тўсиқларни енгиб ўтиш;

– музокараларда воситачилик;

– воситачиликнинг самарали усуллари;

– медиатив технологиялар;

– конфликт-менежмент (низоларни бошқариш).

Тўртинчи саноат инқилоби ва рақамли иқтисод технологик соҳаларда ўзгаришларнинг тезлиги замонавий мутахассисларни тайёрлаш тизими олдига **корпоратив компетенцияларни** ривожлантиришга оид алоҳида талаблар қўяди. Муайян ташкилотнинг “қадриятлари ва миссиясини қўллаб-қувватлайдиган”[180] корпоратив компетенциялар шахснинг муайян корхона ёки компаниянинг

---

[180] Саланова Ю.В., Стеклова О.Е., Чекин А.Н. Формирование корпоративных компетенций в соответствии с корпоративной культурой // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 8-2. – С. 427-431; URL: https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=38914 (дата обращения: 24.08.2021).

ташқи шарт-шароит ва стратегик мақсад-вазифалари доирасида муайян вазифаларни самарали ҳал этиш бўйича корхона қадрият-лари, ташкилий тузилмаси, фаолият хусусиятлари, корпоратив маданиятини ўзида акс эттирувчи интегратив касбий билим, кўникма ва малакалар мажмуидир. Компаниянинг компетенциявий салоҳиятини ташкил этувчи корпоратив компетенциялар турбулентлик ва мунтазам ўзгаришлар шароитида самарали фаолият олиб боришининг асосидир. Корпоратив менежментга оид замонавий тадқиқотларда корпоратив компетенцияларнинг ***грейдинги*** (инглизча grading - даражалаш, таснифлаш), мотивация тизимини яратиш учун мутахассисликлар бўйича лавозимларнинг вертикал структурасини таснифлаш, грейдлар матрицасини ишлаб чиқиш тренди кузатилади. Социологик таҳлиллар корпоратив компетенциялар тизимига қуйидаги soft skills (юмшоқ кўникмалар) компетенцияларини киритиш имконини беради:

– лидерлик (пешқадамлик) кўникмалари;
– конфликт-менежмент;
– ўзгаришларга мослашиш;
– янги ғояларга очиқлик;
– стратегик режалаштириш;
– тўғри қарорлар қабул қилиш;
– нострандарт фикрлаш ҳамда нострандарт қарорлар қабул қилиш;
– стрессга чидамлилик;
– риск-менежмент (хавфларни бошқариш маданияти);
– Action Learning;
– турбулентлик шароитида фаолият олиб бориш;
– соҳалараро коллаборация;
– лойиҳаларни бошқариш;
– гуруҳда ишлаш кўникмалари.

Хаос ва юксак суръатлар шароитида анъанавий компе-тенциялар ижтимоий ҳаётнинг концептуал талабларига жавоб

бермайди. Ташкилотлар, компанияларда тор мутахассисларга эҳтиёжнинг камайиши, универсаллик ва мета- ва трансдисциплинаризмга эҳтиёжнинг ортиши, ижтимоий тенденциялар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш, бутунлай янги усулларни излаш муҳитида унинг таъсирига қарши самарали кураша оладиган ягона компетенция – бу ҳаёт давомида ўрганиш ва билимларни амалда қўллаш қобилиятидир.

Компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган парадигма таълим контенти трансформациясини ва таълим методологиясининг тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Бу ўзгаришлар таълим жараёнининг контекстуал ва формал аспектларини қамраб олади ва қуйидагиларда намоён бўлади:

1. **Таълим берувчининг ролининг ўзгариши**. Компетенциявий парадигма шароитида билимлар “транслятори”, маълумотларни етказувчи мақомидан таълим жараёнини ташкил этувчи, лойиҳаловчи, модератор, коучинг, фасилитатор, тьютор мақомига ўтиш талаб этилади.

2. **Мақсадларни аниқлаш**. Янги парадигма асосидаги ахборот-таълим муҳитида зарур билим олишга мотивация уйғотиш, олинган билимларни ҳаётда қўллаш, self motivation, ностандарт вазиятларда муаммоларнинг тўғри ечимини топиш каби мақсадлар устуворлик касб этади.

3. **Таълим методлари ўзгаради**. Компетенциявий ёндашув таълим олувчи шахсига йўналтирилган интерфаол методларни қўллашни тақозо этади.

4. **Таълим сифатини баҳолашнинг янги тизимлари**. Бунда фақат олинган билимлар баҳоланмасдан, балки шахсий мотивлар ўрганилади, компетенциялар мажмуи ҳисобга олинади.

5. **Ахборот-таълим муҳити.** Компетенциявий ёндашувда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги муносабатлар диктат ва иерархияга эмас, балки конструктивизм ҳамда ҳамкорликка асосланади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим шахснинг мустақил тафаккур, фаол фуқаролик позицияси, соғлом рақобат ҳамда нуқтаи назарларга толерантликни шакллантиради ҳамда маънавий-ахлоқий, жисмоний, ақлий-интеллектуал кўникмаларни ривожлантиришга, жумладан, тез ўзгарувчан, мураккаб VUCA-дунёда шахсий потенциалини реализация қилиш, альтруизм, дунёвий муаммоларни англаш, тўғри қарорлар қабул қила олиш, ижтимоий кўникмаларни эгаллаш, ўз хатти-ҳаракатлари, қарорлари учун жавобгарлик ҳисси, ахборотни қабул қилиш ва яратиш, абстракт, ижодий, мантиқий тасаввурни кенгайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз давлат таълим стандартларида қайд этилган компетентли мутахассис тайёрлаш мақсади нафақат таълим мазмунини, балки ўқитувчи фаолияти, ўқитиш усуллари ва ахборот-таълим муҳитини ташкил қилиш жараёнини ҳам ўзгартиришга олиб келади. Мамлакатимизнинг миллий таълим тизимида илғор хорижий тажриба ҳамда соҳага оид илмий тадқиқотлар асосида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича компетенцияларни ишлаб чиқиш ва таълим стандартларига компетенцияга асосланган ёндашувни киритиш вазифаси компетенцияларнинг тўлиқ таснифини тузиш ҳамда ҳаёт давомида таълим парадигмаси контекстида компетенциявий ёндашувга асосланган, шахсда XXI асрнинг энг муҳим ижтимоий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган таълим стратегиясини яратиш билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда халқаро ҳужжатларга эътибор қаратган ҳолда умумий, олий таълим ҳамда андрагогик таълим стандартларини ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда. Таълимда компетенцияга асосланган ёндашувнинг эътирофи юқори технологияларга йўналтирилган иқтисодий ривожланишнинг янги тенденциялари, шунингдек, инновацион тафаккурга эга келажак авлод мутахассисларини тайёрлаш ва тарбиялаш, саноат ва бизнес манфаатлари билан боғлиқ эди.

Бундай кенг қамровли вазифани таълимнинг концептуал мақсад ва вазифалари акс этган парадигмаллик контекстида амалга ошириш мумкин. Кейинги йилларда Ўзбекистон таълим тизимига илғор хорижий тажрибалар, концепциялар, моделлар, методикалар, форсайт-таҳлилларнинг илғор натижалари фаол татбиқ этилмоқда. Хусусан, чет тилини ўқитишда эришилаётган муваффақиятлар эътиборга олиниб, таълим тизимидаги бошқа фанлардан ҳам компетенциявий ёндашувга асосланган таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Бугунги кунда, умуман олганда, мамлакатимизнинг мактабгача, умумий ўрта, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг компетенция ёндашувига асосланган таълим стандартлари ҳамда давлат талаблари ишлаб чиқилган ҳамда таълим фаолиятига фаол татбиқ этилган. Умумий ўрта таълим, бакалавриат, магистратура ҳамда малака ошириш тизими учун асосий компетенциялар мажмуи шакллантирилган. Мавжуд таълим дастурларида тақдим этилган компетенцияларни шартли равишда шахсий, умуммаданий ва касбий турларга бўлиш мумкин. Шу билан бирга, соҳага оид таҳлиллар, муайян таълим даражасида ўзлаштирилган умуммаданий компетенциялар бир-биридан фарқ қиладиган таълим дастурлари (масалан, педагогика, социология, физика, биотехнология, тизимларни бошқаришни автоматлаштириш, нефть-газ, математика) ҳамда таълим даражалари (бакалавриат, магистратура) иерархиясида тубдан фарқ қилмаслигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, умумий маданий компетенциялар рўйхатида ҳатто ижтимоий-гуманитар, табиий ва техник фанлар соҳасидаги мутахассисликлар ўртасида ҳам туб фарқлар кузатилмайди. Бу турли мутахассисликлар бўйича таълим стандартларини солиштирганда сезилади. Таълим дастурларида универсал компетенциялар, жумладан, жамоавий ишлаш, гуруҳларда янги ғоя, билим ва маъноларни яратиш, янги ғояларни қабул қилиш ва ривожлантириш, ностандарт вазиятларда

ташкилий ва бошқарув ечимларини топиш қобилияти ва улар учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлик; фанлараро тадқиқотлар ва лойиҳалар билан боғлиқ янги кўникмаларни ривожлантириш, тафаккурнинг мантиқий ва интуитив аспектларини фаоллаштириш; шахснинг ўзини ривожлантириш кўникмалари; лидерлик, ички интизом, инсонларни ўта оғир вазиятларда сафарбар қилиш қобилияти; замонавий жамият талабларига мос келадиган сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш; жисмоний-руҳий саломатликни мустаҳкамлаш кўникмалари; ижтимоий аҳамиятга эга муаммолар ва жараёнларни таҳлил қилиш қобилияти; мослашувчанлик; низоларни бошқариш; синергетика, метадисциплинаризм кўникмалари ўз аксини топмаган. Сўз дунёнинг тизимли хусусиятларининг тез ўзгариши шароитида, глобаллашган ахборот жамиятининг ижтимоий-иқтисодий тенденциялари, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси шароитида инсон капитали ҳақида боряпти. Умуммаданий компетенцияларни шакллантириш нафақат ижтимоий-гуманитар йўналишдаги мутахассисликларни ўрганаётган битирувчи (педагог, социолог, ижтимоий хизмат, тарбиячи ва б.) касбининг бир қисми сифатида қаралади, балки, умуман олганда, бу ерда шахснинг ижтимоийлашуви, кенг маънода ижтимоий ҳаёт кечириши учун зарур аҳамиятга эга. Глобаллашув жараёнларининг тектоникаси ва технологик хавфлар таҳдиди ҳар қандай йирик лойиҳаларни яратишда ижтимоий-гуманитар компонентни (ўз фаолияти учун жавобгарлик ҳисси, эмпатия, мослашувчанлик, ижтимоий масъулият) тақозо этади.

XXI асрнинг мейнстрим хусусиятлари бўлган ахборот жамияти, рақамли иқтисод, турбулентлик, глобал халқаро рақобат, саноатга технологияларни муттасил жорий қилиш, глобал хавфлар, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатлари, иқтисодий циклларнинг қисқариши, олтинчи технологик уклад, бизнес муҳитидаги беқарорлик, товарларнинг умр кўриш даврининг қисқариши, товар ва хизматларни етказиб беришнинг янги усулларининг пайдо

бўлиши (Uber-тизимлар) туфайли ҳар қандай маълумот, маҳсулот, воситалар ва компетенциялар жуда катта тезликда эскиради, баъзи саноат тармоқларида маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар бозорга тушиши биланоқ эскиради. Ушбу хусусият нафақат мутахассислар ва ташкилотларга, балки бутун тармоқларга таъсир қилади ҳамда узоқ муддатли режалаштиришни самарасиз қилади (авиасаноат, телекоммуникация, фармацевтика, ахборот тизимлари ва б.). Мазкур дискурс шахснинг ҳаётий муаммоларини (ижтимоий, шахсий, умумкасбий, иқтисодий) ҳал қилиш, таълимнинг ўзига хос ўрни, шахснинг ижтимоий компетенцияларини шакллантиришни детерминант тарзда белгилаб беради.

Компетентликни ривожлантиришга оид муаммоларнинг илмий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, билим етказишга асосланган анъанавий дидактик таъминот шахсда универсал, ҳаётий, ижодий ва касбий компетенцияларни ривожлантиришга психологик-педагогик шароитларни яратиш учун етарли ҳисобланмайди. Ижтимоий педагогика, социология, менежмент соҳасида олиб борилган тадқиқотлар XXI аср технологик муҳитида ўзгаришларга мослашувчанликни намоён этадиган, касбий маҳоратини янги вазиятлар контекстида қўллашга қодир, янги кўникмаларни эгаллашга тайёр, инновацион ғояларга очиқ, ташаббус намоён этувчи, доимий равишда ўзгариб турадиган вазиятларга мослаша оладиган, умумий сафарбарлик, коллаборация ва синергия форматида ишлайдиган ходимлар ва мутахассисларга эҳтиёжнинг муттасил ортиб бораётганини кўрсатади.

Турбулентлик, дунёнинг тизимли хусусиятларининг (иқтисодий, экологик, сиёсий, ижтимоий-маданий, экзистенциал ва б.) экспоненциал ўзгариши дискурсида таълим тизимлари корпоратив муҳитни бошқаришга алоҳида аҳамият беради. Замонавий университетнинг ижтимоий-маданий ахборот-таълим муҳити мутахассисларнинг таълим стандартларида белгиланган касбий ва

шахсий компетенциявий талабларига релевант бўлиши керак. Компетенциявий таълим концепциясининг тарихий-ижтимоий генезиси ва эволюцияси миллий-маданий ва халқаро воқеликка ҳамоҳанг аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи ҳаёт давомида таълим парадигмаси аспектида XXI асрнинг ижтимоий воқелиги ва динамикасига коррелятлашган, шахснинг ҳаётий, ижодий, касбий фаолиятининг сифатини таъминлайдиган, XXI асрнинг энг муҳим мета-компетенциялар тизимини бирлаштирган таълим стратегиясини тақдим этади. Мазкур стратегия илмий ва форсайт-таҳлилларга асосланади:

**1. Process Control** (лойиҳалар ва жараёнларни бошқариш). Келажак компаниялари қатъий иерархияга асосланган тузилмадан узоқлашади, шунинг учун, лидерлик, стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаш, приоритетларни тўғри танлаш, вақтни тўғри ташкил этиш, самарадорликка ва натижавийликка асосланган фаолиятни режалаштириш, жамоани шакллантиришга хизмат қиладиган бизнес-лойиҳаларни моделлаштириш ва бошқариш нафақат компания, ишлаб чиқариш соҳаси топ-менежерларининг прерогативаси, балки барча босқичдаги мутахассисларнинг муҳим касбий компетенциялари доирасига киради.

**2. Мунтазам турбулентлик ва тез ўзгарувчан дунё шароитида фаолият олиб бориш кўникмалари**. VUCA-дунё контекстида тез қарор қабул қилиш, ўзгаришларга мослашувчанликни намоён этиш, риск-менежмент (хатарларни бошқариш), resource management (HR, молиявий ва технологик ресурсларни бошқариш), стресс-менежмент талаб этилади.

**3. Креатив тафаккур**. Турбулентлик, ностандарт ечимлар, персоналлаштирилган маҳсулот ва хизматларга талабнинг ортиши шароитида автоматлаштирилган, дастурланган ечимлар етарли бўлмайди. Шу сабабли иш берувчилар томонидан мутахассисларнинг ижодий фикрлаш, креативлик кўникмалари тобора қадрланади.

**4. Маданиятлараро мулоқот**. Маданиятлараро мулоқот, мультикультурализм, конструктив диалог ўрнатиш; турли маданиятлар орасидаги фарқларни англаш; янги ғоялар ва қарашларга очиқлик, медиатив кўникмалар, музокара олиб бориш маданияти, миллий-ментал фарқларни сенситивлик ва уни муаммоларни ҳал қилишда фаол қўллаш, ҳамкорликда самарали мулоқот қилиш, мулоқот иштирокчиларининг шахсий қарашлари, позицияларини ҳисобга олиш компетенциялари.

**5. Тизимли тафаккур.** Ночизиқли экспоненциал тараққиёт, атрофимиздаги дунё ва биз дуч келадиган муаммоларнинг тобора мураккаблашуви тизимли фикр юритиш; мураккаб тизимларнинг ишлаш моҳиятини тушуниш, тизимлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриш ва англаш; мураккаб жараёнлар ва механизмларнинг детерминистик хусусиятларини топиш қобилиятини талаб қилади. Тизимли тафаккур муайян (технологик, корпоратив, ижтимоий) тизимлар фаолиятини, шахсий иштирокнинг ижтимоий фаолиятнинг умумий натижасига қандай таъсир қилишини англашда намоён бўлади.

**6. Экологик тафаккур.** Барқарор ривожланиш мақсадларига релевант экологик маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; ресурсларни тежаш, табиат ва инсоннинг коэволюциясини (биргаликда яшаши) таъминлашга қаратилган тафаккур тарзи, саноатнинг исталган соҳасида жараёнларни оптималлаштириш, барча турдаги чиқиндиларни ва харажатларни минималлаштириш, *lean production* (тежамкор ишлаб чиқариш) ва *lean-ёндашувга* асосланган бошқариш кўникмалари. Табиий бойликларнинг чекланган ҳажми, яшаш ареали ва сайёрамиз учун масъулликка асосланган экологик ёндашув шахсдан экологик тафаккур, табиий ресурсларни тежаш, энергия, сув сарфини, чиқиндилар ҳажмини камайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, биологик парчаланадиган материаллардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

бўйича кундалик фаолият ва бизнесни оптималлаштиришда фаол иштирокини тақозо этади.

**7. Диққатни бошқариш**. Ахборот жамияти ва экспоненциаллик контекстида тезкор ва самарали ҳаракат қилиш учун маълумот оқимидан муҳимини ажратишни ўрганиш, йўналиш ва ҳаракат тектоникасини англаш; диққатни жамлаш (концентрация); мураккаб технологиялар ва ахборот оқимларида концентрацияни йўқотмаслик; диққатни бошқариш муҳим компетенциялар сирасига киради.

**8. Танқидий тафаккур** (Critical thinking). Маълумотларни таҳлил қилиш, баҳолаш, объектив қарорлар қабул қилиш ҳамда ахборотнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш кўникмалари. Атрофимиздаги маълумотлар ҳажми доимий равишда экспоненциал тарзда ўсиб боради. Ахборотнинг ҳаммаси ҳам ишончли ва объектив эмаслиги шахсдан манипуляция объекти бўлиб қолмаслик учун ахборотга нисбатан танқидий муносабатда бўлишни, олинган маълумотларнинг валидлик даражасини тасдиқлаш учун нуфузли манбаларга мурожаат қилиш каби кўникмаларни тақозо этади.

**9. Эмоционал интеллект**. Технократик тамаддун шароитида шахслараро муносабатларда эмпатия, турли ижтимоий ролларга адаптивлик, мослашувчанлик, конструктив мулоқот, инсонларга ҳамдард бўлиш, альтруизм каби гуманистик кўникмаларнинг роли ортиб боради. Эмоционал интеллект ўз ҳис-туйғуларини англаш, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини тушуниш; бошқаларни диққат билан тинглаш; дунёга очиқликни намоён этиш; бошқа инсонларнинг фарқли фикрларини ҳурмат қилиш; бошқаларнинг ҳис-туйғуларини тан олиш; инсонларга ёрдам таклиф қилиш; турли меъёрлар, қадриятлар, маданиятлар, қоидаларга очиқ ва мувофиқ ҳаракат қилиш кўникмаларини ўз ичига олади.

**10. Соҳалараро коллаборация, метадисциплинаризм.** Соҳалар конвергенцияси шароитида муайян тизимдаги

муаммоларни ҳал қилиш мутахассисларнинг турли усул ва ёндашувларни самарали қўллаш, ўз соҳасига алоқадор бўлмаган тармоқларда мавжуд технологиялардан фойдаланиш компетенцияларига боғлиқ.

**11. Ахборот кўникмалари.** Ахборотни яратиш, танлаш, катта ҳажмли ахборот оқимини фильтрлаш, керакли маълумотларни ажратиб олиш ва натижаларга эришиш учун уни қайта ишлаш қобилияти; ахборот хавфсизлиги; ахборот тизимлари билан ишлаш, технологик тизимларнинг асосий тамойилларини тушуниш кўникмалари; сунъий интеллектни бошқариш, муайян вазифаларни бажаришга йўналтирилган дастурий маҳсулотларни яратиш компетенциялари.

**12. Conflict management** (низоларни бошқариш). Замонавий тамаддун ва ижтимоий ҳаётнинг этник, ирқий, миллий, оилавий, меҳнат, тижорат, бизнес, ғоявий-мафкуравий муносабатларга оид масалаларда низоларни самарали ҳал қилиш, уйғун ривожланишнинг омили сифатида ҳиссиётларни бошқариш, инқирозларни бартараф этиш, медиатив кўникмалар ва медиатив технологияларни ўзлаштириш орқали шахсий ривожланиш қобилияти.

**13. Гендер сенситивлик**. Барқарор ривожланишнинг асосларидан бири сифатида гендер паритети замонавий жамиятда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, таълим ва шахслараро муносабатларнинг ривожига хизмат қиладиган ижтимоий адолат тамойиллари асосида жамият ҳаётини ташкил этишнинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Гендер сенситивлик жинснинг социомаданий конструкцияси ҳисобланган гендер тенглигининг эркаклар ва аёлларнинг ижтимоийлашув жараёнида орттирилган, жамият томонидан моделлаштирилган ва ижтимоий институтлар томонидан қўллаб-қувватланадиган тафаккур, хулқ-атвор хусусиятлари, турмуш тарзи меъёрлари ва қадриятлар тизимини англаш; инсоннинг шахс сифатида намоён бўлиши учун барча ижтимоий тўсиқларни ўрганиш ва бартараф этиш; барча соҳада эркаклар ва

аёллар учун тенг ижтимоий имкониятларни яратиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий адолат дискурсида гендер проблематикасини ҳисобга олиш кўникмаларидан иборат.

**14. Мослашувчанлик.** Ноаниқлик шароитида ишлаш, янгиликларга очиқлик, янги шароитга мослашиш, ўзгарувчан омиллар билан ишлаш қобилияти; ўзгаришларни қабул қилиш, янги кўникма ва усулларни ўрганиш; ўз малакасини доимий равишда ошириб бориш мақсадида ҳаёт давомида таълим; янги маълумотларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш кўникмалари.

**15. Self-development.** Ўз-ўзини ривожлантириш – ихтиёрийлик ва ўзини ўзи бошқариш билан тавсифланадиган жисмоний, интеллектуал, ижодий, ҳиссий, маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг доимий ва мураккаб жараёни ҳамда ўз ҳаётининг ҳақиқий субъекти бўлиш, ҳаётий фаолиятини амалий ўзгартириш объектига айлантириш қобилияти сифатида кенг спектрли билим ва кўникмаларни талаб қилади: ўз олдига амбицияли мақсадларни қўйиш; ижтимоий фаолиятни амалга ошириш учун ўз имконияти, интеллектуал салоҳияти ва вақтини тақсимлаш; приоритетларни тўғри танлаш; комфорт зонани тарк этишга тайёрлик; янги вазифаларга ривожланиш имконияти сифатида қараш; ўз билим ва қобилиятини доимий ривожлантириш; касбий ривожланиш стратегиясини тузиш; ўзининг кучли томонлари ва ривожланиш соҳаларини билиш; танқидни конструктив идрок этиш; хатти-ҳаракатларини коррекциялаш; илғор тажрибаларни ўрганиш; илм-фан ва саноатдаги сўнгги ўзгаришлардан воқифлик; юқори профессионал стандартларга интилиш; ўз устида мунтазам ишлаш; турли соҳаларда ўз кўникмаларини ривожлантириш.

**16. Problem-solving**. Ўзгарувчан бизнес-моделлар шароитида муаммоларни ҳал қилиш, мураккаб муаммоларга ечим топиш ва самарали қарорлар қабул қилиш қобилияти иш берувчилар ўз ходимларида кўришни истаган **must have** (бўлиши зарур)

кўникмалар сирасига киради. Муаммони ҳал қилиш кўникмалари муаммоларни аниқлаш ва тўғри баҳолаш; жамоавий ҳамкорлик; муаммонинг ҳажми ва табиатидан қатъий назар, уни ҳал қилишда тизимли ёндашув; потенциал ечимларни яратиш; жамоа аъзоларининг турли фикрлаш услубларидан фойдаланиш; биргаликда қарор қабул қилиш; мавжуд вазият учун релевант қарор қабул қилиш; ҳар қандай муаммони ҳал қилишда очиқ ва яширин тўсиқларни олиб ташлаш; муаммоларни ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш билан боғлиқ имкониятлар ва чекловларни тушуниш; жамоанинг тафаккурини тўғри йўлга йўналтириш; энг яхши ечимни танлаш; муаммони такрор содир бўлишининг олдини олиш; шахсий ва жамоавий самарадорликни ошириш; келажакда муаммони ҳал қилишга асосланган янги ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**17. Self-education.** Ўз саъй-ҳаракатлари, мустақил таълим олиш орқали касбий билим ва компетенцияларини муттасил ривожлантириш кўникмаси. Замонавий бизнес-рақобат муҳитида "**касбий омон қолиш**"; технологияларнинг ўзгарувчан суръатига мослашишнинг энг муваффақиятли усулидир. Autodidactism, Self-study, Self-learning, ўз-ўзини ўқитиш шахсий мотивлар асосида исталган мавзу бўйича таълим олиш; онлайн ва рақамли режимлар орқали ўрганишнинг янги усулларидан фойдаланиш; вақтни тўғри тақсимлаш; муайян жиҳатлар ёки стандартлаштирилган мавзулар билан чекланган анъанавий ўқитиш усуллари периметридан чиқиш; таълим контентини танлаш; шахсий таълим стратегиясини мустақил белгилаш имконини беради.

XXI асрда Lifelong Learning дискурсида компетенцияга асосланган ёндашувни таълим тизимига жорий этиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ҳам универсал компетенцияларни шакллантириш долзарблигини тасдиқлайди. Маҳаллий таълим тизими амалиётида шахс томонидан кундалик ва касбий вазифаларни ҳал

қилишда когнитив, ижтимоий хулқ-атвор, рақамли компетенциялар ва математик саводхонликка алоҳида эътибор берилади. Бу омиллар инновацион иқтисодиёт контекстида компанияларнинг иш жараёнлари, бизнес моделлари ва маҳсулотларида инновацион ёндашувлар,  XXI асрдаги глобал тенденциялар ва халқаро етакчи компанияларнинг кутув ва умидларига мос келади.

Таҳлиллар глобаллашув, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маданий омиллар, ишлаб чиқариш ва технологик тараққиёт, тез ўзгарувчан ва турбулент дунё дискурсида дунё таълим тизимлари томонидан lifelong learning парадигмасини қабул қилиш заруриятини тақозо этади. Тўпланган маълумотлар шахснинг ҳаётий ва касбий ривожланиш траекториясини тузиш, бўлғуси мутахассисга муваффақиятли карьера қуриш, компаниялар учун кадрларга оид стратегияни ишлаб чиқиш, раҳбарларга форсайт-режалаштириш ва корпоратив маданиятни шакллантириш, таълим муассасалари учун таълим контенти, ўқув жараёни ва ўқитиш услубларини трансформация қилиш, давлат органлари учун меҳнат қонунчилиги соҳасида қонунчилик ташаббусларини илгари суриш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Lifelong Learning контекстида таълимнинг глобал мақсадларини амалга ошириш, аввало, атрофдаги дунё билан ҳамнафас яшашни биладиган, барқарор ривожланиш тамойилларини англайдиган, маданиятлараро мулоқотнинг хусусиятларини тушунадиган, касбий фаолиятда зарур профессионал кўникмаларни ўзлаштирган шахснинг ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, бу  глобал тараққиёт дискурсида таълимнинг концептуал тамойилларини давлат ва жамиятнинг ижтимоий-тарихий ривожланишига мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

